

495
1993/2-3



BY
SME

GULISTAN
ГУЛИСТОН
2-3
1993

Бола дунёни тебратар. Ҳозирча уларни оқ халатли, оқ ниятли, меҳрибон энагалари тебратаётирлар. Қўлингиз дард кўрмасин доя «момо»лар.



2—3
(516—517)
ҲУТ—ҲАМАЛ
(Феврал-Март)
1993

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон жумҳурияси «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси.

НОШИР:
Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Бош муҳаррир ўринбосари:
Оқилжон ҲУСАН,
Абдусайд НУРБОЕВ
(масъул котиб),
Абдураззоқ КАРИМ,
Мирвосил ОДИЛОВ
(бош мусаввир),
Машраб НУРИНБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
ШУКУРЛЛО,
Азиз ҚАЮМОВ,
Раҳим АҲМЕДОВ,
Ҳамид ЗИЕЕВ,
Дилфуза ҒУЛОМОВА,
Жамол КАМОЛ,
Сабоҳат АЗИМЖОНОВА,
Абдусайд КУЧИМОВ,
Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент — II, 700000,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Таҳририят телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари 33-35-90; масъул котиб ва умумий бўлим — 33-36-02; беватини бўлими ва мусахҳих — 33-36-58.



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом Каримов** ташаббуси билан шу йилнинг 4 январ куни Урта Осиё ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари Тошкентда учрашдилар. Ўзбекистон Президенти **Ислом Каримов**, Қозоғистон Президенти **Нурсултон Назарбоев**, Туркменистон Президенти **Сапармурод Ниёзов**, Қирғизистон Президенти **Аскар Акаев** ва Тожикистон Олий Кенгаши Раиси **Имомали Раҳмонов** минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни муҳокама қилдилар. Учрашув қатнашчилари томонидан **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМДЎСТЛИГИНИ (МОҲ)** тузиш ғояси илгари сурилди.

Ҳозирги кунда МОҲ барпо этилиши учун замин ҳозирланди. Иқтисодий ва молиявий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, ўзаро келишилган ҳолда сиёсат юритиш, ягона бож қондалари ва солиқ тизимларини ишлаб чиқиш, нархларни биргаликда белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди ва бир битимга келинди.

Суратда: Учрашув пайти.

Суратқаш А. Зуфаров ва Р. Нуриддинов (ЎЗА)

R 496
1993/2-3





СИРДАРЁ НОЛАСИ

«Сирдарё — Ўрта Осиёдаги энг узун ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё. Сирдарё турли даврларда хилма-хил номлар билан аталган. Қадим юнон тарихчиларининг асарларида Язартес (Яксарт), зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авестода» Дану, хитой транскрипциясида Яоша, ўиничи асрда ёзилган географик асар — «Худуд ул-оламда» Хашарт, туркий ёзуларида Енчу ўғиз, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Гуларришон, араблар келгандан кейинги кўпгина соломаларда Сайхун, Беруний асарларида Хасарт шаклларида тилга олинган.

Сирдарё сўзи деглаб Рим тарихчиси Плиний асарида (мил. I аср) «Силис» шаклида учрайди. «Силис» (ёки «Сир») сўзи бу дарё атрофида яшасан қабила номидан олинган бўлса керак.

Сирдарё Фарғона водийсининг шарқий чеккасида, Балиқчи қишлоғи ёнида Норин дарёси билан Қорадарёнинг қўйиلىшидан ҳосил бўлади. Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоятлари, Тожикистоннинг Хўжаанд вилояти, Қозғистоннинг Чимкент ва Қизилўрда вилоятлари бўйлаб аввал ғарб, жанубий ғарб томон оқиб бориб, Орол денгизига қўйилади.

Узунлиги Норин дарёси билан Қора дарёнинг қўйиلىш жойидан ҳисоблаганда 2212 қағирим, Норин дарёсининг бошланиш жойидан 3019 қағиримдир.

(Ўзбекистон Қомуси, 10-том)

Яқин-яқин ўтмишда ҳам одамлар ариқлардан сув ичишарди. Бугун оқар сувларнинг деярли барчаси ифлос. Улардан сув ичиш у ёқда турсин, қўлни ювишга ҳам юрак бетламайди. Чунки бугунги кунда дарёлар, каналлар бўйида жойлаштирилган саноат корхоналари, хўжалик фермалари ва шаҳарлар канализация тармоқлари улардан чиқётган ифлос оқовалар, зарарсизлантирилмаган чиқиндилар кўр-кўрона оқар сувларга ташлаб юборилаётганлиги оддий ҳолга айланб қолди. Бир вақтлар ўлкамазининг ҳуснига ҳусн бахш этиб, кўм-кўк ойнадек тиниқ сувли Сайхун сингари нахрулҳаёт эндиликда маъюс, бамисоли унда сув эмас, дард оқайтгандек. Қачонлардир ўт-ўланга тўлиқ бўлган дарё қирғоқлари мана бугун заҳарли оқовалар таъсирида тап-тақир, файзсиз бўлиб қолган. Жон таслим қилаётгандай ҳолсизланиб оқайтган дарёга қараб кишини оғир ўйлар босади. Дарёларнинг гўзаллиги, салобати, вазоҳати фақатгина дostonларда, уни қуйлаган бахшларнинг, шоирларнинг юрагида армон бўлиб қолиб кетгандек...

Нега энди хозирги кунга келиб боболаримиз эъозлай олган, ҳар қатраси олтинга тенг, тоза дарё сувлари бўлганли, заҳарланди? «Оқар сувлар — кўпининг насибаси, уни ифлослантирганининг кўзи кўр бўлади». Бу калима дониш ота-боболаримиздан қолган-ку! Шу ўғитларга амал қилганимизда сувга муносабатимиз бу даражада тубанлашмаган бўлармиди.

Яқинда муҳарририят тошириғига биноан азим Сайхун қирғоқларини кездим. Мажруҳ дарёнинг дардига малҳам истаётган одамларнинг, дарёнинг муҳофазаси билан шугулланаётган ташкилотлар мутаассадиларининг фикрларини, дардларини тингладим. Барчаннинг ҳасратидан чанг чиқади. Дарё эса инсон нажотига муҳтож.

Яқин-яқинларгача Сирдарё суви дунёда энг тоза, тўғридан-тўғри истеъмол қилса бўладиган хуштаъм ҳисобланган. Энди эса аввалги шафдоф сув юзини қора қуйқалар босган. Турли саноат чиқиндилари ажал сиртмоғидек дарёни бўғмоқда. Оқибатда, минг йиллардан буён Сайхун бўйларида яшаб келган одам-

лар: «Дарёлар бўйида бўлдиқ сувга зор», деб қақшамоқдалар. Дарёнинг ифлосланиши натижасида аҳоли ўртасида ҳар хил юкумли ва соғайиши оғир кечадиган касалликлар кўнаиб бормоқда.

Оғир ҳаёллар гирдобиде азим дарё бўйлаб юра-юра шашти қайтган тўлкинларга тикиламан; тутқич бермай оқайтган сувдан ҳовучимга оламан. Тикиламану сувдига билинар-билинимас турли хил чиқитларни кўриб, сесканиб, сувни ҳовучимдан тўкиб юбораман. Шу пайт нарироқда отда келатган кишидан ҳар эҳтимолга кўра: «Амаки, дарё сувини ичса бўладими?» деб сўрайман. У киши эса: «Эй, нимасини айтмай, сувни ифлослантираётган шаҳарлардаги заводлар бор бўлсин! Ичсини айтасиз, уни одамларга эмас, ҳайвонларга бериб кўринг; зум ўтмай ҳаром қотайди...».

Во, даринг, минг дардга шифо деб алқанган она дарё суви бугун заҳри қотил. Шимол юртларда оқар сувлар кўп. Бизда эса бармоқ билан санаса бўладиган дарёлар бор ҳолос. Шуни ҳам авайлаб-асрашни эилай олмаيمиз. Шаҳарлардаги улкан завод ва фабрикалардан оқизилаётган заҳарли моддалар ва саноат чиқиндилари билан тўйинган дарё суви-га бу кўргилик камлик қилгандай давлат ва жамоа хўжалиқларининг чорвачилик фермаларидан тонна-лаб ахлатлар тўғридан-тўғри дарёга ташлаб юборилаётир. Боевут тумани ҳудудида хонадонлардан чиққан уй ҳайвонларининг гўнглари ва боққа чиқиндилар аралаш ифлосликлар ҳам бир вақтлар муқаддас деб аталган нахрулҳаётга оқизилаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Одамларнинг ўзига инсоф бермас, қийин экан-да. Дарё эса унсиз нола қилиб, одамлардан оқибат тилаб, сокин оқайтир.

Дарё оқимининг 120 қағиримлик узунликдаги ҳимочиялари қароргоҳи Гулистон шаҳрида жойлашган экан. У ерда бўлганимда табиатни муҳофазга қилиш кўмитасининг ходими менинг олдимга бир талай вилоят ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорлардан иборат ёзу ишларини келтириб қўйди; тасдиқланган, қабул қилинган қарорлар маъкур ёзма ишларда дарёни ифлослантираётган бир қанча завод ва ташкилотларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари

очиб ташланган эди. Масалан, Бахт ва Сирдарё шаҳарларидан, Гулистон ва Сирдарё туман ҳудудларидан чиққан канализацияларнинг ифлос оқовалари, касалхона ва ҳаммомларнинг ниҳоятда заҳарли, ифлос сувлари шундайлигича дарёга қўйиб юборилаётганлиги ҳамда Гулистон давлат хўжалиги, Ўзбекистон жамоа хўжалиги ва Крестьянка қишлоғи атрофида жойлашган чорвачилик фермаларида ҳам худди шундай йўл тутилаётганлиги кўрсатилган. Яна бир ёзма ҳужжатда Сирдарёнинг наботот ва ҳайвонот дунёсига қасд қилишга интилган Тошкент шаҳрида яшовчи В. Глазунов, Оққўрғон туманидан А. Ўрозов, Тошкент шаҳри Яқкасарой туманида яшовчи В. Стоткович сингари кимсаларнинг овга чиқиб, ҳар хил заҳарли кимёвий моддалар ишлатаётганликлари, балиқ, ўрдак, ёввойи чўчка овлаш билан шугулланаётганликлари ёзилган. Лекин дарёга ва экологияга зарар келтирган ўша кимсаларга ташкилот, хўжалик ва туман раҳбарларига нисбатан кўрилган жазо чоралари энгил-елини эди. Вилоят табиатини муҳофазга қилиш кўмитаси раиси ўринбосари Пайзулла ака Абдуллаева:

— Мана бу қарорларда жиноят содир этган шаҳар туман ва хўжаликлар раҳбарларига, ўзбошимча кимсаларга нисбатан энгил-ели жарима тўлатдиргансизлар нега жиний жавобгарликка тортилиши ҳақида билдирилмаган? Ахир улар бу аримас жарималарни оппа-осон тўлаб, мўмай даромад олаверади-да, — деганимда каловланиб қолди. Бир-икки дақиқа ўйлаиб турди-да, сўнг гап бошлади:

— Биз собиқ иттифоқдан қолган қонуилар билан бирон иш қилолмадик. Мана энди, ўзимнинг конституцияимизни қабул қилдик. Ундаги қонуиларнинг кучини яқингинада жиноят содир этган Бекобод темир-бетон заводининг устаси М. Денисовга қўлладик. У дарёнинг ҳам экологик ҳолатини бузиб, ҳам ноқонуний равишда балиқ ушлаш жараёнида заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланган. Унинг иши ҳозир судга оширилган. Дарёга маълум миқдорда зарар етказган фуқаро ва мансбдор шахслардан ўтган йилнинг олти ойи давомида 171585 сўм миқдориде, шу жумладан, ташкилот ва корхоналарга 1 миллион 114709 сўм миқдорда жарима солинди...

Бошқарманинг бу қўрилган тadbирлари ниҳоятда оз назаримда. Сўнг Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг махсус қабул қилган 303-номери қарори бир йилдан ошган бўлса-да, ҳали бу қарорга Сирдарёнинг икки қиргоғида ўрнашиб олган заводлар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжалиқларнинг раҳбарлари амал қилмаётирлар. Дарё ўзанида жойлашган қурилиш материаллари заводи (бошлиғи Йўлдош Ҳайдаров), Сирдарёнинг чап қиргоғида ўрнашиб олган Йўл қурилиш бошқармасига қарашли завод (бошлиғи А. М. Эм) сингари катта-катта ташкилотлар Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг бу қарорига бефарқлик билан, панжа орасидан қараб келаятганлиги маълум бўлди. Мана, ўша қарордан сўнг 44 та завод, корхона, ташкилотлар жойлашши ҳудудини дарё қирғоғидан камиде 500 метр узоқлаштиришга улғурдилар-ку. Асична, мана бу заводлар Сирдарё «пинжи»га қириб олиб ўзларича дарё ҳисобидан фойда олмақдалар.

Бу йил табиатни муҳофазга қилиш вилоят кўмитаси Сирдарё сув ҳавзасининг наботот оламини бойитиш ва экологик ҳолатини яхшилашга 6 миллион 700 минг сўм маблағ сарфлади. Шолиторлардан 600 минг дона майда балиқчалар ушлашиб дарёга ташланди. Шунингдек, 120 минг ёввойи ўрдак жуъаси туҳумдан очирлиб, Сирдарё табиати қўйнига учирма қилинди...

Албатта бундай хайрли ишларнинг амалга оширилиши яхши гап. Лекин «бўйсунмас қасоскорлар» — завод ва корхоналар дарёни ва атроф-муҳитни булгаб, пайдо қилган заҳарли, ифлослантирувчи чиқиндиларни зарарсизлантирмай дарёга ташлайверса, ташлайверса, қилинган яхши ишларнинг фойдаси бўлармикан?

Албатта, заҳарли моддаларга тўйинган Сирдарё суви, унга оқизилаётган заҳарли чиқитлар асосан Бекобод шаҳрида жойлашган ўнлаб заводлар, корхоналар оқоваларидан тушаётганлиги оқибатиде юз бермоқда. Бу ҳам етмагандек, Сирдарё сувиға қўйлаётган Чирчиқ, Бўзсув сингари ифлослик даража-си юқори бўлган катта-катта ирмоқлар дарё сувини умуман яроқсиз ҳолатга келтирмоқда. Экологиянинг бузилиши эса ҳар хил зарарли хашаротларнинг кўпайишига сабаб бўлиб, дарё атрофидаги аҳоли истискоматҳоғрида турли юкумли касалликларни келтириб чиқармоқда. Вилоят экологик экспиртиза ва мувофиқлаштириш бўлимининг 1992 йил 9 ойлик ҳисоботида: «Вилоятдаги 17 хўжалик аҳолиси тоза

ичимлик суви билан таъминланади. натижада, ячак, ошқозон ва бошқа шунга ўхшаш касалликлар деярли камайдми», дейилган жумлаларни ўқишингиз мумкин. Аҳоли эса ҳозирча ноиловликдан ҳали ҳам дарё атрофидаги қудуқлардан сув ичмоқда.

Дарёни муҳофаза қилувчи масъуллардан: «Ахир бу обиҳаётни ифлослантираётган яна қайси заводларни айта оласизлар?» деб сўраганимизда, жўяли жавоб айтмадилар.

Демак, биз шунинг унутмаслигиниз керакки, собиқ СССР даврида қурилган — бугунги Сирдарё хавзасидаги завод ва корхоналар жуда пухта ўйланган «режа» асосида жойлаштирилган. Шунинг учун бугун бир вақтлар улуг аждодларимиз ўзларининг асарларида табиатимизни бетакорр деб айтиб кетган энг тоза масканларимизда бугун заводларнинг, корхоналарнинг мўриларидан буриқиб чиқиб ётган тугунлари, зарарсизлантирилмай оқизилаётган оқовалар бунга мисол бўла олмайдими? Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг «...Сирдарё хавзасида жойлашган завод ва корхоналарнинг жойлашши ҳудуди дарё қирғоғидан энг камида 500 метр узоқликда бўлиши тўғрисидаги» 303-махсус қарори ўз вақтида чиқарилган оқилона тadbир эканлигини таъкидлаш керак. Яъни шу билан бирга бу қарорни жаннатмақом ўлкамизни асраш мақсадига қўйилган ИЛК ҚАДАМ — қайгуриш деб ҳисоблашимиз керак.

Дарё бўйлаб эртасига ҳам сафарга чиқдик. Ҳамроҳим табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эшонкул Одилов куюниб гапирди:

— Дардимиз жуда кўп-да, ука, — деди-да, дарё ўзанида жойлашиб олган қарердаги экскаваторни кўрсатади.— Мана шу «каламуси»ларни устидан арз қилиб қаерларгача бормадик; лекин натижа йўқ.

Ҳақиқатан ҳам Эшонкул Одиловнинг куйинганича бор экан. Бу сингари «қарер»ларни дарёнинг ҳар ўн чақиримда учратиш мумкин. Бундай қараганда дарё чеккасида кум, шағал ва тошларни машиналарга юклаётган бу беозор кўринган «ўрмаловчи»лар дарёнинг табиий қирғоқига бузилишига сабаб бўлмоқда. Одий қилиб айтганда, дарёнинг кенгайиб оқишига шароит яратилиб, оқар сувнинг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Ахир бизда, ҳаммадан ёз ойларида қишлоқ ҳўжалигига шундай ҳам сув етишмайди-ку! Демак, дарё қирғоқлари бир-бирдан яна ҳам узоқлашмоқда. Аста-секин Сирдарё бугунгидан ҳам ёйлиб оқа бошлайди. Энг асосийси дарёнинг оқини режими бузилади. Натижада сув янада кўпроқ исроф бўлади. Заҳарли моддаларга тўйинган сувдан янада кўпроқ заҳарли ерлар ҳосил бўлишини кўз олдинга келтирганингизда эса дахшатга тушасиз.

Муқаддас Ҳадиси шарифларда мана шундай сатрлар манжул: «Халқ сонисидан фойдаланиб турган дарахтин кесиб юборган одамни Оллоҳи Таоло дўзахга маҳкум этур».

Ўйлайман, халқ сув ичиб турган ёки халқнинг дастурхонидаги турли поз-неъматлар бунёдкори, яратувчиси мана шу сув — азиям дарёлардан, аввал каналларга, сўнгга ариқлару-ариқчалардан бўлиниб бўлиниб оқиб, ризқимизни бутун қилади. Нега энди биз, одамлар, унга чиқиндиларни, заҳарли оқоваларни, хаттоки шаҳарлардан чиққан канализацияларнинг ниҳоятда ифлос сувларини шундайлигича дарёга қўшиб юборганимиз керак?

Қадимда турли-турфа номлар билан аталиб, бугун эса Сирдарё деб юритилаётган бу азиям наҳр — чиқит ва чиқиндиларнинг «Сирли дарёси»га айлиниб қолмаслигининг олдини олиш ҳаммамизнинг бурчимиз эмасми? Бугун Сирдарё Оролга баазў етиб бормоқда. Шунинг учун халқимиздан Оролнинг ўч олини ҳақиқатга айлана. Эндиги гал, яна бир ҳаёт наҳримизни заҳарланган оқоваларга тўлдириб, тўйинтириб юборасек, у ҳам биздан «ўч» ола бошласа... халқимиз яна бир — бу сафарги табиат ҳамласига дош бераймикин? Унда...

Хуллас, етти иқлимга машхур, қадим Мовароуннахрнинг бугунги авлодлари, фарзандлари — Она Сайхуни асрайлик!

Маъмурият ҚИЁМОВ,

«Гулистон» оёйомасининг махсус мухбири

МИРМУҲСИН

ОТА ЮРТИМ— КЎЗ НУРИМ

Адиб хулосалари

Мустақил Ўзбекистонимизнинг янги Конституцияси умумхалқ муҳокамасидан ўтиб, Олий Кенгаш тасдиқлади. Халқимиз ҳаётида бу улуг ва тарихий воқеадирки, келажакка қомил ишонч, элнинг бахту тахти, мамлакатимиз тараққиёт режалари Асосий Қонунида аниқ ва равшан ифодаланган. Биз адиблар ўз асарларимизда янги замон кишининг юртга содиқ қалбини, жамолини ҳамда мустақиллигини, байроғимиз, тамғамизга содиқлигини тасвирлашимиз лозим. Озод ва мустақил Ўзбекистон ҳақида янги асарлар яратиш асосий режаларимиздан. Халқимизнинг меҳнату зафарларини тасвирлашга ва куйлашга, илҳому куч бағишлашга бурчлидиримиз. Иншоолло, истиқлол ва тараққиёт йўлимиз янги уфқлар очади, бизни фаровон ва бахтли ҳаётга элтади.

«Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бири киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт», деб ёзган Президент Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида.

Шу улуг кунга — мустақилликка етиб келган, сафимиздаги мумтоз қаламкашлар — Қомил Яшин, Зуфия, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир... Қардошларим — Леонид Леонов, Олесь Гончар, Чингиз Айтматов, Мирсаид Миршакар, Жалол Икромий, Мирзо Иброҳимов, Мустой Карим ва бошқалар — халқларимиз маънавиятининг бебаҳо миллий бойлиқдирки, асраб-авайлашимиз, ҳар бир носоголом, нописанд гаплардан ҳимоя қилишимиз лозим. Ҳа, бу кунларга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам бор. Ўзвучини баҳолашда унинг халқ учун яратган асарини кўзда тутиш тўғри йўл.

Яқинда Тошкент шаҳри маҳаллаларининг бир кўп оқсоқоллари Президент қабулида бўлдилар. «Мустақил Ўзбекистон давлат тўғрисидаги рамзи Ҳумо халқимиз елкасига қўнганига, алхамдулиллоҳ, бугун ўзимиз ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбекининг қаддини ростлашга, ўзини англашига улкан ҳисса қўшдингиз. Мустақил давлат сифатида халқро сиёсий майдонга чиққанамиз, Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солигани Сизнинг сай-ҳаракатларингиз самарасидир...» Бу ҳаққоний ва юрак сўзлари менда катта таассурот қолдирди.

17 январда Москва, Останкино телекомпанияси Ўзбекистонимиз Президентини Ислоҳ Каримов билан суҳбат ўтказиб, жуда яхши тележурнал берди. Ўзбекистонни бутун дунё тан олди, унинг Президенти ташаббусини ҳурмат-эҳтиром билан қарши олаётган Останкино телекомпаниясини ҳам тан олишга, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга ундади. Катта ва муҳим бу кўрсатув халқимизда яхши таассурот қолдирди. Бултур 23 сентябрь кун Останкино телекомпаниясида ҳурматли Владимир Познер ёшлар билан «суҳбат» ўтказди. Аслида бу суҳбат эмас, Урта Осиёли ва кавказли ёшлардан бир нечасини тўплаб, қалака қилмоқ эди. «Сен ўз севгилини билан Урта Осиёга, анкирога, Ўзбекистонга борсанг, ёринга паранжи ёпинтирасанми? Чунки у ерда паранжисиз юриб бўлмайдми!» деган эди. У ёш: «Мен Ўзбекистонга борсам севиқлимини одобли кийинтириб олиб юраман», деб «мухбир»ни лол қолдирган эди. Бундай зиддиятли гаплар бундан буён бўлмагани маъқулдир.

Бизда паранжи йўқ, битта-яримта онамиз бошига банорас паранжи ташласа, бунинг нимаси ёмон! Баъзи ифбатли жувонлар бошига оқ рўмол ўраса, бунинг нимаси ёмон! Тўқсон тўққизу юзда тўқсон

тўққиз фоиз ёш жувонлар паранжи ёпинмайди. Озода, гўзал, ифбатли кийиниб юришларига бутун дунёнинг ҳаваси келмоқда. «Паранжи», «миллатчи»... ниқоби остида Ўзбекистон кишиларини камситибериш жонга теғди!

Москва телевидениеси (Останкино 1 программаси, 6—7 сентябрь 1992 йил) ёзувчи Александр Солжаницин ҳақида кинофильм берди. У ўз сўзида ва мақоласида «Қозғоштоннинг Еттисув ва Усть-Каме-ногорск вилоятларини Россияга қўшиб олиш керак...» дегани қаламкаш сифатида менга ёқмади, ҳурматли адиб Солжаницинни авлиёга чиқариб қўйишди, бу тўғри эмас. Адиб шахсга сиғиниш даври азобларни торти. Матонатли қалб эгаси. Лекин у Лев Толстойга ўхшаб соқол қўйган бўлса ҳам, у қайдаю бу қайда! У на Оноре де Балзак, на Рабиндранат Тагор, на Раҳод Нури, на Абдулла Қодир, на Чўлпон, на Николай Тихонов, на Александр Фадеев бўла олади! Улар «қаромат» кўрсатадиган «авлиё»лар эмас эдилар.

Тўғри, ҳозир етишмовчиликлар кўп, пулимиз ҳам Керенский пулидек беқадар бўлиб қолди. Ўзбек халқи қаноатли, меҳр-оқибатли эканини дунё билади. Улуғ Ватан уруши йилларида ноимизнинг ярмисини қардошларимиз билан баҳам кўрдик, уйимиз турини эвакуацияда кўчиб келган биродарларимизга бўшатиб берганимиз. Халқимиз ҳимматини дунё билади. Алексей Толстой, Анна Ахматова, Якуб Колос, Михозл, Свердлов, Микола Терешченко... уч юзга яқин машхур ёзувчилар, санъаткорлар Ўзбекистонга келган эди. Қанча етим болаларни айт-масимзи! Уруш туғатч, эсон-омон уларни ўз юртиларига жўнатганимиз. Аслини олганда «известия»-чирулар Георгий Меликянц, Сағалаев, Алексеев, Архангельский, Димов ва бошқалар мана шу Тошкентдан чиққан ёки шаҳримизда яшаб, ўсиб унганлар. Ашулчал Иосиф Қобзон ҳам Тошкент яқини — янгийўлик бола эди. Владимир Карпов ҳам асли шайхонтовурлик... Ўзбекистоннинг қўши, нону суви дунёнинг ҳеч ерида йўқ, бебаҳо, серҳикмат бу тупроқда ўсган инсон заковати не-не ишларга қодир. Бизлар кўп вақтлар тилга оладганимиз улуг алломалар — Имом Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий (Алгоритм), Ал-Беруний, Ал-Форобий, Ал-Фарғоний (логорифма), Ибн Сино (Авиценна), Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Улуғбеклар — Аллоҳнинг неъматиди — буюқ тафаккур эгалари ўзбек тупроғи, яъни Мовароуннахр заминида туғилиб, балоғатга етгандилар. Бу улуг зотлар зурёдини камситиб бериш инсофдан эмас!

Яқинда Тошкент Почтамтида бўлдим, бир тўп кишилар китоб бандероллари топширмоқда эдилар. Унта-ўнта қилиб қўйилган китоблар орасида эски ўзбек алфбосидаги қадимий қўлёзма китоблар анча-мунча борлиги кўзга ташланди. «Қаёқча раётирсизлар?» Эгалари миқ этишмади. Почтамт ходими: «Булар Тел-Авивга кетаяпти», деб жавоб берди. Ҳа, «эгалари» эски ўзбек ёзувидаги китобларни ўқишни мутлақо билмайдилар. Улар менга қулиб қариб, гўё «сотамиз», дегандек қилишди. Тарихий қўлёзмалар, ноёб маданият ёдгорликлари халқ мулки, уни чет элга олиб кетиш мумкин эмас! Илгари биз жаҳоншумул китобларимизнинг асл насасини Лондонда, Брюсселда, Париж кутубхоналари фондида ўқиймиз ва факсимилани ҳам сотиб олардик. Энди яқин келажакда Тел-Авивга бориб, ўз меросимизни — қўлёзма китобларимизнинг факсимилани ўзимиз сотиб олашимиз! Шунча таланганимиз етмасмиди? Почтамтда Регистон, Гури Амир, Исмоил Сомоний мақбарасини қоғозга ўраб олиб кетолмайдилар. Оғир!..

Адиб кўзлари майсазорлар ичига яширинган қил тузоққа ўхшайдими, у гўё кўрнамалар турини билан «учиб келган» тўхмат кузгунларининг оёғига тушади, пати тўзийди!

Шайх Саъдий айтган:

Ваъзи ҳамворий зи абнон замон матлуби мост,
Одамзод гар ношоад, ҳар ки хоҳад ҳар шавад.

Яъни, ижтимоий ҳаёт иллатларини бартараф этиш бизнинг муддаомиздир, ҳар ким иғво қилиб, чин инсон бўлишни хоҳламас экан, расволигача қолаверсин.

Ҳалоллик ва вазиқлик, меҳнату зако бизни албатта фаровон кунларга етказад.

Эй, гўзал ва жонажон, мустақил озод Ўзбекистон жумҳуриятим, кўз нури, дилу жоним, тахту бахтим, сени сақлаймиз ёмон кўзлардан. Кўксимиз қалқон бўлсин!



Деҳқон ва замин

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири Норбек Қайумовнинг «Гулистон» ойномаси муҳбири саволларига жавоблари

Она ер —

— Муҳтарам вазир жаноблари! Мустақил Республиканинг қишлоқ хўжалиги тизими истиқболи ҳам мустақиллигимизга хосу мос ривожланиши керак. Шу муносабат билан яқинда сиз ўшбу тизим вазириликка бошлиқ этиб тайинландингиз. Табриклаймиз.

— Раҳмат!.. Ҳақиқатан ҳам бизнинг она заминимиз мисоли бир ҳазина, қут ва барака кони. Фахр билан айта оламизки, шундай заминда ўз мустақиллигини қайта тиклаб олган Ўзбекистонимизнинг қишлоқ хўжалиги ҳам гуркираб ривожланиши керак, албатта. Бизнинг заминимизда қадимул айёмдан деҳқончилик гуркираб ривож топган. Тепага келган тоталитар тузум етмиш йил давомида озод ва ҳур деҳқонларни салкам қулга айлантириб қўйган эди. Узоқни кўзлаган мустақил, давлатимиз раҳбарияти, айниқса ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримов вазириликни яна қайта тикладилар. Бу билан Ернинг асл эгалари бўлган деҳқонларга катта имконият яратилди. Чорвачиликни ривожлантириш, чўпон-чўлиқларга ғамхўрликни қучайтириш яхшиланди. Ерга, техникага, чорвадору деҳқонга яқин бўлган мутахассислар, ишнинг кўзини билладиган кишилар, ишчан ва тadbиркор, ёш ва ғайратли ходимлар ишга жалб қилинди. Чунки эндигина оёққа туриб шаклланаётган мустақил республикамизнинг асосий бойлиги бўлган, уни бутун жаҳонга танитган «оқ олтин» ҳам, жаҳонга машҳур қорақўли ҳам жуда қимматли ва жуда зарур хомашёлардир. Халқимиз меҳнатқаш,

қуёшимиз ҳароратли, заминимиз бой. Энди яйраб ишлайдиган, яратадиган пайтлар келди.

— Деҳқонлар, чорвадорлар, умуман қишлоқ хўжалик меҳнатқашларига Президентимиз Ислоҳ Каримов кўрсатаётган ғамхўрликлар ҳақида қандай фикрлар билдириш мумкин! Хусусан, кейинги пайтларда чиқарилган қатор қарор ва фармонлар ижросига тўхталсангиз!

— Маълумки республикамиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшайди. Уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, мураккаб бозор иқтисодиёти даврида уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Натижада қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги бироз бўлса-да яхшиланиш сари юз тутмоқда. Бу фармон ва қарорларни жойларда амалга оширишда, қишлоқ хўжалиги вазирилик, вилоят ва туман агросаноат уюшмалари мутахассислари томонидан бир мунча амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Республика ҳукуматининг 1990 йил 10 майда «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги фармон шахсий хўжаликларда чорвачиликни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтаришда муҳим бир дастур бўлди.

Бу халқчил фармон чиққандан бери жамоа ва давлат хўжаликлари томонидан аҳоли шахсий хўжаликларининг чорва моллари учун 1853,2 минг тонна дағал хашак, 277,6 минг тонна ширали озуқа ва 1100,6 минг тоннадан зиёд кўк озуқалар: шунингдек қўлаб тонна омухта ем ва қунжара сотилди. Бундан ташқари аҳоли шахсий хўжалигидаги чорва моллари сонини кўпайтириш мақсадида хўжаликлардан 152,1 минг бош қорамол, 924,3 минг бош қўй-эчки, 101,2 минг бош чўчка боласи ва 24682,1 мингта жўжа сотилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1989 йил 15 августдаги қарорига мувофиқ 1514 мингта қишлоқ оилаларига 183,2 минг гектар ер уй-жой ва томорқа учун ажратиб берилди, шунга қадар 1989 йил 1 январгача 1871,6 минг оилада — 225,2 гектар томорқа участкаси бор эди. Шунингдек қишлоқлардаги ўсиб бораётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишни жадаллаштириш деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда қишлоқ аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиш, шахсий томорқа хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 11 январдаги «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тadbирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Фармонга биноан яна қишлоқ оилаларига 106,7 минг гектар ер ажратиб берилди ёки ҳар бир оилага 0,20 гектардан томорқа участкаси берилди. Бу кўрилган тadbирлар туфайли қишлоқ аҳолиси томонидан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш сезиларли даражада кўпайди, чорва молларининг туёқ сони ортди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида Республика Президенти 1991 йил 21 ноябрда «Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустақамлаш ва тadbиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» фармон қабул қилди. Шу фармонни амалга ошириш мақсадида, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги «Республика деҳқон (фермер)



хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шунга асосан Республика деҳқон (фермер) хўжаликларига ажратиш учун 200 минг гектар махсус ер фонди ташкил этиш ва ундан ташкил бўлаётган деҳқон хўжаликларига ажратиб бериш Қорақалпоғистон Вазирлар Маҳкамасига ва вилоят ҳокимиятларига юклатилди.

1992 йилнинг 15 декабрига қадар Республика бўйича 12 минг 472 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 10112 тасига 105980 гектар ер ажратиб берилди. Деҳқон хўжаликларига ер ажратиб беришда Навоий, Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу вилоятларда фермерларга ер фонднинг 70—100 фоизи миқдоридан ер майдонлари ажратиб берилган. Аммо, ер ажратиб беришнинг тўлиқ имкониятларига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва

вой вилоятининг Учқудуқ ва Томди туманларидаги қорақўлчилик хўжаликларига Оролнинг совуқ нафаси аллақачон етиб келди. Айни совлиқларнинг қўзилаш мавсумида ҳаводан тушган тўз ёғирларни кўклатларни довжиратиб қўймоқда. Натижада совлиқлар табиий ўт-ўланлардан маҳрум бўлиб қолишмоқда. Шундай бўлишига қарамай ўтган йили об-ҳаво бир мунча қулай келди. Натижада қорақўлчилик хўжаликларида чорва қишлови аввалги йилларга қараганда яхши ўтмоқда.

Ҳозирги кунда қорақўлчилик хўжаликлари ўз иқтисодийларини яхшилаш мақсадида хорижийликлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Масалан, Бухоро қорақўли заводи Юнонистоннинг «Омега» қўшма корхонаси билан биргаликда қорақўл терисидан аёллар пальтоси тикиб, фақат республикада эмас, ҳатто хорижий давлатларга ҳам чиқариб сотмоқдалар. Бир қатор хўжаликлар қўй териси ва қорақўлдан тайёр кийимлар тикиб сотиб яхшигина даромад ол-

дан бузиб экишга тўғри келди. Бунинг устига фойдали ҳарорат нормага қараганда 200—260 даражага кам бўлди. Натижада ғўзанинг ривожини 20—30 кунга кечикчи кетди. Яхшиямки куз ойларида ҳарорат деҳқонларимиз учун қулай келди. Даладаги машаққат билан етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олишга имкон туғилди. Мана шу оғир келган йилда мардонатор меҳнат қилган барча деҳқонларимизга, теримчию механизаторларга қанча тасанно айтсак ҳам озлик қилади. Чортоқ, Пешку, Жондор ва Ғиждувон туманларида ҳар бир гектар ердан олинган пахта ҳосилдорлиги ўттиз олти центнердан ошиб кетди. Олтинқул туманидаги Навоий номли, Балиқчи туманидаги «Чинобод», Норин туманидаги «Бўстон», Наманган туманидаги Солиев номли, Чортоқ туманидаги Навоий номли, Жондор туманидаги «Гулистон», Пешку туманидаги «Янгиобод» ва Эргашев номли, Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод», Ғиждувон туманидаги А. Ғиждуво-

ХАЗИНА, ҚУТ ВА БАРАКА

Сирдарё вилоятларининг жамоа ва давлат хўжаликлари деҳқон хўжаликларига ер беришда сулқашликка йўл қўймоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ аҳолисини ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган фармонларини амалга ошириш қишлоқ хўжалик вазирлигининг доимий назоратида турибди.

— Айни пайтда чорвадорлар ҳаёти бирмунча оғирроқ кўринади. Хўжаликлар марказидан юзлаб чақирим олисда жойлашган отарлар бор. Қишлоқ-қировли кунлар давом этмоқда. Чўпон-чўлиқларга қандай шарт-шароитлар яратилган. Умуман: республикамизда чорвачиликнинг, унинг катта тармоғи бўлган қорақўлчиликнинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз!

— Аҳолининг озик-овқат махсулотларига бўлган талабини қондиришда чорвачилик муҳим ўрин тутди. Уни ҳар томонлама ривожлантирмай туриб, жумҳуриятимиз аҳолисининг рўзгорини обод, дас-турхонини тўкин қилиш мумкин эмас. Зеро, чорвачилик махсулотлари табиатнинг ўзи инъом этган беназир неъматдир. Ота-боболаримиз азал-азелдан чорвадор ўтганлар. Улар ҳар бир тўёқни ризқ-насиба сарчасмаси деб билишган. Кейинги йиллардаги кескин ўзгаришлар чорвачиликка ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Молларни озуқа билан таъминлаш масаласи жуда муҳим муаммо бўлиб қолди. Натижада давлат ва жамоа хўжаликлари чорва махсулотини ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш миқдорини анча камайтириб юбордилар.

Қорақўлчилик республика чорвачилигида асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Республика ҳудудининг 40 фоизидан кўпроғини чўл яйловлари ташкил этади. Жумладан, Оролбўйи минтақасидаги йирик Қизилқум чўли тақдирини қорақўлчиликнинг истиқболи билан боғлиқ. Оролбўйи экологик шароитининг ёмонлашуви, шўрхок қум кўчмалари натижасида яйловлар майдонининг қисқариши, махсулотдорлигининг йилдан-йилга пасайишига олиб келди.

Оролнинг яйловлар ҳолатига таъсири, биринчидан, ер ости сувларининг пасайиб кетишида сезилган бўлса, иккинчидан, тупроқнинг шўрланишидир. На-

моқдалар.

1992 йилда қишлоқ жойларида ўнга яқин ўрта қувватга эга бўлган кийим тикиш корхоналари ишга туширилди. Нурота шаҳрида Бухоро қорақўл заводининг кийим тикув бўлими, «Шофрикон» давлат наслчилик заводидан терини ошлаш ва тикув цехи, Нурота районидаги Охунбобоев номли хўжаликда терини ошлаш ва тикув ишоналари очилди.

Бухоро вилоятининг Амир Темур номли, «Жонкелди» давлат наслчилик хўжаликларида, Қашқадарё вилоятининг «Пачкамар», Сурхондарё вилоятининг Гагарин номли ва давлат наслчилик заводларида, Жиззах вилоятининг «Фориш», «Қизилқум», Карл Маркс номли қорақўлчилик хўжаликларида терини қайта ишлаш ва кийим тикиш цехлари ишлаб турибди. Бу эса аҳолини иссиқ кийимлар билан таъминлашда қўл келмоқда.

Айни кунларда қорақўлчиларимизнинг диққат-эътиборлари узоқ яйловларда меҳнат қилаётган чўпонларга ҳар тарафлама амалий ёрдам бериш, қизғин давом этаётган чорва қишловини беталофат яқунлашга қаратилган.

— Норбек ака, ўтган йили республикамизда пахтакорлари улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этдилар. Уларнинг ибратли ишлари, эришган ютуқлари ҳақида тўхталсангиз.

— Республикада ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 96 фоизга бажарилди. Натижада 170 минг тонна пахта а режага нисбатан кам етказиб берилди. Жами тайёрланган пахтамиз 4 миллион 127 минг 500 тонна бўлди. Ҳар гектар ердан ўртача 24,8 центнердан ҳосил олинди. Қўзланган режаларнинг урдаланмаганлигига асосий сабаб пахтакорлар учун йил анча оғир келиши бўлди. Апрель, май, июнь ойларида ҳавонинг фойдали ҳарорати нормадагидан анча паст бўлди. Деярли барча вилоятларда қаттиқ ёғмир, дўл ёғиши, сел келиши натижасида катта майдонларда униб чиққан ғўза майдонларини қайтадан бузиб экишга тўғри келди. Жумҳурият бўйича бузиб экилган пахта майдонлари 825 минг гектарни ташкил этди. Бу жами пахта майдонларини қарийб 50 фоизини ташкил этади. Самарқанд вилояти хўжаликларида деярли барча чигит экилган майдонлар қайтадан бузиб экилди. Кўп хўжаликларда ҳатто 2—3 маротаба-

ни, С. Айний ва Х. Хўжаев номли, Жарқўрғон туманидаги Н. Боймуратов ва Навоий номли, Бешариқ туманидаги «Рапон» жамоа хўжаликлари, Андижон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги ҳамда Ғиждувон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжаликлари ҳар гектардан 38—45 центнердан ҳосил олиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Пахта йиғим-теримида меҳнатга ҳақ тўлаш 1992 йилда бошқа йилларга қараганда теримчи ва механизаторларга катта манфаатдорлик келтирди. Шу тўғрисида ҳам теримда яхши натижаларга эришилди. Данғара туманидаги Худойбердиев номли жамоа хўжалигидан Абдумутал Беккирзаев, Шеробод туманидаги Шеробод давлат хўжалигидан Маман Нормуродов, Задар туманидаги «Гулбо» давлат хўжалигидан Хусанбой Ашуров, шу тумандаги Украина давлат хўжалигидан Гофур Ботиров, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалигидан Бешим Ҳайитов, Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигидан Раҳаммад Абдуалимов, Шофиркон туманидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигидан Қаноя Усмонов ва бошқа кўплаб илгор механик ҳайдовчиларнинг ҳар бири мавсумда 200—255 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Боғдод туманидаги «Мирзаобод» жамоа хўжалигидан Хидирали Акбаров, Тошлоқ туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалигидан Уктамхон Холматов, Уйчи туманидаги «Уйчи» давлат хўжалигидан Зарифа Абдуллаева, Навбахор туманидаги «Гигант» давлат хўжалигидан Раҳима Бердиева, Қорақўл туманидаги Раҳимбердиев номли жамоа хўжалигидан Рўзихол Ҳамроева, Бухоро туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Курбонкул Курбонова ва бошқа теримчилар мавсум давомида ҳар бирлари 12—15 тоннадан пахта теришиб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эндиги асосий вазифаларимиз 1993 йилги кузги, қишки белгиланган тадбирларни ўз вақтида юқори сифат билан ўтказиш, бу йилги мўл ҳосил учун замин яратишдир.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Абдусамд НУРБОЕВ



Табиатнинг ҳам ўз йўл-йўриқлари, ташвишлари бор. Табиат ҳам ер, сувнинг қадрига етмаганга саховатини беравермайди. Ўзозлагандан эса борини аямайди. Кўрибсизки, ўша уйда, рўзгорда, хўжаликда, бориники, ер билан муносабатда бўладиган ҳар қандай жойда фаровонлик, иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳал бўлади. Оғилда қатор-қатор моли бор, омориди қоп-қоп дони. Етгани — ўзига, ортгани — бозорга. Қишин-ёзин қорни тўқ, кўнгли тўқ, Қаловини тополмаганлар эса бировлардан нолиб юраверади.

Табиатдан, ерининг саховатидан, имкониятдан тўла фойдаланаётганлардан бири Самарқанд тумани, «Наврўз» жамоа хўжалигининг Таллибарзу кишлоғида истиқомат қилувчи Абдуҳамид Абдунабиевдир. Бу хонадонда йилнинг тўрт фаслида ҳам табиат неъматларидан та-

мадди қиласиз. Меванинг сурхон хурмосидан тортиб, бир қанча бошқа маҳаллий навларигача, олма, анор, чилонжийда, шафтоли, ўрик, гилосу нашвати, кўйинги, узум деганининг энг яхши навлари, қишин-ёзин яшаб, гуллаб ётадиган анвойи гулларнинг мағрибдан машриққача ўсадиган навлари бор.

Баҳор, ёзда ҳовли ташқарисидида атрофи гулзор, дарахтзор кўкалам ва кўркам сарҳовуз шохсушасида мириқиб дам оласиз. Хоҳлаган қаймоқ ялайди, хоҳлаган серқаймоқ суг ё муздеккина айрон ичади. Албатта кайфи хушлик учун хуштаъму хушбўй, роҳатбахш, кўзада асир ётган мусалласдан ҳам. Томорқалари ака-ука учун 10 сотихгина. Яримда сабзавот, картошка етиштиришса, ярмида уругидан ва қаламча, пайвад йўли билан мевали дарахт ниҳоллари парвариш қилишади. Қишда ҳам бахор-

дагидек яшаб байрамларда қўлма-қўл бўлиб кетадиган гулларин кўрасиз. Оғилда моллари қатор, паррандалар ҳам етарлича. Хаммаси меҳнатга, аҳдликка бослиқ экан. Бу ҳовлида «сеники, меники» деган гап йўқ. Хамма умумий манфаат учун ишлайди. Укаси Қаримбой умр йўлдоши билан, ўзи рафиқаси Қудратой, фарзандлари Абдуазиз, Маълуда, Раҳимбойлар билан хамма ишни меъёрига етказиб урдалашади. Кўрибсизки, манфаатдорлик ердан, меҳнатдан келаверади. Ҳар йили, Абдуҳамиднинг «кўп қатори» деб тахмин қилишча, фақатгина қайчиланган гул, гул кўчатларининг ўзидан 6—7 минг, мевали дарахтлар кўчатлари, эхтиёждан ортиб қолган сабзавот, картошка, мева, узум сотишдан эса 12—15 минг сўм даромад қилишаркан. Оғилда боғловли қатор, ҳар бири 2,5—3 минг сўмга арийдиган қўйлар, бозорда бемалол 10—20 минг сўмга «менга бер» бўлиб кетадиган бўрдоқилару серсут сигирлар албатта доимий, ишончли иқтисодий фойда манбаи. Хаммасини кўшиб ҳисобласангиз, ҳар ойда оладиган 700—800 сўмлик ойлик маошдан ташқари, кўз теғмасин, 100—120 минг сўмдан ортиқроқ даромад бор.

Абдуҳамиднинг аёл касби соат созловчи уста эди. Бу соҳадан топиши ҳам ёмонмасди. Лекин катакдай дўкончада диққинафас бўлиб соат «ичак-чавоқлари» инга билан ағдар-тўнтар қилиб тикилиб ўтириш унга ёқмади». Дех-

қовчиликда ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб, Янгиариқ воҳасида ташкил этилган академик Шредер номидаги Ўзбекистон бодғорчилик ва узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалига ишга келди.

Абдуҳамид боғбонлик, гулчилик қайчисини ўшанда қўлига олган эди. Вақт ҳам шамолдай эсаркан. Кўз очиб юм-гунча йнгирма йил ўтиб кетибди. Дастлаб у ерда оддий ишчи бўлиб, бор-йўғи 0,12 сотихлик усти ойнаванд гулхонада ишлади. Сўнг очиқ ерда ҳам гулзор ташкил этишди. Воҳада ўзлаштирилмай ётган ерлар текисланди, ариқлар қазилиб сув чиқарилиди. Кўп эмас, тўрт-беш йил ичида анвойи гуллар воҳаси вуқудга келди. Гулчилар ихтиёридаги майдон 50 гектарга кенгайди, манзарали, хилма-хил гуллар, дарахтлар миқдори 12—14 хилдан 500 хилга кўнайти. Эндликда бу ерда фақатгина атиргулнинг 70 хили, кактуснинг 48 хили бор.

Йратган эгам инсонга қунт, ҳафсаладан берсин экан. Ўзининг ҳафсалалигидан ва шоғирдлардан худо берганлигидан у қаерда янги, яхши гул борлигини эшитса ё ўқиб қолса, бас, жомадонни қўлга олиб йўлга чиқади... Эримай ўша жойлардан ниҳоллар ёки пайвад учун қаламчалар олиб келади. Эндликда бирлашма, бутун бир шарҳарча кўчалари, ҳовлилар, хийбонлар, бир вақтлар қақшаб ётган кимсасиз чўл ям-яшил воҳага, гуллар чаманига, нафосату саховат масканига айланган. Зинди

Инсон ва табиат

ТАБИАТ МАНФААТ ҚУРБОНИ

У йимиз ёнгинасидан катта кўча ўтади. Уни Тошкентнинг бош кўчалари сирасига киритиш мумкин бўлмас, яъни унчалик серқатнов эмас. Ишга қатнар эканман, ундан метррога қадар ниёда бориш мен учун расм бўлиб қолган. Чунки ишхонада столга михланиб ўтирадиган одам сал-пал тоза ҳавода юргани яхши. Бу йўл хузуру-халоват ўринга дилхиралик бағишласа, дардининг кимга айтасан? Чунки, эрталаб ва кечки пайтлар, шабада эсиб турмаган кезлари қурум хидидан димоқ ёрилиб кетай дейди. Ўша биз истаган «тоза ҳаво» йўқ... Шундай кезларда, беихтиёр баъзи «билимдон»ларнинг Япония техникасини кўз-кўз қилиб: «У юртда хоҳлаган бекатда автобуздан

тушиб, махсус аппаратларга пул ташлаб ундан чиқадиган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб ўтиш мумкин», деган эртакнамо бапоратларини алам билан эслайсан киши. Бироқ аҳвол шу даражада кетаверса, ҳаво билан сунъий тарзда таъминлаб туривчи аппаратлар бизга ҳам зарурат бўлиб қолишига кўзингиз етади. Ишдан қайтаётганда боғтаётган кўёнинг сўнгги нурали кўча устиди муаллақ турган қора булутни кўзингизга бутун таровати билан намойён этади. Айни шу пайтда ўкиргангача кўчани тутунга кўйиб ёнлигини ёқиб мурватлари бузуқ «Икарус» ўтиб қолади. Муаллақ қурум бўлти кўз олдингизда атрофни бемалол қоплаб олаётганининг гувоҳи бўласиз. Шунда рўмолчани қидириб чўнтакни титкайди бош-

лайсиз. Ёнаётган мой хиди гушиллаб миянгизга уради. Вуқудингизда ҳорғинлик кучаяди. Бу ҳолини мен, сиз, ёнингиздаги бошқа одамлар кўриб турибди. Олимлар, шаҳар раҳбарлари ҳам шундай кўчалардан ўтмай иложи йўқ албатта. Аммо бу ҳолга чек қўйиш, кескин чора кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келаётгани йўқ.

Кўча устидида қора қурум булути биз торгина бетон уйлариимизга кириб кетгач унутилади, вассалом. Аслида биз уни ўйламасликка ҳаракат қиламиз, оқибатини ўйлашдан, очиги, чўчиймиз. Ўша қора булут секин атрофга тарқалиши шубҳасиз. У ҳар бир хонадонга деразадан кириб келади, кечки шабнам билан атрофингизга, ҳатто уст-бошимизга, дов-дарахтларнинг баргларига, ҳовлидаги гулларнинг япроқларига оҳиста ўтиради. Бу ҳолини ўйлар экансиз, биз нақадар беғам бир кайфиятда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас. Худди шу пайтда шифокорлар қабулига навбатда турувчилар — қон, нафас олиши йўллари, турли хавфли иши касалликлари кўнаётган бўлади. Биз бундан кўз юмолмаймиз. Чунки бугунги тиббиётга кетадиган ҳаракат йилдан-йилга ортиб бораётгани бутун жаҳон халқлари учун сир эмас. Табиат меники ҳам, сизники ҳам, у ёки бу давлатники ҳам эмас — ҳамманики! Яъни табиат бутун инсониятнинг буюк яратувчиси — онаси!

Табиат учун қайғуриш қанчалик зарур эканлигини бугунги кунда одамлар ҳукмига ҳавода этиб панд-насихат қилиш орғинқадир. Бу ишга амалий ёндашиш зарур. Табиат билан мулоқот қилиш табиат маданияти даражасига эришиш учун кураш бошлаш вақти аллақачон келди. Афсуски, табиатга биз истеъмолчилик нуқтани назаридан,

фақат ўз роҳат-фароғатимизни, манфаатимизни ўйлаб ёндошмоқдамиз.

Осмону фалакка қурум нуқраб келадиган машина эрталаб қандайдир саройдан чиқини табиий. У ерда машинанинг ишлаши учун қанчалаб одам мутасадди. Улар ҳеч бўлмаса тежамкорлик нуқтани назаридан ўйлаб кўришса, тутун чиқараётган автобусларни ишга чиқармасди. Ахир ўша қора қурум яхши ёнаётган ёқилги-кў!

Очигини айтиш керак, инсон ҳар қандай синовлар учун, нуқулай шароитлар учун гоят бардошли. Унда химоя қудрати, мослашиш имконияти жуда катта. Шу ҳақда ўйлар эканман, хаёлимга беихтиёр узоқ йиллар — машиналар жуда кам даврлар келади. Биз эллигинчи йилларда машиналарни қийшлоққа ун, ёқилги, озиқ-овқат олиб борадиган восита сифатида билар эдик. Қийшлоқ сукунатида мотор овози узоқ-узоқлардан келар, биз пишқириб келаётган машинани йўл бўйида қатор тизилишиб кутиб олардик ва кузатиб қўярдик. Қийшлоқ кўчасининг чанги босилиши билан ҳавода ёнган бензин ҳиди гўё анқиб кетар, узоқ сақланиб қолар, қийшлоқ нимадир олиб келадиган бу машиналар ҳиди биз учун гўё тансиқ бўлиб туюлар, уни хидлашиши, очиги, ёқтирар эдик. Ёнган бензин ҳиди биз учун янглик тимсолига айланганди. Чунки қалма-дафтарларимизни ҳам, китобу парталаримизни ҳам шу машиналар келтирарди. Бегона хид тоза ҳавода яққол сезиларди. Бугун биз бензин хидига шунчалик ўрганиб кетдикки, ҳавони усиз тасаввур эта олмаймиз.

Табиат муҳофазаси ҳеч қачон бугунги сингари долзарб масалага айланмаган, десак тоза бўлмас. Бу ҳақиқатни англаш учун узоқ тоғларга чиқиб, боғларни кезиб, ҳатто космодан туриб

воҳани яёв кезлиб ўзингизни бемалол дунёга гўзаллиги яшилликка машҳур курорт шаҳарларда, Кавказ этакларида сайр этаётгандай ҳис этасиз.

Гулчилик нафосатгина эмас, даромад манбаи ҳам экан. Ҳозир бўлим ихтиёрида 50 мингта қаламча, 3300 дона тувакчадаги гул мавқуд. Аҳолига 30 минг дона қайчиланган гул сотилди. Даромад эса бир миллион сўмга етди. Мана бу табиат эҳсони, иқтисодий манфаатдорлиқнинг яна бир имконидир.

Абдуҳамид бундан ташқари бирлашма филиали директори, тадбиркор раҳбар Жўракул Мусаев билан биргаликда воҳада табиатнинг яна бир мўъжизаси — лимончиликни ташкил этишни мўлжаллаб юришарди. Бу орау ҳам амалга ошди. Уч гектарлик усти ойнаванд лимонзорни Жўракул ака сира иккиланмай уста Абдуҳамид ихтиёрига тоширди.

Лимончиликнинг гўдакдай нозуку сертавишлигини бу соҳа билан шугулланган одам билади. Шунинг учун у бошлқ кичик жамоа бу нозик соҳанинги миришкорлари бўлиб қолиши. Улар ҳар йили лимон дарахтларини аҳолига, хўжаликларга сотиб ҳам 50—60 минг сўм даромад қилишмоқда.

Тадбиркор бўлмасангиз оғзингизни ҳам биров илб кетади, дейдилар. Абдуҳамид бошлқ лимончилар, филиал олимлари мақсади бир қилиб, лимон ниҳоллари орасига помидор, бодринг, йўлакларда гул ўстиришга ҳам ҳаракат

қилишмоқда. Бунинг учун ойнаванд лимонзорлар ўрни қайта юмшатилиб, гектар ҳисобига 300 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Сунъий ўғит дегани ҳалигача ҳам ишлатилган эмас, ҳаммаси табиий. Шу боис ҳосил бегубор, татму сифатда даладагидан фарқ қилмайди. Бу ҳам табиатга, меҳру саломатликка эътибор дегани эмасми.

Ойнаванд майдонлар ҳавоси тоза, ҳарорат миқдори ҳар хил: экин, ўсиш даври, пишкчлик мавсуми — демак ўзгарувчан. Шунинг учун бу ердаги буг иситиш тармоғи яхши назорат қилинади. Дастлабки йили жами 30—40 тонна ҳосил етиштирилган бўлса, ҳозир бу миқдор уч барабардан ҳам ошиб кетди.

Дехқоннинг ҳаёлию кайфияти ҳосилга боглиқ. Мўл ҳосил етиштириб, кўпроқ даромад олмасангиз, иқтисодий қийинчилиқни енгаолмайсан. Ҳозирги турмуш тақозоси шу. Айни пайтда эса иссиқхона омбори олдида маҳсулот истаб келаётганларнинг охири кўринмайди. Абдуҳамид ака бошлқ иссиқхона дехқонларининг, аниқ ҳисоб-китобларига кўра, йил давомида 2 миллион сўмлик даромад олинади. Келгусида бу ер янада лимон бўстони, ҳосил, даромад конига айланади. Парварииш метёрида. Дарахтларнинг шохлари ҳозирча бердан яшил марикон таққан, келгусида олтинранг мариконга айланиши аниқ. Бунинг учун ҳамма фойдалор. Бир ён дарахтлар парвариши, бир ён пишкчи-



лик, йигим-терим авжида. Дилларда, тилларда ҳаёт, меҳнат, бунёдкорлик завқи. Звено бошлиқлари ҳамда Саида Омонова, Фароғат Турсунова, Мастура Мухторова, Адхам Пулатов, Акбар Едгоров, Бахтиёр Муҳаммадиев, Холмамат Ҳазратқулов, Гулсара Норқулова, Муҳаббат Ниёзова, Хадича Тагиева, Мустафо Ҳасанов ва бошқа дехқону богбон, сабзавоткорлари табиатнинг чинакам фидойилари, мўъжизакорлари, иқтисод муаммоларини ҳал этишда эса эътиқоду имкониятнинг ҳақиқий ижодкорлари деса арзийди.

Ҳа, Янгиариқ воҳасида, бунёдкорлар хонадонларида ҳамиша баҳор, ҳамиша ёз. Қалбларида эса доимо фаровонлик яратиш завқи. Уларда ҳар тонг қандай қувнок, нури, умидбахш бошланса, иш қиллари ҳам худди шундай қутлуг, ззгу мақсад билан якулланади.

Абдулсалом МУҲАММАД

Самарқанд тумани

кузатиш ҳам асло зарур эмас. Чорвоқдан зумрад тусда товланиб оқиб келаётган Чирчиқ дарёсининг куйи оқимидан, Сирдарёга қуйилиш жойидан ўтганмиёз? Зумрад дарё аввало ўзининг муздек, кишини севсангиздан қудратини йўқотиб, илқ бўлиб қолади. Қарангки, бу орада унинг гаройиб зангори чиррой ҳам йўқолиб кетади, бетусе, лойқасмон бўлиб қолади. Аслида, шаҳардан оқиб ўтадиган дарёнинг қисмати оғир. Бироқ дарёнинг ифлосланиши анча тепадан бошланар экан...

Ёзда болалар ортидан тоғ лагерлари га қатнамаганлар кам топила керак. Шу баҳона билан назаримда Чирчиқнинг юқори оқими бўлган Уғом дарёсида ҳам чўмилиб қайтиш кўпчиликка насиб бўлган. Ендириб турган саратон одамларини дарё киркоқларига қувиб чиқади. Айниқса, шамба-яқнаба қунари Уғомдан Сирдарёгача бўлган Чирчиқ киркоқиди одамлар кўлини-кўлга берса бутун қатор ҳосил бўлади. Бунинг асло ажабланиши йўқ йўқ. Тонкент сингари улкан шаҳар аҳолиси ўзининг дам олиш зонасига эга бўлиши, айниқса шу атрофдан оқадиган дарёдан баҳра олиши шарт. Дарё бўйига чиқсангиз, унинг ифлосланганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Шинша синиклари, консерна банкалари, турли темир-терсақлар Чирчиқнинг энг юқори оқимларидан бошлаб бутун соҳанинги эгаллаб олган. Иссиқ тошлар устида оёқланган юра олмасангиз, чўмилишининг нима завқи бор! Чўмилиувчилар туфли кийиб олишга мажбур. Дарё атрофиди одамлар қолдирган чиқитлар борган сари кўпаймоқда. Одамлар дарёдан баҳра олиш имкониятини ўзлари четаралаб қўймоқдалар. Бу ахвол кўз олдимизда рўй берапти. Оқибати нима бўлишини ҳам биламиз. Бироқ у ҳақда ўйлагимиз кел-

майди, аниқроғи, ўйлаб кўришдан чўчиймиз...

Мана шу иккала ҳол ҳам табиат билан гойат зийрак муомала қилишни тақозо этмоқда. Йўқ, йўқ, бундай дейиш жудаям лоқайдлик бўлади. Биз табиатга беғамлик билан қарасак, ўз онамининг саломатлигини ҳавф остига қўйган бўламиз! Зеро, ҳаёт давомийлиги она билан дорин. Ахволнинг ўзи олдимизда катта вазифалар қўймоқда. Табиат билан муомала қилиш ҳар бир инсонга ёшлиқданок ўргатиб борилиши зарур. Таяқдлаш керакки, табиатга фақат манфаат кўзи билан, истеъмолчилик нуқтаи назари билан ёндошни ёмон оқибатларга олиб келиши бугун ойдек равшан бўлиб қолмоқда. Табиат ўз қонунияти ни бузганлардан қасос олишини бугун инсоният яхши билади.

Бу ҳақда ўйлаганда ҳаёлимга яқин ўтмишда кечган воқеа келаверади. Бир пайтлар чўлда ишлашга тўри келган эди. Кеч қуз. Пахтадан бўшаган ерлар шудгорланган. Ер ювишга ҳозирлик қўрилмоқда. Бир пайт шудгор чети ҳисобланган бетон нов ортидан таниш кишининг чақирганини эшитиб қолдик. Мен югуриб борган эдим, Ўқтам ака бегим ариқдан ўтишга ундади. Ўтдимиз оғзим очилиб қолди. Шудгор ола-чаллоқ бир тусга кирган, ҳар ер-ҳар ерда кўими, эчкими, майда моллар узага тушганча чўзилиб ётарди.

— Тиримки? — шудгор томон ишора қилиб сўрадим.

Ўқтам аканиннг кўзида ёш милтиллади.

Воқеа бундай бўлган экан. Қишлоқда мол боқадиган подачи топилмайти. Шунинг учун одамларнинг сигир ва қўйлари навбат билан боқилади. Ёмгир савалаб турган шу кунги Ўқтам аканиннг набабати бўлган. Маълумки, ҳар бир да-

ланиннг кираверишида бетон нов ёнига минерал ўғитлар қўйилади. Далага кириб келаётган қўйлар ёмгирдан тўланган кўлмак сувга ўзларини уришган. Худди шу ер ёзда селитра туширилган юқи эди. Селитранинг юқи қўйларга кирон келтирган экан...

Ўқтам ака кўшинсининг тележка тақилган тракторини олиб келди. Қўйлар кўз олдимиздаёқ дам урилаётган гилдирак сингари шишиб кетишди. Шудгордаги қўй-эчкиларнинг гавдаларини териб олиб бориб қўмдик. Кечқурун қўй эгаларининг раҳмдиллари аччиқ-тизиқ гаплар айтиш билан кифояланди. берахмлари бечора ўқитувчи кўрасидаги қўйларни олдиларига солиб ҳайдаб кетишди. Биз жадаллаштириш учун шундай заҳарлардан ҳам тан тормадик. Улар муҳитга қандай зарар бермоқда, табиат унинг энг олий маҳсули — инсонга қандай таъсир кўрсатмоқда — бу ҳақда ўйлаб кўрганамиз йўқ. Мисқоли кўйини ҳалок этган селитра ҳақда инсоният хулоса тариқасидаги фикрини ҳам бир кун айтди.

Табиат билан мулоқотни биз маълум бир изга солишимиз керак. Бу билан инсоният ўз умрини, она еримиз умрини узайтиради, ҳаётимизга фойза, кут-баракка кирди.

Табиатнинг иссиқ-совуғига кўникиш, чиникиш ўрнига ўзимизни четга олиб ўртага бетон деворлар қурдик. Микроклимат яратиш ҳақида ҳаёқ қилдик, музлатгичлар билан ҳаёт кечирингизга ўтдик. Бундай «тадбирлар» яхши натижа бермаслиғи ҳозирданок ўз исботини топмоқда. Табиат фарзанди бўлган инсон доим табиат билан юзма-юз нафас олганда умри узун ва мазмунли бўлади.

Тоғ қишлоқларида яшайдиган ҳамкурс дўстим билан ҳалигача бордик-кедик қилиб турамиз. Дўстимнинг

отаси бир умр чўпон бўлиб ўтган, қишлоқнинг молни боқарди. Ҳамқурсим амал пиллапояларидан кўтарилиб бориб, вилоятда анча юқори мавқега эгаллади. Бироқ уни қишлоқидиғи жоқилроқ раҳбарлар тан олмасликка ҳаракат қилар, ҳар хил гаплар билан забун этишга уринишар экан. Бир суҳбатлашганимда бу ҳақда сезиб қолдим. Айниқса, отаси чўпонлигини унинг юзига солишар экан. Дўстим қистов билан отасига мол боқшини таъқиқлабди. Бир умр оёқда юрган одам ховли қамоғига тушиб қолибди. Кейинроқ бир ҳафта олганда отаниннг гойат бақувват бўлган оёқлари ўз одатини кескин тарк этгандан кейин тез мадордан қола бошлаганини кўрдим. Қария ҳамон кенгликлар, дала-даштлар ҳақида бир соғинч билан гапириндан нарига ўтолмай қолибди. Кўнглини кўтарадиган ўтлоқлар, зилол булоқлар, бепоён кенгликларсиз қарияга ҳаётнинг қизғини йўқлигини унинг хотираларини гапирётган пайтидаги беҳосдан чакнаган кўзларидан ҳам бемалол билиб олиш мумкин.

Агар яшил йилловларни қўмсаётган отахон ҳамон қўйлар, сигирларни ордин яйраб юрганида ҳали чўкиб қолмаган, ҳаётиндан заррача полимаган бўларди. У табиат фарзанди эди. Ўғлининг шахсий манфаати унинг қанчалаб ёруқ кўнглирига чек қўйди. Табиатга етаётган қанчадан-қанча зарар ҳам худди шу каби, унга шахсий манфаат кўзи билан қараётганимизда эмасмикан?! Табиат — инсониятнинг буюқ волидиси. У фақат юракдан тиллашини хоҳлайди. Шундагина у завод топмайди, ўз фарзанди — инсонни янада яхши тарбия этади.

Рашид РАУПОВ

Меҳнат

бозори

керак

Ҳозир кўпчилики ташвишлантираётган муаммолардан бири ишсизликдир. Чунки жумҳуриятимизда янги иқтисодий жараён — бозор муносабатларига ўтиш иш ўринларининг қисқаришини келтириб чиқармоқда. Биргина бозор иқтисодиётида эркин нарх-наво ва хусусийлаштиришнинг қўлланилиши ишсизлар сонини бир ярим баробарга оширади. Шунинг учун меҳнат-кашларнинг иш билан банд бўлишнинг муҳофаза қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Жумҳуриятимизда меҳнат заҳираларининг халқ хўжалигида банд бўлмаган қисмини иш билан таъминлаш учун қўшимча иш жойларини ташкил қилиш ва уларнинг иқтисодий самарали бўлишини назоратга олиш ҳам ўта муҳимдир.

Ҳозирча бу соҳада истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи орасидаги боғланишни таъминлайдиган меҳнат биржалари ўз фаолиятларини бошлашди. Уларнинг асосий вазифаси — ишсизларга бўш иш жойларини топишда кўмак беришдир. Яъни, иш изловчилар билан ишга тақлиф этувчилар орасидаги воситачиликдир. Лекин бу биржаларнинг иш фаолияти ҳозирча кўнглидагидек эмас. Негаки, биринчидан, бу биржалар собиқ тузумимиздаги ишга жойлаш Давлат кўмитасининг замонамизга мослаштирилган кўриниши бўлиб қолмоқда ҳол. Иккинчидан, бу биржаларнинг хизмат курсида меҳнат иқтисодиётдан беҳабар кишилар ишламоқдалар.

Аслида эса, бу меҳнат биржаларида фақатгина ишсизларни рўйхатга олиш билан шугулланмай, очик усулда (ким ошди савдоси орқали эмас, ундан фарқли ўлароқ, меҳнат биржаси ярмаркаси орқали) иш изловчи билан ишга тақлиф этувчилар ўртасида воситачилик билан шугулланишлари лозим. Бу борада баъзи биржаларда илк қадамлар ҳам қўйилди. Масалан, Наманган вилоятининг Ҳаққуллоб шаҳри-

да меҳнат биржаси ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада бўш иш жойлари бўлган корхоналар раҳбарлари ва ишсизлардан 600 нафар иштирок этдилар. Уларнинг маълум қисми ўз иш жойларини шу йўл билан топиб олдилар. Бошқа меҳнат биржаларида ҳам шундай ярмаркалар тез-тез ўтказилиб турилса, иш изловчиларнинг сарсонгарчилигига бир оз бўлса ҳам чек қўйилар эди.

Ҳозир ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида аҳоли истиқоматгоҳларида меҳнат биржалари ва уларнинг тасарруфиди бандлик назоратчилари тузилмоқда. Ҳозирда бу меҳнат биржалари ҳар бир ташкилотнинг иш ҳақи жамғармасидан уч фоизлик ажратма ҳисобига ишламоқдалар. Чунки ҳозирги иқтисодий таназзул даврида жамият аъзоларининг меҳнат билан бандлиги ва ишлаб ўзини боқishi тезроқ ўз ечимини топмаса, пинҳоний иқтисодиёт тезроқ ривожланаверади, маънавият эса қашшоқлашиб бораверади.

Маълумотларга кўра, ҳозирда жумҳуриятимизда халқ хўжалигида 54,3 минг нафақахўрлик ёшидаги кишилар меҳнат қилаётган бўлиб, улар ҳам нафақа олаётирлар, ҳам иш жойларини банд этаётирлар. Шунингдек, кўп вақтинча ишламайдиган ва фойдали меҳнатдан бўйин товлаётганлар армияси ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлардир. Демак, иш жойларини банд этаётган нафақахўрлар ҳисобидагина ишсизларнинг маълум қисмини иш билан таъминлаш имкони бор экан.

Инсон учун ҳам эҳтиёж доимийдир, меҳнат қилибгина эҳтиёж қондирилади. Фойдали меҳнат билан банд бўлмаган бу қатламда жиноят қилишга мойиллик кучайиши шубҳасиз. Ҳақиқатда ҳам содир этилаётган ва этилган жиноий ишларнинг аксарияти мана шу қатламга тўғри келмоқда. Масалан, 1990 йилги маълумотларга, кўра, 88 минг 155 та жиноятчилик содир этилиб, жами содир этилган жиноят-

чиликнинг 25,8 фоизини ўғирлик ташкил этган. Судланганлардан 30 фоизини меҳнатга лаёқати бўлатуриб, ҳеч қаерда ишламаётганлар ташкил этади.

Ишчи кучларининг ортиқча бўлаётганлиги эса яна жиноятчиликнинг ортишига олиб келиши мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир корxonанинг тўртинчи ишчиси ортиқча бўлиб қолиши кундай аён. Бироқ ҳозирги пинҳоний иқтисодиёт «аъзо»ларининг 90 фоизини иш стажлари сақланган ҳолда иш вақтида шахсий ишлар билан шугулланувчилар ташкил этади. Бу собиқ тузумимиздаги ишсизликини тугатиш учун бир киши бажарадиган ишни 4—5 кишига бўлиб берилишининг салбий оқибатларидир. Бир мисол: 1976—1980 йилларда 37,3 минг ўринли хунар-техника билим юртлари фойдаланишга топширилди. Лекин уларнинг самараси бўлаётими? Йўқ. Ҳозиргача ҳаракатда бўлган хунар-техника билим юртларида ҳам фақат стипендия учун «ёзилиб қўйиб» юрганлар мавжудки, улар оёига 350 сўмдан стипендия ҳам оладилар, хужжат ҳам оладилар. Буларнинг барчаси фақат расмий иқтисодиётнинг қувватини сусайтиришгагина хизмат қилаётги ҳолос.

Жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври муносабати билан барча ижтимоий қатламлар давлат томонидан ҳимояга олиниши керак. Лекин ишсизлар қатламининг маълум қисмига ижтимоий ҳимояга олинган. Масалан, Наманган вилоятидаги 321,7 минг халқ хўжалигида банд бўлмаган (ўқиётган ёшлар ва уй бекалари билан бирга) аҳолидан 84 минг ишсизлар рўйхатида бўлса, шулардан фақатгина 18,5 фоизи, яъни 15,5 минг нафақа олади.

Шунингдек, мамлакатимизда айни пайтда фаол ҳаракатдаги мардикор бозорлари бўлиб, у ишбилармон кишиларнинг арзон (давлатдан қимматроқ) ишчи кучини харид қилишлари мумкин бўлган хуфий бозорларидир. Ваҳоланки, мана шундай иқтисодий танглик даврида уларнинг яшаш учун кураш майдони — мардикор бозори эмас, деб ҳеч ким айтмайди. Шаҳар марказларидаги, авваллари ички ишлар бўлимлари ходимлари томонидан таъбиб остига олинмайдиган мардикор бозорлари бунга яққол мисол-ку! Демак, илгари меҳнат бозорлари пинҳона бўлмаган, балки ошқора бўлиб, давлат томонидан расман тан олинши орият деб билинган ҳолос.

Эндиликда меҳнат биржалари ва бандлик назорати ёрдамида ҳеч қаерда ишламай ёки ўқимай мардикорлик билан кун кечираётганлар ташкилотини тузиш лозимки, бу бозорни «мардикорлик бозори» эмас, балки «меҳнат бозори» деб номлаш зарур. Унинг ўз низоми, ҳуқуқий мақоми бўлиши керак. Бу янги ташкил этилажак меҳнат бозори, ўзига хос, кўпгина хусусиятларга эга бўлиши табиий. Биринчи-

дан, ишсизлар доимий иш жойларини топгунга қадар шу ерда меҳнат қилишади. Шунингдек, ишловчиларнинг меҳнат дфтарчалари юргизилиб, иш давомийлигида узилиш бўлмайди. Маънавий жиҳатдан эса улар ҳаётда тутган ўринларини, жамият учун кераклик шахс эканликларини англайдилар.

Айниқса бундай меҳнат бозорини ташкил этиш бугунги кунда ўта муҳимдир. Чунки ҳозирда кўп вақт фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, ижара пудрати асосида ишлаш, ташкилотларнинг хўжалик асосида иш юритишлари кўп вақт масумий қўшимча ишчи кучини талаб қилади. Шундай вақтда зарур ишчи кучини ҳар қандай жамоа хўжалиги, ташкилот ва аҳоли мана шу бозордан келишилган ҳолда расман харид қилишлари мумкин. Шундай меҳнат бозори қанчалик тез ташкил этилса, ишсизлар сони камайган, кўпгина кишиларнинг турмуш шароити яхшиланган бўлар эди.

Аҳолининг меҳнат билан бандлигини муҳофаза қилиш ва янги иш ўринларини ташкил этишнинг яна бир йўли, жумҳуриятимизда кичик корхоналар фаолиятига кенг йўл очиб беришдир. Айниқса, ҳозир корхона ва муассасаларда иш жойлари, яъни штатлар қисқартирилиши натижасида жумҳуриятимизда мавжуд бўлган 1,2 миллион иш билан банд бўлмаган аҳоли сафига яна 1 миллиондан ортиқ ишсиз қўшилиши кутилади. Шунингдек, ернинг хусусийлаштирилиши, ер билан боғлиқ қишлоқ хўжалик корхоналарида ишловчи қолқози ва ишчиларнинг ҳам бир қисмини ишсизлар қаторидан ўрин олдириш мумкин.

Ўзбекистонда ерни хусусийлаштириш суғориладиган ер билан боғланган. Суғориладиган ер эса жумҳуриятимиз аҳолисининг жон бошига 0,17—0,19 гектардан тўғри келади. Айрим вилоят ва туманлар борки, у ерларда 0,08—0,09 гектарни ташкил этади. Бу ҳам ўзига хос янги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бунинг учун аҳолини иш билан таъминловчи ва халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар тузиш ва уларни ривожлантиришдан иш бошламоқ лозим. Бу соҳада жаҳон тажрибаси ҳам кўпгина ижобий натижаларни кўрсатиб турибди. Масалан, АКШда умумий саноат ишлаб чиқаришининг 98 фоизи, Японияда 51 фоизи, Францияда 45 фоизи кичик корхоналар чекига тушмоқда. Ҳозир халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш йўналишидаги тармоқларда ташкил этилаётган кичик корхоналарнинг тўрт тури мавжуд:

Биринчиси: саноат корхоналарининг филиаллари сифатида иш бошлаб, кейинчалик мустақилликка эришувчи кичик корхоналар;

Иккинчиси: агросаноат уюмлари тасарруфидида давлат ва жамоа хўжаликларига тобе бўлган кичик корхоналар;

Учинчиси: алоҳида шахслар ташкил этган мустақил кичик корхоналар;

Тўртинчиси: қурилиш ва транспорт ташкилотларига тобе бўлган кичик корхоналар (аҳолига пулли хизмат кўрсатувчи).

Тўртинчи турдаги кичик корхоналар фақат ўзлари тобе бўлган ташкилотларга асосий воситалардан фойдаланганлиги учун тўловлар тўлаб турадилар. Бошқа жиҳатлардан эса улар мустақилдирлар.

Учинчи турдаги кичик корхоналар жуда ҳам оз бўлиб, бу корхоналарни тузувчи ўз иш фаолиятини ўз маблагга ёки давлатдан ссуда олиш билан бошлайди. Ишчи кучидан фойдаланишда бу кичик корхоналарнинг имкониятлари кўпдир. Жумхуриятимиздаги 1,2 миллион халқ хўжалигида банд бўлмаган аҳолининг 700 минги уй бекалари бўлиб, бу корхоналарга уларни кўпроқ жалб этиш лозим.

Биринчи турдаги кичик корхоналарнинг сони кейинги йилларда беш мартадан ортиқ кўнаиб, ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 мартага, ишловчилар сони эса 4 баробар ўсди. Уларда ҳозир 60 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бироқ бундай кичик корхоналар жумхурият вилоятларида турлича. Масалан, кичик корхоналарнинг 46,2 фоизи Фарғона вилоятида жойлашган бўлса, қўшни Наманган вилоятида уларнинг салмоғи 1,5—2 фоизни ташкил этади холос. Ваҳоланки, Наманган вилоятида ҳам бундай муассасаларда ишлаш учун меҳнат заҳиралари етарлидир.

Иккинчи турдаги кичик корхоналарни тузиш ҳозирда кенг авж олдирилмоқда, бу ишчиларнинг 55—60 фоизи кишлоқ аҳолиси бўлганлиги билан боғлиқдир. Ўзбекистон Наманган вилоятида иш билан банд бўлмаган аҳолининг 59,5 фоизини кишлоқ аҳолиси ташкил этади. Шунинг учун бу ерда эътибор кичик корхоналар тузишга эътибор берилмоқда. Наманган вилояти агроаноат уюшмаси тасаруфидоги давлат ва жамоа хўжаликлариде 1991 йилгача 800 дан ортиқ кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 6 минг 600 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

1991 йилда бу корхоналар томонидан 1 минг 300 тонна ун, 520 тонна гуруч, 71 тонна ўсимлик ёғи, 97 минг пагон-метр атлас, 6 миллион 300 минг шартли идишда мева ва сабзавот консервалари, 29,8 миллион донга гишт, 620 минг сўмлик жунли матолар, 155 минг сўмлик кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Жумхуриятимиз миқёсда эса кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг салмоғи кун сайин ортиб бораётди. Бу, биринчидан, бозорни маҳсулотлар билан таъминлашни барқарорлаштиради, иккинчидан, ишчилар сонининг қисқаришига хизмат қилади.

Ташкил этилаётган кичик корхона ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш муассасалари учун эса албатта меҳнат бозори керак. Шу йўл билангина ишчиларнинг маълум даражада қисқартириш мумкин.

Зафар ХУДОИБЕРДИЕВ,
тадқиқотчи

Буюк устоз шоир ва мутафаккир Алишер Навоий меросида унинг унча катта бўлмаган «Муншаот» («Номалар») асари ўзининг алоҳида ўрнига эга. Маълумки, Навоий шарқ мумтоз адабиётининг қайси жанри ва қайси турида ижод этмасин, унинг асосий ижодий эътиқоди ўз она тилининг қадр-қимматини кўтариш бўлиб қолди ва унинг ҳар бир асари нафақат ўзбек адаблари, балки барча туркий халқлари адабиёт намоёндалари учун намуна вазифасини ўтаб келди. «Муншаот» ҳам мактубот (ишшо) жанрининг туркий тилда яратилган дастлабки мукамал намунаси ҳисобланади.

«Қуллуқ арзадошт улким...»

«Муншаот» Навоийнинг шахсий ҳаёти, ижоди, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳақида шоирнинг бевосита ўз тилидан берилган дастлабки ишончли маълумотларни ўз ичига олган асардир. Шу тўғрисида унинг маълумотлари мурожаат қилмаган навоийшунос тадқиқотчи бўлмаса керак. Бироқ Навоий мактублари мажмуъига хос қатор хусусиятлар уларнинг ахборотида истифода этишни бир-мунча мураккаблаштиради: уларда манзилгоҳнинг исми, мактуб юборилаётган жой номи ва вақти кўрсатилмаган, қатор мактубларда турли муносабат билан тилга олинаётган шахсларнинг исмлари ҳам маъхум «Фалоний» сўзи билан алмаштирилган. Навоий «Муншаот»га киритган мактубларини нега бундай тахрир этди? Бунинг сабабини шарҳ ишшо санъати хусусиятлари ва талабларидан келиб чиқиб изоҳламоқ керак. Навоий ўз мактубларини бирон тарихий ҳодиса, факт ёки ҳолат ҳақида объектив хабар берувчи том маънодаги ҳужжатлар тўплами сифатида эмас, кўпроқ мумтоз адабиётнинг маълум турига оид адабий-бадиий асар намунаси сифатида яратган ва шунга кўра бундай асарлар учун позарурий бўлган юқоридаги маълумотларни улардан олиб ташлаган. Унинг асосий мақсади ўз она тилида ҳам форсий бадиий ишшо санъати намуналарини даражасидаги асар яратиш эди. Буни Навоийнинг ўзи маъхум асарининг кириш қисмида ҳам таъкидлайди. Асар тадқиқотчилари бундай ўринларни аниқлаш ва изоҳлашда жуда кўп меҳнат сарф қилдилар.¹ Бу йўлдаги ишлар ҳали ҳам давом этмоқда.

«Муншаот»нинг бевосита мундарижасига келсак, ундан жой олган юздан ортиқ мактублар асосан шоир ҳаётининг иккинчи ярмида ёзилган. Маълумки, бу давр унинг ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиги, айниқса, кенг тус олган даврдир. Шунга кўра мактублар жуда кўп ва турли хил масалаларни қамраб олган бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: давлат бошқаруви ва сиёсий масалаларга оид мактублар, Навоийнинг ижодий фаолиятига оид мактублар, у ёки бу топшириқ ва юмушларнинг бажарилиши ҳақида ҳисоб берувчи мактублар, қутлов, таъзия ё миннатдорчилик изоҳ этилган мактублар, турли масалалар бўйича маслаҳат ва ўғит берувчи мактублар ва, ниҳоят, муаллифнинг шахсий руҳий кечинмаларини акс эттирган мактублар. Мактубларнинг кўпроқ қисми Навоий дўсти ва мамлакат ҳукмдори Хусайн Бойқоро ҳамда унинг ўғилларига йўлланган.

Навоий кўп маротаба ўз танаббуси билан ҳамда султоннинг топшириги ва илтимосига кўра Хуросон давлатининг чекка ўлкаларига сафар қилар ва у ерларда содир бўлган муаммоларни ҳал қилиб қайтар эди. «Муншаот»нинг қатор мактублари шу жойлардан ёзилган ахборотлар ва ҳисоботлардир. Бу каби маълумотларни биз шоирнинг таржамани ҳолини ёзган Хондамир ва Зайниддин Восифийларнинг асарларидан ҳам ўқиймиз. Аммо Навоий мактублари бу маълумотларни тўлдириш билан бирга, улуг зотнинг мактуб ёзиш пайтидаги руҳияти, баён қилинаётган ишларга шахсий муносабатини акс эттирганлиги

¹ Бу борада ўзбек олимларидан Х. Алихўжаева, С. Ғаниева, И. Султон, А. Ҳайитметов, айниқса, асар устида махсус илмий тадқиқот олиб борган Ю. Турсуновнинг хизматлари каттадир.



билан ўзига хос аҳамиятга эга. Ўзига қолса Навоий бу ташвиш ва хатарли сафарларга чиқмаган, ижодий ишдан, Хиротнинг маданий муҳитидан ажралмаган бўлар эди. Унда сабаб нимада? Бир мактуб шундай сатрлар билан бошланади: «Қуллуқ дуодин сўнтра арзадошт улким, бу банданиким, ул даргоҳ қуллуғининг хавоси ёру дийбрин нуфур қилиб (яъни сарой хизматини адо этиш хоҳини ёру дийбрин айириб), бу вилоятда маскан ва бу сарҳадда маъман (макон) туттум, шак йўқким, хулуси (халис) ақидам натижасидин эрдн». Навоий учун узоқ муддатли Астробод сафарига чиқиш, айниқса, оғир бўлган. Бу шаҳарга кетиш олдида шаҳзода Бадузмамонга йўлланган мактубини шоир шундай иштиробли сўзлар билан бошлайди: «Бу фақри хокисор... бу давлатлик эшик остонига туфроғдек тушиб эрдн (яъни сарой хизматига келганимдан бери), ҳаёлимда бу эрдиким, магар (фақат) ажал сарсари туфроғимди бўсогадан совургай — ва лекин ҳаёл бетил (беҳуда) экандур».

Маълумки Хусайн Бойқоро Алишер Навоий адабий даҳосининг қадрини жуда яхши англади ва унинг истеъдодини ардоқлаган эди. Навоийнинг қатор асарлари унинг маслаҳатлари ва тинимсиз даъватларига кўра яратилган. Тўпلامдаги бир мактуб бунинг ёрқин мисолидир. У шоирнинг ўз қўли билан тузган биринчи «Бадойиъ ул-бидон» («Ажойиботлар боши») девонининг яратилиш тарихига бағишланган. Султон Хусайн Хирот тахтини эъдиғина эгаллаган сурунли даврдаёқ (у 1469—1507 йилларда ҳукмронлик қилган) Навоийга мактуб йўллайди. «Маъмуни буюким: «Паришон абётинг (тарқоқ шеърларнинг) ни жамъ қилиб, Мавлоно Султон Али Маҳшадийга бадуруб, хузуримизга юборгил». Яна кўнгина мактубларда бошқа маълумотлар қаторида «бу матлаъ воқеъ бўлар эрдн, умид улким, ислоҳга мушарраф бўлгай», «буюрғон газаллардан тайёр бўлгонлари юборилди, қолғони дағи тутатиб, борур кишидин юборилгай» каби сўзлардан сўнг шеърый мисралар келтириладики, бу Навоий қаерда бўлмасин, ўз ижодий ютуқларини ва режаларини биринчи бўлиб дўсти билан ўртоқлашганидан далолат беради. Навоий дўстининг ўзига қаратилган ҳар бир диққат-эътиборига чуқур миннатдорчилик ва самимий садоқат ҳисси билан жавоб қайтарар эдики, бу «Муншаот»нинг Султон Хусайн номига йўлланган беистисно барча мактубларида намоён бўлади.

Шу ўринда асарнинг тили ва услуби ҳақида бир оғиз сўз айтмай бўлмайди. «Муншаот» бир томондан ўрта аср шарқ этикаси, сарой мулозамати қонуи-қоидалари ва талабларига ўзнда акс эттирган асар бўлса, иккинчи томондан унда шоирнинг поэтик бадиий маҳорати билан уйғуллашиб кетган буюк дунёси ва маданияти, назокати ва сезгирлиги, инсонпарварлиги ва самимийлиги ўз ифодасини топган. Улуг шоир ўзининг бу асари билан ҳам бизга, бизнинг замонамизга мурожаат қилгандек, маънавий қадриятлар моддий нафъатлар, ишбозлик ва ишбилармонлик олдида иккинчи даражага ўтиб қолган мураккаб ва шиддатли замонамизда ҳаётнинг бу икки жиҳати бир-бири билан курашда эмас, уйғунликда ривожланган жамиятдагина адолат ва фаронолиқ қарор топиши мумкин дегандек бўлади. Унинг мактублари бизни ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-тоқатли бўлишга, бир-биримиз билан

мулоқотда гамхўр, андишали бўлишга чорлайди, табиҳомуз гапни ҳам ниҳоятда юмшоқлик ва эҳтиётлик билан ишхор этмоқ мумкин ва зарурлигини ўқтиради ва унинг ўзи бундай муомаланинг ажойиб намуналарини намойиш этади. Бу борада, айниқса, Хусайн Бойқаронинг ўғиллари шаҳзодаларга йўлланган туркум мактублар аҳамиятлидир. Чунки бу хислатлар аввало халқнинг устидан ҳукмронлик қилувчи салтанат арбоби учун хос бўлмоғи керак деб билган Навоий, ёш шаҳзодаларни шу руҳда тарбиялашга интилади. Бу мактублар улар учун бир пайтнинг ўзида улуг шоирнинг ишчи санъатидан берган сабоги ва тадбиркор давлат арбобининг маслаҳат ва басихатлари манбаи эди. Навоий шаҳзодалар учун ҳамма вақт сезгир мураббий ва эзгу ниятларнинг ҳомийси бўлган. Аммо у шаҳзодаларнинг ҳар бир ноҳўй хатти-ҳаракатларидан, тоқдор ота ва ўғиллар ўртасидаги можаролардан, ниҳоятда, азият чекар, ўз мактубларида қайта-қайта отани ҳурмат қилишга, унинг билан биргалликда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга даъват этар эди. Шаҳзодалардан бирига Астрободдан йўллаган бир мактубида шоир унга шундай ўғит беради: «Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиг жониз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натика бермас. Подшоҳ давлати маслаҳатин барча ишда муқаддам (афзал) тутмоқ вожибдур».

Шаҳзодалар ҳам ўзларининг буюк замондошлари ва мураббийларига ишонч ва ҳурмат билан қарар, унга маслаҳат ва кўмак сўраб кўп марта муурожаат қилар эдилар. Қатор мактублар гувоҳлик беришича, шаҳзодалар ҳатто султон ҳукмига ҳавола этилмоғи керак бўлган қатор муҳим масалаларда ҳам тўғридан-тўғри ҳукмронга муурожаат этмай, Навоий орқали иш кўришга интилар эдилар, чунки унинг воститчилиги кўпроқ фойда келтиришига ишонар эдилар. Мана бир мисол: Бадиуззамон Мирзо Астробод ҳокимлигига даъво қилиб, Навоийдан Хусайн Бойқарога бу тилагини етказмоқни илтимос қилиб мактуб йўллади. Шоирнинг жавоб мактубидан, у бу илтимосни «юқори» яъни султонга баён этибгина қолмай, уни шаҳзода фойдасига ҳал бўлишига сабабчи ҳам бўлган. Чунки султон Бадиуззамоннинг Навоий-

дан сўнг (1487—1489) бу шахарга ҳокимлик қилиб турган тажрибали беклардан Мўғул бекчадик тадбиркорлик билан иш юрита олишига шубҳа билан қарайди: «Аммо муноқ сўз кечтиким: «Мўғул андаги ишларга бағоят кўп эҳтимомлар (диққат-эътибор) қилур эрди. Бадиуззамон Мирзо онча эҳтимом қилурму?» Арз қилдимким, андин кўпрак эҳтимом қилгусидурлар. ...Агар андаги ишларда бехтимоглиг воқеъ бўлса, Мирзо тобуғида (яъни Султон Хусайн хузурида) бу қул уётлиг бўлгусидур деб, қуллқ араздост битилди». Шундан сўнг шаҳзода 1491 йили Астрободга ҳоким этиб тайинланди.

Навоийнинг султоннинг катта ўғли ва тахт вориси Бадиуззамонга йўлланган барча мактублари алоҳида муҳаббат ва гамхўрлик ҳисси билан йўрилган. Шоир бу фаҳмли ва маърифатли йигитни ҳақиқий оталик меҳри билан севар ва унга келгусида ўз гоиларининг амалга оширувчиси сифатида қарар эди. Навоий шахзоданинг тарбияси ва давлат арбоби бўлиб етишувига кўп вақт ва меҳнат сарф этган. «Бу заифнинг ҳаёлида улдурким,— деб ёзади Навоий мактубларидан бирида,— ўз дуо ва ибтимон амн-ободин ул ҳазрат (яъни шаҳзода) теграсига хисор (қўрғон) қилибмен. Аммо зулм тоши у хисор томига раҳна қилмоқдин ва номашрў умур нақби била бораси йиқилмоқдин (яъни шариятга хилоф ишлар жарига асоси куламоғидан) тенгри таоло ниоятига сигиниб, ўзингиз уҳда (жавобгар, масъул) бўлғайсиз». Навоий давлат арбоби қандай бўлмоғи керак, давлат бошқарувида нималарга эътибор бермоғи ва нималардан ўзини сақламоғи керак, ўз ишида қандай ахлоқий мезонларга амал қилмоғи керак каби қатор масалаларга бағишланган катта ҳажмдаги бир мактубини ҳам айнан шу шаҳзодага йўллаган (мактубнинг ёзилиши Бадиуззамон Астрободга ҳоким этиб тайинланганининг дастлабки пайтларига тўғри келади, деб тахмин қилинади). Шунинг учун ҳам Алишер Навоий сарой муҳитида тобора авж олаётган ишратбозлик, маънавий тушқунлик, сотқинлик, ҳукмдор оила аъзоларининг муттасил тус олаётган низоларини таассуф билан кузатар экан, Бадиуззамоннинг бу ишлардаги хатти-ҳаракатларидан, айниқса, кўпроқ азият чекади. Навоий мамлакатда ички низолар,

айниқса, шиддатли тус олган XV асрнинг 90-йиллари ўрталарида отага қарши-чиқиб, юрт ва халқ тинчини бузган ўғилга таъналар, аччиқ сўзлар тўла мактуб йўлладики, сўз қудратига, унинг таъсир кучига чуқур эътиқод қилган шоир учун бундай қаттиқ сўзларни шаҳзодага айтиш унинг ўзи учун нақадар оғир эканлиги ҳар бир сатрдан очиқ кўриниб туради. «Тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастадур ва тенгри таоло газаби ҳам ота газабига вобастадур. Бас, киши ота ризосин ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилиши бўлғай ва ота газабига учраса тенгри таоло газабига учрамини бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра киши немук ота ризосидин айру дам урғай (нафас олғай) ё қадам кўйғай?!» Шаҳзода қилмишларини бирма-бир таҳлил этиб, Навоий унга шундай таъбеҳ беради: «Агар Мирзо (Хусайн Бойқаро)ни заиф ҳаёл қилибсиз— тенгри таоло қавий (қудратли)дур. Фарзанд керак заифлигда отасига хизмат маҳаллин (фурсатин) топтим деб, жонешпорлиг қилса!» «Ўзингиз билурсизким,— деб яқунлайди Навоий бу мактубини,— Мирзо тобуғида (яъни султон хузурида) бу қул не навъ сўзларга густоҳлик қилибман. Сиз даги ...бу қулнинг сўзини рад қилмиш бўлғайсиз. Эмди даги бу қулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги куймас. Бу бир неча сўз густоҳлик қилилди, умид улким қабул тушқай. Тушмаса, бу банд айтур сўзини бўйнуқдин адо қилмиш бўлғаймен».

Навоий асарларидан бирида «Умидин улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзум мартабаси авқдин кўйи инмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси атло даражадин ўзга ерин ёқтирмағай»,— деган эди. Унинг ҳажман унча катта бўлмаган мазкур асари ҳам шундай юксак ўринга эга. Буюк салафимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг кутлуг таваллуд қуналарига ҳар бир мактубидан чин инсон, жонкуяр давлат арбобининг қабли, ёркин жоибали сиймоси намойиш бўлиб турган «Муншаот» асари ҳақида гап юритар эканмиз, бу гапларимиз мазкур рисола ҳақида бир шингил ҳам эмас, шингилдан бир дона холис.

Раъно ҚОБУЛОВА,
филология фанлари номзоди

БАҲОР

(Навоий газалига муҳаммас)

*Кўк губори кетди бир-бир, келди бир ўқтам баҳор,
Дил губорин ёзғали келмасмикин кўркам баҳор,
Келгил, эй гулноз, кўчамни этғали байрам, баҳор,
Ғунҷайи хандон била ҳуснуғ гули хуррам баҳор,
Хаттинг андоқ сабазим, бўлғай анга ҳамдам баҳор.*

*Тонггача гул шоҳида чекса фиғон булбул, не тонг,
Рашк этиб, қиз соҳига бўлмиш қаро сунбул, не тонг,
Хар даме ёр ҳажрида ўртанса бу кўнгул, не тонг,
Юз уза тердин хатинг гар бош чекар, эй гул, не тонг,
Сабзага боисдурур чун бўлди эрса нам баҳор.*

*Азли мажнун топмағай зеч боғу бўстонда паноҳ,
Не ажабким, нақ элинда йўғ эмиш таст бирла жоҳ,
Келди пайғом оразин эгсай, дебон, гул юзли моҳ,
Шодлиғдин гулашани васлинда йиғлаб чексам оғ,
Елма юзким, гулға бўлмас ел ёғиндин ғам баҳор.*

*Барча қут, файз Ҳаф нигоҳин нури тушган ердадур,
Гарчи айрўмен висолиғдин халлиғ биргадур,
Дили заъфлиғ, юз газонлиғ махлиғодин тўтфадур,
Оразим акси юзунг ойина тушган турфадур,
Ким кўрубтур ҳам тазон бир ойда бўлғай ҳам баҳор?*



*Дейдилар, олам элин бир қисмидур аҳли жунун,
Базлар айида ва лек аҳли жунуннинг бағри тун,
Бизга ҳам роҳат қуйин чалғайму бир кун арғанун,
Войким, бир гул тазонга солди айшим гулбушин,
Ушбу фасл ичраки топшим жумлайи олам баҳор.*

*Дилбаро, гулгун юзунгдин тонг шафаққа ранг олур,
Барча эл яқолиғинг, оролиғингдин лол қолур,
Дер, балоси бўлмасе шудғорда қуйруғ на қилур,
Қасди булбул кўнгли қайди бўлмасе, нечун солур,
Бог шўғи сунбули зулфиға печу ҳам баҳор.*

*Дўстлар, келди баҳор боғлар кезиб айланг хузур,
Мирза, кўккам мўждаси, дер, мурдага жон киргүзур,
Энди сунбул соғларин қизларда майда ўргүзур,
Эй Навоий, чин баҳор эркин бу, ёхур кўргүзур,
Боги ҳуқидин улусга довари аълам баҳор.*

Мирза ҚАЙНАРОВ

III. Рашидов тумани



ЗИЛОЛ СУВЛИ АРИҚЛАР ҚАНИ?

Жумхуриятимиз ўз географик ўрнига кўра қуруқ ва илқ иқлимли минтақа жойлашган. Айниқса жазирама ёзда юртимизда иссиқлик даражаси юқори бўлади. Аҳоли зич жойлашган шаҳарларда ҳаво ниҳоятда қуруқлашиб кетади. Лекин аҳоли зич жойлашган бундай қийинчиликнинг ҳам чорасини топган. Шаҳарларда ариқлар қазиб, кўлаб ҳовузлар барпо қилиш йўли билан ҳавони мўътадиллаштиришган. Қадимда ҳар бир ҳовли этагидан ариқда сув оқиб ўтган. Ҳар бир маҳалланинг ўз ҳовузи бўлган. Бу сув шохобчалари ҳавонинг экологик мусофоллигини сақлаш билан бирга, аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини ҳам таъминлаган.

Ҳовуз ва ариқдаги сувлар ниҳоятда тоза бўлганлиги учун халқ уни тўғридан-тўғри истеъмол қилаверган. Баҳор ойларида ҳашар йўли билан ариқ ва ҳовузлар тазаланиб таъмирлаб турилган. Халқ томонидан тайинланган миқдор сувнинг тазалиги, беҳуда исроф бўлмағлигини қаттиқ назорат қилганлар. Тоглардан оқиб келган зилол сувларини ичган аҳоли ўртасида ҳеч қандай юқумли касалликлар учрамаган.

Аммо сўнгги ўн йилликлар давомида шаҳарларнинг замонавийлашуви, кенгайиши, сув билан таъминлашнинг қувурлар тартиботига ўтилиши қадимий ариқларнинг аҳамиятини пасайтириб юборди. Кўлаб ҳовузлар кўмиб юборилиб, замонавий сув фавворалари барпо қилинди. Табиий ариқлар бетонлаштирилиб, тупроқ қатламига сувнинг сингилишига барҳам берилди. Бу эса ҳавонинг мўътадиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Эндиликда шаҳарлардаги ариқлардан фақат сугориш манбаси сифатидагина фойдаланилаётган. Масалан, ҳозир Тошкент шаҳрида гулзор ва дарахтзорларни сугориш учун ҳаммаёси бўлиб, аликка яқин, умумий узунлиги 200 қақиримдан зиёд сув тармоқлари мавжуд. Шаҳар чегарасидан оқиб ўтадиган Қорасув, Салор, Кайковус, Анҳор, Бўзсув, Чигатой, Толариқ ва Чирчиқ дарёси асосий сув манбаларига киради.

Шаҳарда янги-янги кўп қаватли уйларнинг қурилиши натижада, маҳаллалардаги кичик ариқчалар кўмиб юборилди. Ичиладиган сувлар қувур орқали шахсий хонадонларга ҳам кириб келди. Одамлар томорқаларини ҳам ичимлик суви билан сугора бошлади, оқар сувга эҳтиёж борган сайин камайди. Шу билан одамлар сувга бевътибор, хурматсизлик билан қарай бошладилар. Ювинди ва ифлос сувлар тўғридан-тўғри мавжуд ариқчаларга оқизила бошланди. Уйлардан чиққан чиқиндилар ахлат қўтиларига эмас, сувга ташланадиган бўлди. Маҳаллалардаги ариқларни ҳашар йўли билан тазалаш ҳам унут бўлди. Қатраси олтинга тенглаштирилган сув қадрсиз бўлди.

Шахсий уйларнинг ёрдамчи бинолари, гаражлар ариқлар устига қурила бошлади. Кўпгина бинолар неча ўн йиллардан бери сув оқиб турган ариқлар устига қурилди. Сув ҳавзаларининг кўпчилиги ўзани асрлар давомида шаклланган миқдорчиликмига мос бўлмаган ҳолда кўпол равишда бузилиб ҳадеб жойдан-жойга кўчирилаверилди. Натижада ариқларнинг умумий оқим қияликлари бузилиб, кўпчилик ҳолларда сув тошқинларига сабабчи бўлаётганлигидан азият чекмоқдамиз. Бундан ташқари тегишли ташкилотларнинг руҳеатисиз сув манбаларининг кўп жойларидан техник шароитлар кўпол бузилган ҳолда ҳар хил газ, кабель қувурлари кесиб ўтказилган. Масалан, ўтган йили 22 июнда қаттиқ ёққан ёмғирдан шаҳарнинг Юнусобод ва Собир Раҳимов туманларида Қорақамиш зовуридан сув тошди. Натижада Юнусобод ноҳиясидаги кўп қаватли уйларнинг тагига сув кириб одамларнинг тинчи бузилди. Собир Раҳимов туманида эса кўчаларга сув тошиб, транспорт қатновини анча қийин аҳволга тушди... Сув тошишига асосан зовур ўзанини кесиб ўтиб сув оқимига тўққинлик қилган газ, сув, канализация қувурлари, сув қувурлари устига қуриб ташланган гаражлар сабаб бўлмоқда.

Шаҳарнинг Собир Раҳимов туманидан ўтган Кайковус ариғининг икки қирғоғи ҳам шахсий уйлар билан ўраб олинган. Бу ариқни фақат 3 чақиримлик узунликда тазалаш ишларини бир томонлама бажарсак, 63 та шахсий уй, 78 та ҳар хил тўсиқлар бузилиши керак бўлди. Демак энг камида 120 ойлага уй ажратилиши керак, шундагина оқар сув тармоқларининг экологик ҳолатини яхшилашда, энг катта муаммоларни келтириб чиқараётган ҳолларга барҳам берган бўламиз.

Эски шаҳар ҳудудида зич жойлашган уйлар ичидан ўтадиган ариқлар ниҳоятда ифлосланган. Бу жойларда етарли шароитлар йўқлиги сабабли ҳали кўп хонадонларга канализация қувурлари ўтказилмаган. Натижада уйлардан чиқадиган ювинди сувлари тўппа-тўғри ариққа ташланади. Ҳаттоки баъзи бир хонадонларда ювинди ташлаш учун ўра қазинга ҳам шароит — ер йўқ. Шаҳар йилдан-йилга кенгайиб, янги-янги кўп қаватли бинолар қуриляпти. Албатта лойихалаш пайтида янги барпо этилаётган даҳаларни кўкаламзорлаштириш кўзда тутилади. Кўкаламзорлаштиришни эса сувсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин лойихада дарахт ва гулзорларни сугориш учун бетон ва темир-бетон сув тармоғи шохобчалари кўрсатилади. Албатта, бу сувни ортқича сифоғарчиликдан сақлайди ва ўзига яраша мезморчилик кўринишига эга. Лекин бошқа томонини олганда ариқ бўйларига экиладиган кўчатларнинг кўпчилиги куриб қолади, сабаби ариққа ётқизилган бетон ўзидан сувни ўтказмайди. Бизни таъжиблантарадиган нарсаси шуки, шаҳар сув ҳўжаллиги ташкилотига маҳаллалардан ўтган ариқларни бетонлаштириш сўраб хатлар ёзилади, ариқларда оққан сув ифлос, ҳар хил ювинди эканлиги сабабли баъзи бир одамлар ҳолисидан оқиб ўтадиган ариқни кўмиб ташлаш сўралади. Лекин сувнинг ифлослигини асосий сабабчилар шу хонадонларда яшовчи одамларнинг ўзлари бўлиб чиқадилар. Ахир сув Чорвоқ омборидан чиқиб Қйрай, ҳатто шаҳар чегарасига келгунча ичинга яроқли ҳолда бўлади-ку! Шаҳар чегарасидан ўтиши билан катта-катта завод, фабрикадан тортиб, кичик корхоналар ва хонадонлар сувнинг ифлослишига сабаб бўлишмоқда.


Кўп йиллардан бери шаҳарнинг экологик аҳволини, хусусан, сув тармоқларини яхшилаш мақсадида анчагина қарорлар чиққан, ҳатто катта-катта маблаглар ажратилганлиги сир эмас, лекин ижроси... Ҳамма нарсаси қозғаб қолиб кетган.

Шаҳар атроф-муҳитини соғломлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида 1991 йил 12 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети президиумида шаҳар Совети экология — атроф-муҳитини муҳофазасидаги ва обдонлаштириш доимий комиссияси сув ҳавзаларининг экологик аҳволи ва уларни яхшилаш бўйича маълумотномани кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди. Салор ва Қорасув ариқлари бўйида жойлашган ташкилотларга ариқларнинг ўз ҳовлиларидан ўтган қисмини тазалаш ва таъмирлаш тошширилди. Шу қарорга биноан Қорасув ариғининг ўзани Тошкент халқа йўлидан Тошкент аэропортига қисми бир томонидан йўл очиб, экскаватор билан тазалаб чиқилди. Салор ариғи ҳам Тошкент халқа йўлидан Бишкек кўчасигача тазалаб чиқилди. Қорақамиш зовурининг сув тошқинидан кейин Юнусобод ва Собир Раҳимов туманларида сув оқимига қаршилик қилувчи ҳамма коммуналкация ишоотларини кўчириш ва экскаваторлар ёрдамида ўзани тазалаш ишларини 1993 йил апрель ойигача тугатиш мўлжалланган.

Бўғунги кунда Тошкент шаҳар сув ҳўжаллиги бошқармаси олдида ечимини кутаётган муаммолар кўп. Пойтахтни обод, гўзал ҳамда унинг ҳавосини мусоффо қилишда албатта табиий сувларнинг тазалиги катта аҳамиятга эга. Ариқларни тоза тутиш, унга чиқиндилар, ювинди сувлар ташламаслиқни назорат қилишни фақат сув ҳўжаллиги ходимлари бажаролмайдилар. Бу ишни сиз билан биз, яъни сув бўйида яшайдиган, ишлайдиган одамлар, ҳуллас ҳаммамиз бажаришимиз керак.

Шорасул ШОНАЗАРОВ,

Тошкент шаҳар сув ҳўжаллиги бошқармаси бошлиғи





Кўчқор ТҲҲИЕВ

Шарафли иш

Ўзбекистон истиқлолга эришди. Энди унинг истиқболи шу юртининг ҳар бир фуқаросининг фаол ва ҳалол меҳнатига боғлиқ. Айниқса, халқ ҳўжалиги бошқарувининг турли бўғинларида масъул лавозимларда ишлаётган кишиларнинг ташаббускорона, донолик ва адолат билан иш юритиши халқимизнинг тўқин ва тинч яшашига хизмат қилади. Жумҳуриятимизда эса халқ дардини ўз дарди деб билган, етти ўлчаб

бир кесадиған, юрт учун фидойи инсонлар кўпчилиги ташкил этади. Айниқса, ҳозирги оғир иқтисодий шароитда қийин дамларни енгиши, юртининг фаровонлигига эришиш учун бор куч ва имкониятини сарфлаётган масъул ходимлардан бири Косон туманининг ҳокими, Ўзбекистон жумҳуриятининг халқ ноиб Кўчқор Тўйчиевдир.

Савол: — Кўчқор ака, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, биз мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳам тарихий кунларда яшаймиз. Менинг назаримда, гўё Ўзбекистон аталмиш — Ватан мустақиллик оғушида қайта туғилгандек!

Жавоб: — Рост айтасиз. Ватаннинг қайта туғилиши — миллатнинг, тилнинг, унинг кучоғидаги халқнинг ҳам қайта туғилишидир. Бу кунлар — бобокадонларимиз учун ушалмай қолган армон, улар орзу қилган кун эди! Тангрига шукрларки, озод Ватан, мустақиллик халқимизга абадул-абад насиб этган бўлсин... Зотан, ҳар бир хайрли-шарафли ишнинг залворли юки, тан олиш керак, жумҳуриятимизга мустақиллик ёғдусининг таралими, Президентимиз, ҳукуматимиз шарофатидан деб биламан. Шу боис Шарқ ва Ғарб давлатларига, шунингдек, дунёнинг барча мамлакатларига йўл очилди, улар билан дўстлик алоқалари ўрнатилди.

Савол: — Фақат ишонч ва фаол ҳаракатгина насиб этган бу бахтини сақлайди.

Жавоб: — Тўғри, мустақиллики мустаҳкамлашга аввало ҳар биримиз фидойи бўлишимиз, қайси жабҳада бўлмасин ўз меҳнатимиз билан юрт фаровонлигига улۇш кўшишимиз шарт ва зарур.

Савол: — Сиз раҳбарлик қилаётган туманда иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

Жавоб: — Авваламбор, бу иқтисодий қийинчиликларга ўткинчи бир ҳол деб қараш керак. Негаки, халқимиз амалга ошираётган эзгу ишлар ортида нурли келажак бор. Эскида бир мақол бор. «... Бир очликнинг бир тўқлиги ҳам бўлади!» Фақат бунда бизга оқилана фикр юритиш ва осойишталик зарур. Аҳир, қийинчиликсиз биз фаровон кунларга эришимиз мумкин. Туманимизда халқни ижтимоий ҳимоялаш учун бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Иқтисодий мушкулликларни енгиш учун тадбиркор, кенг фикр ва мушоҳадали ишбилармон ходимларнинг фаолиятига таянамиз. Халқнинг моддий турмуш даражасини яхшилаш учун кўп ва сифатли ҳосил олишни, халқ эҳтиёжи ва истеъмолига мос маҳсулотлар ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги даврда юз бераётган танқисликини ҳисобга олиб, эътиборимизни аввало дон етиштиришга, халқимизнинг нонга бўлган талабини тўлароқ қондиршиш ва дон маҳсулотларини кўпайтиришга қаратдик. Қолаверса, халқимизни «Нонинг бўлса мустақилсан», деган гапи ҳам бор. Шу ниятда ўтган йили ўн тўққиз минг гектар ерга ғалла экилди. 25 минг тоннага етти ёки ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп дон етиштирилиб, 14 минг тоннаси давлатга, 2,5 минг тоннаси эса халққа, кам даромадли оилаларга сотилди. Бундан ташқари, ўз томорқала-

рига ғалла экилмоқда. Косон шаҳрида эски тегиридон таъмирланиб, ишга туширилди. Бу йилги режаларимиз эса 24,6 минг гектар ерга ғалла экиб, дон етиштиришни 35 минг тоннага мўлжалладик. Ҳозирда 20 минг гектар ерга кузги дон экилди. Утган йилнинг ўзидаёқ халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларида сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бурноғи йили 510,2 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили 1 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қишлоқларимизга 53,2 чақиримдан ортиқроқ жойга газ қувурлари ўтказилиб 777 хонадон газлаштирилди. 104 чақирим сув қувурлари қурилиб, ишга туширилди...

Президентимиз фармонига мувофиқ халқимизнинг яшаш шароитини яхшилаш ниятида кейинги икки йилда 224 оилага сувли ердан 674 гектари томорқага ажратиб берилди. Бу билан ҳали ишлаш тугалланди, деган гап эмас, аҳолига томорқа бериш ишлари давом этмоқда. Пахта бизнинг асосий бойлигимиз ҳисобланади. Усиз халқ ҳўжалигини комплекс ривожлантиришни тасаввур этиш қийин. Яқин йилларда биз пахта толасини четга ҳозиргидек хом ашё ҳолатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида сотишга эришиш учун курашмоқдамиз. Бу умидларимиз рўёбга чиқса, меҳнаткашларимиз ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлур эди.

Косон тумани пахта тайёрлаш режасини муддатидан илгари жумҳуриятда биринчилар қаторида бажаришга муваффақ бўлди. Туман деҳқонлари 63,7 минг тонна ёки режага нисбатан 10 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосилини етиштирдилар.

Савол: — Туманда фаолият кўрсатаётган мавжуд бир қанча деҳқон (фермер) ҳўжаликлари — кичик корхоналарнинг шаклланиши ва иш натижалари қандай кечмоқда?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада деҳқон (фермер) ҳўжалигини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони фермер (деҳқон) ҳўжалигининг равнақи ва истиқболи учун хизмат қилади. Халқ оғирини енгиш қилаётган тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш ва уларни моддий ва маънавий томондан ҳимоя этиш ҳозирги иқтисодий оғир кундан чиқшининг бирдан-бир ишончли ва шарафли йўлидир.

Танқислик шароитида мулкчиликнинг турфа шаклларини қорон топтиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан янги, қулай иқтисодий тизимлар бунёд этилди. Айни кунда 52 та кичик корхона, 12 та ширкат, 56 та деҳқон ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 22 та кичик корхона ташкил этилди. Энг муҳими, юзлаб кишилар янги иш ўринларига эга бўлишди. Мавжуд кичик корхона ва ширкатларнинг асосий

фаолияти халқ эҳтиёжи учун зарур нарсалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, туманда маҳсулотни қайта ишлаш sanoatини барпо этишга қаратилляпти. Ана шундай деҳқон ҳўжаликларини ташкил этиш учун туманда 3500 гектар ер ижарага берилди. Мавжуд деҳқон ҳўжаликларидан 48 таси деҳқончилик, саккизтаси чорвачиликка ихтисослашган. Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, баъзи бир ҳўжалик раҳбарларининг лоқайдлиги оқибатида деҳқон ҳўжаликлари патарат топаётди. Шунингдек, айрим фермерлар солиқларни вақтида ёки бутунлай тўламай, туман бюджетининг қашшоқлашишга сабаб бўладилар. Ўз-ўзидан маълумки бу ҳол туманинги баъзи бир амалга ошириши лозим бўлган муҳим ишларни чеклаб қўяди.

Савол: — Ҳозирда бир қатор ташкилотларда қаровсиз, иқтисодий ҳимояга муҳтож оилаларга ғамҳўрлик кўрсатиляпти. Айтинг-чи, бу борада сиз ҳокимлик қилаётган туманда қандай тадбирлар олиб боришмоқда?

Жавоб: — Халқимиз азалдан сахий ва бир-бирига кўмақдosh. Меҳрга муҳтож кишиларни унутиб ҳам, эътиборсиз ҳам қолдириб бўлмайди. Ғамҳўрлик кўрсатиш бизнинг нафақат шу кунги ишимиз, балки бу ўзбекона бағри кенглик асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан кадрланган савоб-ку. Тўғри, биз маълум бир вақтларда шундай улуг ва хайрли ишлар, меҳр-оқибат тушунчаларидан узоқлашиб, манкуртликка юз тутган эдик. Тоталитар тузум бизни бу ҳалокатлар исканжасига келтириб қўйган эди. Хайриятки, бугунги кунда мана шу меҳр-оқибатимиз, мустақиллигимиз билан замонамиз гўзал ва тинчдир. Пайғамбаримиз ҳадисларида шундай айтибдурлар: «Расулиллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан сўрадилар: «Қайси хислатлар Исролда энг яхшидур!». Айтдилар: «Очларга таом бермоғинг ва таниган-танимаганга салом бермоғинг».

Шундай бир мушкул шароитда етим-есирлар, кўп болалик оналар, боқувчисини йўқотганлар, кимсасиз қариялар, ногиронлар ҳақида ғамҳўрлик қилиш, уларга кўмак бериш, ҳол-аҳволларидан хабар олиб турмоқлик биз учун муҳимдир.

Ҳақиқатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, нарх-навоининг кун сайин баландлаб бориши баъзи бир оилаларнинг турмуш даражасини ноқорлайштириб қўйди. Уларни иқтисодий-маънавий томондан ҳимоялаш биз учун энг муҳим ишдир. Шу аснода аҳолининг турмушини яхшилаш учун бюджет ҳисобидан ташкилот ходимларининг иш ҳақи миқдори тўрт марта оширилди. Улуғ Ватан уруши фахрийларига қўшимча имтиёзлар уюштирилди; улар яшиб турган уйларида уй ҳақи тўловидан озод этилиб, хусусийлаштириб берилди. Уларнинг ўз соғл қларини тиклаш учун курортларга бепул йўлланмалар жорий этилди. Биргина ўтган йил-

ОТАМ ҲАҚИДА


нинг ўзиданогиронларга 254772 сўм моддий ёрдам, 24 минг сўмдан ортиқ дори-дармонлар бепул қилиб берилди. Шунингдек, ижтимоий муҳтож оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини чегараланган нарх билан белгилаб қўйдик. Уларнинг маълум бир қисми жумҳурият бюджетидан ажратилмоқда. Бу хайрли ишларнинг яна бир томони шундаки, даставвал туман ҳокимликлари, ижтимоий-таъминот бўлимлари, баъзи бир корхона, ташкилот ва муассасалар ёрдамга муҳтож, ночор оилалардан ўз ёрдамини аяётгани йўқ. Жумладан, Косон Ёғ-экстракция заводи томонидан хайр-эҳсон кунин бўлган қадимул айём Наврўз кунлари «Наврўз» фондига 30 минг сўм, маҳалла қўмиталарига хайрли ишларни бажариш учун 6500 сўм, хотин-қизлардан кенгаши ва кўзи ожизлар жамиятига 10 минг сўмдан пул маблағи ажратилди. Бундан ташқари, хилмога муҳтож оилаларга Туркиядан келтирилган 14 тоннадан зиёд ун, шакар, гуруч, макарон, кунгабоқар мойи ва сариёғ тарқатиб берилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, ҳозирда ишсизлар сони кескин ошганлиги жумҳуриятимиз олдидаги энг оғир муаммо бўлиб турибди. Бундай шароитда корхона ва ширкатлар меҳнаткашларни иш билан таъмин этишдек оғир масалага бош қўшиб, бу муаммоларни ҳал қилиб келмоқда. Албатта халқни ижтимоий ҳимоя этиш, уларнинг дардларига маънавий бўлиб яшашдек оғир масъулият ва бурч бизнинг зиммамизда экан, буни ҳеч бир ҳоким унутиб қўймаслиги лозим.

Халқ андуҳи — бизнинг андуҳимиз, халқ бойлиги — бизнинг бойлигимиз. Биз шу Ватанимиз деб, шу юртини деб яшайётган эканмиз, сўзимиз ҳам, ишимиз ҳам, қалб кўримиз ҳам шунга қаратилмоғи керак.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ғулом ЭҒАМШУКУР,
журналист



Бир асрни бўйлаган бобо,
Эзгуликни ўйлаган бобо.
Фарзандларим, юртим, элим деб
Кексаликда сўйлаган бобо...

Абдусанд НУРБОЕВ

Ўзбек матбаачилик тарихини ўрганмоқчи бўлган киши унинг манбаларидан Ғуломхасан Ориф-жонов деган уста муқовачи яшаб ўтганлигини билиб олиши мумкин. У киши эски мақтабда, Бу-хоро мадрасасида таълим олган, китобшунослик билан қизиқиб, шу соҳада фаолият кўрсатиб, литография очган.

Иқтидорли ташкилотчи бўлган Ғ. Ориф-жонов литографияда ишлаш учун ўз даврининг энг ноёб мутахассислари — каллиграф-хаттоғларни, рассомларни, муқовачиларни ишга жалб қилдилар. Уларнинг ҳаммалари деярли маҳаллий халқ вакиллари эдилар. Отамиз китобот илмининг чуқур билимдони ва китобсевар инсон эдилар. Навоий, Бедил, Фузулий, Муқимий, Фурқат асарларини, илгор фикрида шоирларнинг янги усулда ёзилган ўқиб китобларини, болаларбоп ва тарихга оид асарларни босиб чиқарардилар, она тилимиздаги китобларнинг меҳнат аҳди орасида тарқалишига катта аҳамият берар эдилар. Шунингдек, ўзбек классик шоирларининг асарларини арзон нархларда сотардилар.

Маълумки, у пайтларда китоб ўқишни ҳамма ҳам билвермасди, китоблар оғатда узоқ қиш кечалари чойхоналарда, айрим сахий инсонларнинг меҳмонхоналарида кўпчилик бўлиб ўқиларди, гапу гаштақлар шу туфайли жуда фарахли ўтарди. Буларнинг ҳаммаси китоб ташвиқотини кучайтирар эди. «Ориф-жонов литографияси»да 30 дан зиёд одами ишларди, улардан атиги уч киши европалик — бири австриялик, қолган икки киши рус эди. Матбаачи Ғуломхасан литографиясида тайёрланган китобларнинг қиёфасига ҳам катта эътибор берар эдилар. Кўпгина ноширлар китобларини муқовалаш учун босмахонага олиб келарди. Масалан, Муқимийнинг «Девон»и, ёки «Салоти Масъудий» сингари китобларда шундай нашр сўзларини ўқишимиз мумкин: «Ғуломия» литографиясида тайёрланди».


Отамнинг литографияси бутун Туркистон ўлкасида ягона китоб тайёрлайдиган база ҳисобланарди. У киши ниҳоятда одамохун, виждонли киши бўлганлари учун иш излаб юрган етим-есирларга иш берганлар, айримларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб олишига ёрдамини аямаганлар.

Бир воқеа ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди. У пайтлар катта завод, фабрика хўжайинларини золим, ишчиларнинг қонини сўради, дейишганлари билан ҳаммаси ҳам шундай эмасди. Инқилоб арафасида отам, яъни босмахона

хўжайини синган: пулсиз қолиб, ишчиларга ойлик маош тўлолмаган. Энди ишни юритиб, маош тўлайман деганларида босмахонани топиришига тўғри келган. Босмахонани топишганларига ҳеч қанча вақт ўтмай отамни қақиртириб, ишчиларга тўланмай қолган уч-тўрт ойлик маош учун қамоқ хавфи борлигини огоҳлантиришади. Отам бундан ҳам чўчимай икки кунга муҳлат сўрайдилар. Босмахонага келиб ишчиларни йиғиб, аҳволни тушунтирадилар. Шу пайт бир нечта усталар сўз сўраб шундай дейди: «Ҳозир хўжайинни қўлагизга қадар ерга қоқиб юборадиган пайт, аммо бизнинг хўжайин ундай нокас хўжайинлардан эмасди, ўзингиз яхши биласиз. Ҳамма ёвгон шўрва ечганда, бизни ёғлиқ палов билан боққанди. Келинлар, хўжайиннинг шу яхшиликлари учун олинмаган маошнинг уч ҳиссасини яхшиликлари учун кечамиз, қолган бир ҳиссасини тўласин, шунга қўйиласизларми?» дейишган. Ҳамма ишчилар бир овоздан рози бўлишган. Албатта, мана шу бир ҳиссани тўлаш учун ҳам отамда пул йўқ эди. Лекин яхши одамлар бор экан, отамни ноилоҳликдан қутқаришди. Пулнинг бир сўми ҳам қарз, дердилар отам. Ишчиларга тўлаш учун олинган мана шу пулни 1966 йили охири фарзандлик бурчим деб ўзим тўладим.

Ўтган воқеаларни сўзлаб, отамнинг номларини чиқариш мақсадида эмасман, асло. Зеро, савоб бир ишни юзага чиқариш ниятида мазийга қайтишни лозим топдим. Қиссадан ҳисса шулким, отам раҳматли бир пайтлар муқовасозлик қилган, хузурига келган Мавлоно Муқимий... каби ўз замонасининг фозилу комил кишилари билан шеърхонлик қилган ўша табарруқ жой ҳозир бир дўконнинг зах омборига айланиб ётибди. Омбор қаршисида муллаваччалар дини Ислождан таҳсил олаётган мачит жойлашган. Мақсадим, отамнинг жойини қайтариб берсалар, бир оз таъмирлаб, эпақага келтириб, етимхона очсам, ўсмир муллаваччалар рўпарадаги мачитдан баҳра олсалар... Ўз уҳдама олмақчи бўлганим бу вазифа нечоғлиқ мураккаб, мушкуллигини билмаман, лекин наилож. Кексариб қолганимга қарамай, бу фикр мени тинч қўймаёттир. Ошкоралик экинлари эсиб, қадриятлар тилланаётган шундай бир умидвор пайтлар келган экан, орзумни қўллаб-қувватлайдиганлар топилишига ишонаман.

Сурайёхон ҒУЛОМХОН қизи



САНЪАТ ҲАЛОЛЛИКНИ СЕВАДИ

«Мен 1893 йилда туғилганман. Ешлигимда эски мактабда, сўнгра мадрасада ўқидим. Мен ўқиётган мадраса бекилиб қолганидан сўнг, тахсилни давом эттиролмадим.

Отамизни Ражаббой қассоб деб аташарди. Унча катта бўлмаган боғимиз ҳам бор эди. Мен мадраса ёшилганидан сўнг боғимизда майда-чуйда ишлар билан шугулланиб юрдим. 12 ёшимда отам мени соат-сога шогирдликка бердилар. Тахминан бирон йил давомида соатсозликни ўргандим. 13 ёшимдан бошлаб заргарликни ўргана бошладим. 17—18 ёшларимда заргар бўлиб етишдим ва мустақил равишда биринчи йил ишладим. Кейинчалик Тошкентдаги хисобчилар тайёрлаш курсига кириб ўқий бошладим. Шу билан бир вақтда, Тошкентдаги кечки мусиқа техникумида ҳам таълим олишга киришдим.

Мусиқа ёшлигимдан менинг жону дилим эди. Бирон жойда дутор, танбур, най овозини эшитсам, хаяжондан баданларим титраб кетаверарди. Уша пайтлари чойхона, тақяхона сингари одамлар кўпроқ йиғиладиган жойларда, катта тўйларда мусиқа эшитиши мумкин эди. Мен жуда кичиклигимдан бошлаб мусиқанинг «иси» чиққан жойдан қолмасдим. Ҳатто дутор, танбур эшитиш илинжида нашавандлар йиғиладиган нашахоналарга ҳам борардим.

Менинг соатсозликдаги устозим Зуфар соатсоз ҳам санъатга қизиққан киши эди, ўзи танбур чаларди. Дастлаб менга соз тутказган, пардани, зарбин ўргатган одам ҳам ўша эди. Соатсозликда гоҳо-гоҳо танбур ўрганадим, уйда дутор чертардим. Бу нарса мусиқа техникумининг кечки бўлимида ўқиб юрганымда ҳам иш берди.

Мусиқа техникумида мен билан бирга укам Юнус дутор бўйича, дўстим Имомжон Икромов гижжак бўйича, мен танбур бўйича шугулланардик. Техникум муаллимлари биринчи илдинг якунида бизни синиб кўрдилар. Ҳаммамиз синовдан яхши ўтдик ва мусиқа техникумининг битирганимиз ҳақида диплом олдик.

Шундан кейин бизни халқ маорифи бўлимига чақирдилар ва у ерда Самарқанддаги билим юртига ўқитувчи бўлиб кетшимиз лозимлигини айтдилар. Уччаламиз Самарқандга бориб, билим юртининг мусиқа факультетида ўз мутахассислигимиз бўйича дарс бера бошладик. Мазкур техникумда — биз борганимизга қадар у ерда Ҳожи Абдулазиз, Леви Бобохонов, Ҳожи Тожи ва бошқалар дарс беришар экан. — биз борганимиздан кейин Ҳожи Абдулазиздан бошқалар дарс бермай қўйиндик.

Биз, яъни укам Юнус, дўстим Имомжон ва мен Ҳожи Абдулазиз билан ўша ерда танишдик. Бизнинг Самарқандга боришимиздан қўзланган мақсад фақат техникум талабаларига мусиқа дарси беришдангина иборат эмас эди. Марҳум маърифатпарвар адиб, санъат ошиси Гулом Зафарий бизга самарқандлик кекса хофизлардан макор йўлларини ўрганиш, уларнинг ижрочилик мақоратларини ўзлаштиришимиз лозимлигини бизларга қайта-қайта уқтирган эди. Биз ана шу ниятимизни амалга оширишда бевосита Ҳожи Абдулазизнинг кўмагига таяндик.

Биз Самарқандда бўлган пайтимизда техникум ётоқхонасида ҳам турдик, янги راستадаги саройларнинг хужраларида ҳам яшардик. Лекин бўш вақтларимизни кўпроқ Ҳожи бобонинг уйда ўтказардик. Бизларнинг санъатга бўлган иштиёқимизни кўрган Ҳожи бобо маҳорат сирларини тинмай ўргатар эдилар. Баъзан-баъзан Ҳожи бобо билан тўйларга ҳам

бирга борардик, унинг ёнида чолғучилик қилиб ўтирардик. Уша вақтларда театрлар йўқ эди. Созанда ва ашулчилар халққа асосан чойхона ва тўйхоналар дагина томоша кўрсатар эдилар.

Биз Ҳожи бобонинг уйларида ётиб ҳам қолардик. У киши айниқса мени ўз ўғилларидек яхши кўрар эдилар. Мен устозимдан «Бузрук» мақоми, «Гуллар боғи», «Дўст худойим», «Ажам», «Бебокча», «Каримқулбоғи» каби куйларни ўрганганман. Ҳожи бобо айниқса дуторни маҳорат билан чертар эдилар. Юқоридagi куйлардан ташқари, ўзимизнинг аввалдан айтиб, чалиб юрган чала-чулла кўшиқ-куйларимизни ҳам у кишига чалдириб, айтириб муқам-маллаштириб олар эдик.

Ҳожи бобо ниҳоятда билоган одам эдилар. Устозимизнинг зуқко ва зийраклигидан фахрланардик. Сўзни ва қуйни даврадагиларга мослаб айтишда, созада ижро этишда устозимиз Ҳожи бобога тенг келадиган одам жуда камдан-кам топиларди. Эшитувчилар орасида ёшлар кўп бўлса, Ҳожи бобо ўйноқи нарсалардан ижро этар эдилар, агар кексалар кўнчиликини ташкил этса, вазмин, бамаъини куй ва ашула бошлаб, ҳаммани йнгалтар эдилар. У кишининг мусиқа усулидаги маҳоратлари бениҳоят зўр эди.

— Мулла Риқси, агар зарби тақсимни бирга олиб борсангиз, марра сизники,— деяр эдилар баъзан.

Ҳожи бобо қатъий продани, мустаҳкам лафзу имонли санъаткор эдилар. Айрим санъаткорлар бой ва эшонларни кўрганда икки букилиб таъзим қиларди, тақаллуфни ҳаддан ошириб юборарди. Ҳожи Абдулазиз эса бундай нуқсондан холи эдилар. Умуман, у киши санъаткорларнинг обрўсини ерга урадиган иш қилмас эдилар. Ҳожи бобонинг санъат дастуридек бой дастур камдан-кам санъаткорда бўлади дегимизча.

Ҳожи бобо баъзан ўзaro суҳбат пайтида, Мақкага бораётганларида шоир Зокиржон Фурқат билан бирга бўлганликларини айтиб бера эдилар. Улар кемада танишган эканлар.

Биз Самарқанддан қайтганимиздан кейин ҳам Ҳожи бобо билан алоқани узмадик. Устоз ҳар гал Тошкентга келганларида бизникида албатта меҳмон бўлар эдилар. Биз ҳам у кишининг хурматларини жойига қўярдик. Хуллас, Ҳожи бободан санъат бобига кўп баҳра олганмиз...

Самарқанддаги мусиқа техникумида бир-икки йил дарс берганимиздан сўнг у ерда биринчи театр очилди. Унда «Эр ва хотин», «Аршин мол-олон», «Халима» сингари мусиқали драмалар томошбониларга кўрсатилди. Мен, укам Юнус ва Имомжон Икромов учовмининг театрининг кичик дастаси эдик. У ерда ҳам тахминан бирон йил ишладик, сўнгра Тошкентга қайтдик.

Тошкентга қайтганимиздан кейин мен дастлаб Шайхонтоҳурдаги Зебуниссо номли хотин-қизлар мактабидики икки йил дарс бердим. Хадрадаги Алишер Навоий номли мактабда ҳам бирор йил ишладим. Ундан кейин шаҳардаги мусиқа интернати қошидаги клубда хаваскорлар билан машғулот ўтказдим. У ерда уч йил ишладим, ёш хаваскорларга мусиқа сирларини ўргатдим. Хаваскорлар кучи билан «Халима», «Эр ва хотин» сингари мусиқали драмаларни томошбониларга тақдим этдим. Алишер Навоий номли мактабда ва мусиқа интернатидан мендан таълим олган таниқли санъаткорлардан Акбар Хайдаров ва Карим Зокирийларни айтишим мумкин.

Ш

ашмақом куйлари, қадимий кўшиқларни тинглаганда гоҳи-гоҳида бир нарса одамни ҳайратга солади: юз йиллар ва минг йилларга бориб тақаладиган бу дурдоналар бизгача қандай етиб келган экан? Ахир илгари патефон пластинкалари ҳам, овоз ёзиш тасмалари ҳам йўқ эди-ку?.. Ана шунда ажод хофизларимиз, бастакорларимиз ва созандаларимизнинг устоз-шогирдик аъёналари кўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлади. Устоз санъаткорларнинг ҳам, шогирд санъаткорларнинг ҳам фидойи ишларига қойил қоламиз. «Халқим ўз санъатидан, нафосатидан бебахра қолмасин», уларнинг дилида шу эътиқод ҳукмрон бўлганига имон келтирамиз. Номлари эл орасида машҳур бўлиб кетган кишилардан Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Риқси Ражабийларнинг фаолиятлари ҳам бу гапимизга далил бўлиши мумкин.

Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Риқси Ражабий... Ана шу уччала санъаткорнинг исми-шарифлари тилга олинганда энг аввало халқимиз маданиятига ўз ҳиссаларини қўша олган забардаст кишилар, бир-бирилари билан умр бўйи дўсту хамкор инсонлар кўз олдимизга келади. Ҳар уччала санъаткор номларининг кўп ҳолларда бирга саналишининг яна бир боиси шундаки, улар йигирмачи йилларнинг ўрталарида атайин Самарқандга бориб, қадимий мақорамларимиз билимдон Ҳожи Абдулазиздан таълим олганлар. Бу борада улар ота-боболаримизнинг устоз-шогирдик аъёналарини бажо этганлар. Шуниси диққатга сазоворки, Юнус ака, Имомжон ака, Риқси ака ўзларининг самарқандлик йилларида Ҳожи Абдулазизга оддий шогирдгина бўлиб қолмаганлар, Ҳожи отанинг ўз фарзандларидек бўлиб, унинг ҳовлисига яшаганлар.

Етишинчи йилларнинг бошларида, ҳордиқ чиқариш кунларидан бири эди. Риқси Ражабий хонадонига йўл олдим. Шунгача Ҳожи Абдулазизнинг анча-мунча шогирдлари билан, жумладан, Юнус ака ва Имомжон акалар билан учрашган эдим. Энди Риқси отанинг суҳбатларини олиш, у кишини зиёрат қилиш истағи туғилган эди. Сўраб-суриштирсам, Қозирободдаги Нурхон кўчасида турар эканлар. Ўзимни таништирдим. Суҳбатга киришдик. Суҳбатимиз тахминан икки соатлар давом этди. У киши нима деган бўлсалар, ҳаммасини шундоқлигича қоғозга тушириб қўйдим ўша кунлари. Машҳур танбурчи, куйлар ижодкори, фидойи созанда Риқси Ражабий ўшанда шундай деган эдилар:



Набатдаги иш жойим мусиқа техникуми бўлди. Техникум аввал Бешёғоч манзилда эди, кейинчалик Шайхонтохурга кўчди. Мазкур билим юртида саккиз йил дарс бердим. Тошкент трамвай трести қошидаги клубда, гишт заводи қошидаги клубда ҳам хаваскорларга танбур, дутор чертишни, мусиқа усулларини ўргатдим. Ҳамза номли театрда (у вақтларда мусиқали драмалар ҳам кўйилар эди) бир оз муддат мусиқачи бўлиб ишлаганимдан сўнг Ўзбекистон радио комитетига ишга кирдим, сурункасига ўн саккиз йил мусиқа раҳбари бўлиб ишладим, ёшларга ашула ва мусиқа ўргатдим.

1944 йили мени Ўзбек Давлат филармониясига ишга ўтказишди. У ерда ҳам беш санъаткорларга мусиқа, ашула ўргатиб юрдим. 1946 йили қаттиқ касал бўлдиму ётиб қолдим. Менга нафақа тайинланди. Касалликдан тузалганимдан сўнг ҳам, негадир, тезда санъатга қайтмадим. Ҳатто 15 йил давомида кўлимга танбур, дутор ушламадим. Асосан деҳқончилик, бодорчилик билан шугулландим. Фақат 1960 йилдан эътиборан санъатшунос ўғлим Исоқ, тенгқурларим ва баъзи санъат пиннавандаларининг ундаши билан яна танбур черта бошладим.

1938 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олганман.

Пенсияга чиқишимдан аввал ўрта ҳисобда 450 та куйни чала олар эдим. Ҳозир ўша дастуриمنىнг баъзилари ёдимдан кўтарилган, тахминан 200 га яқин куйни чала олсам керак. Радио комитетининг фонотекасида турган ва радио эшитувчиларга тақрир-такорор кўйиб берилган эски чолгу куйларим йигирма-тадан ошмас керак. Яқинда анча-мунча янги куйлар чалиб бердим. Менинг энг севиб, иштиёқ билан чаладиган куйларим куйидагилар: «Мискин», «Адойи», «Сариарда», «Насруллоий», «Оромижон», «Чўли ирок», «Дил куйи», «Ажам», «Баёт», «Баёти чапан-дози», «Гулёри шаҳноз» ва бошқалар.

Укам Юнус Ражабий чиқарган китобларда мингтага яқин куй бор. Ушаларнинг кўпи бизнинг дастури-миз ҳисобланади.

Шахсан ўзим ўн саккизта куй ижод қилганман. «Кошки», «Овораман», «Кулиб», «Яншасин», «Офтобим» сингари кўшиқларнинг куйи менинг ижодим маҳсулидир.

Баян ҳозирги санъаткор ёшларимиз ҳақида ўйлаб кетаман. Санъатни чинакамига ҳурмат билан ўрганишмайди уларнинг баъзилари. Беш-ўнга куй, кўшиқни, уларни ҳам мукаммал эмас, ўрганиб олишадими тўйма-тўй юриб, отарчилик қилишади.

Яқинда бир қаришдошимнингга тўйга бордим. Ҳозирги хофизлардан икки киши — номларини айтмай кўйқолай — шартнома билан тўйга боришган экан. Ишонасизми, икки соатдан кўп хизмат қилишгани йўқ. Лекин оддий ишчининг икки ой меҳнат қилиб, оладиган маошидан ортиқроқ пулни олиб кетишди. Ўша тўйда ўтириб, санъаткор бўлганим учун уялиб кетдим. Халқ ҳурматини оёқости қилиб, бунақа пул тошгандан гадоичилик қилган маъқул эмасми?!

Санъаткорлар — хофизлар, совандалар, қизиқчилар илгарилари ҳам тўйларга боришарди. Лекин бунақа ахвол бўлмас эди. Самарқанддан Тошкентга дурустгина санъаткор бўлиб, кўп нарсаларни ўрганиб қайтган йилларимиз биз ҳам тўйларга борганмиз. У вақтларда театрларимиз ҳозиргидай кўп эмасди. Аслида тўйга бориб, санъат кўрсатишни ҳам халққа хизмат қилиш деб тушуниш керак. Ўша вақтларда тўй қилувчилар билан муомала қиладиган жамият бор эди. Ўша жамият тўй эгалари билан шартлашиб, бизга ордер ёзиб берарди. Биз ўша ордер билан тўйга борардик. Битта тўйда қатнашганимиз учун ҳар биримиз 8 сўм пул олардик. Агар бирон санъатчи беришсат бирон тўйда қатнашса, унга ҳам, тўй эгасига ҳам чора кўриларди. Ўша нарса менимча жуда тўғри тадбир эди.

Ҳозир ҳам ўз санъатини пулга сотмайдиган асл санъаткорлар бор. Улар анчагина. Масалан, Қарим Зокирийни олайлик. Унинг ҳақида бирон тўйдан шунча пул олибди, деган гапини эшитганмисиз? Йўқ. Ора-сера тўйларга ҳам боради. Лекин Қарим Зокирий пул учун бормайди, халққа хизмат қилиш учун боради. Қарим Зокирий ўз болаларини ҳам ўзидек ҳалолликка ўргатган, уларни ҳалол санъаткорлар қилиб тарбиялаган.

Санъатини ўз нафидан, ўз манфаатидан устун қўйдиган кишиларимиз ҳам кўп. Лекин бари бир ҳалигидай тўйма-тўй юрайдиган хофизу совандалар ҳалоллиғу покликни, санъатнинг халқона софлигини қадрласалар юртимиз келажакига хизмат қилгон бўладилар.»

Сухбат муаллифи Оқилжон ҲУСАИН

ҚИСМАТНИНГ ОВОЗИ

Иброҳим Гафур

Усмон Носирий олдида бизнинг ҳеч узиб бўлмайдиган сўнгсиз қарзимиз бор. Ҳар сафар Усмон Носирни хотиралаганда, ҳар сафар унинг сўзидан — шеърлари ва дostonларидан баҳрадор бўлганда, доим шу қарз мезийдан узатилган бир қўл каби одамнинг елкасидан тутади.

Оламни шеър суронлари билан тўлдирishга қодир бўлган йигит ўз ватанини билан нарсадан ортиқроқ севиб, шу севгисини куйлагани учун зўравон салтанат томонидан маҳв этилди.


Шу ҳаёт завоқларига тўлиб-тошган йигитнинг ахир нима гуноҳи бор эди? Наҳот у зўравон ва адолатсиз салтанат учун шу қадар хавfli эди? Наҳот у салтанатни тагидан кўпориб, ўз типрогини боқинчилик зулмидан халос қилишга жазм этган ёки шунга қодир эди? Наҳот лоақал порлоқ истеъдодни аяш мумкин эмасди? Ахир бундай истеъдод эгалари ҳар қандай халқ ичида ҳам ноёб ва, демак, ардокли саналади-ку!

Лекин бу саволларга жавоб йўқ. Империя қаттол эди. У ўз жирканч ҳукмдорлик мақсадлари йўлида ҳар қандай истеъдодни янчиб ташлагани доим тайёр эди ва буни заррача шубҳага бормай, иккиланмай адо этарди. Ўз ерлари, туганмас бойликлари бўла туриб, бир неча юз йиллар давомида ўзгалар ерлари ва ўзгаларнинг бойликларига кўз тикишга, шу ерларни эгаллаб, уларни совуриб тасарруф қилишга одатланган бу тоифа ўз боқинларини доим турли найранг гоилар билан ниқоблаб, халқларнинг кўзига чўп солиб келди. Империячилик тамойиллари уларни беҳад шафқатсиз қилиб қўйди. Шафқатсизлик насл-наслларнинг онгларига турли йўллар билан сингдириб келинди. Халқларнинг эркин, ҳур, мустакил яшашга интилишларини улар шу найранг гоилар билан бўгадилар, тинимсиз «бирлашишга», «иттифоққа» қақирадилар. Уларни ўз асл юртларини обод, фаровон ва ҳар жиҳатдан саодатли қилиб яшашни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Мана шу йўлда бор куч-қувватларини сарфлаш ўрнига турли тоифаларга бўлинадилар ва ҳокимият даъвосида тўхтовсиз жанжаллар уюштирадилар, тўхтовсиз баҳс-мунозараларга берилдилар, бир-бирларини тинмасдан қоралайдилар, ўз бошларига ва бошқа халқлар бошига ёлгон-бўхтошларни дўлдай ёғдирадилар. Халқлар ўз ирода ва ихтиёрларини билдирганлари, тои мустақиллик йўлини таллашганликларига қарамай яна уларни эски найранг гоиларни ўртага солиб қарам қилиш, эски замонга қайтарини найида бўладилар. Улар бу хатти-ҳаракатлари нақадар гайри ахлоқий эканлигига эътибор бериб ўтирмайдилар. Ҳолбуки, оламда империячилик даври тугади. Олам энди тугал цивилизация асосида бўлади. Халқларнинг бирдан-бир янаш йўллари тугал цивилизация ва ҳаётни, дунёни сақлаб қолишининг ҳам бирдан-бир йўли тугал цивилизация востасидагина мумкин.

Ҳақиқий шоирлар ҳар қачон ўз юртларининг тинсоли бўладилар. Улар ўз юртларининг дарёларига, ўз осмонларининг булутларига, ўз тоғларининг мингашма чўққиларига, ўз йўлларининг карвонларига ва ўз оналарининг қақалоқларига ўхшайдилар.

Шулар билан бирга ҳақиқий шоирлар ўз миллатининг қалбига ўхшайдилар.

Ғейне ўз халқининг қалби эди. Пушкин — ўз халқининг қалби. Байрон — ўз халқининг қалби. Бу



қалбларини топтомақ, шу халқларнинг ҳаёт асосларини топш билан баробардир.

Усмон Носирийни сўзларининг миқёси, кечинмаларининг миқёсларига кўра ўз халқининг қалби, деб айтсак, бунда муболага йўқ.

У том маънода халқ тинсолига айланиш йўлига кирган эди.

Усмон Носир ватанини ҳеч иккиланмасдан севади. Ватан деб, халқ деб, ўзини ҳар қандай синовларга ҳозирлаган.

Ватан ҳисобидан ҳеч қандай мурсога бормайди. Халқ ҳисобидан, халқ эътидан бошқалар билан шу юрт, шу халқ учун зарарли мурсалар тузмайди.

Унинг севгиси бутун ва бўлимас.

Усмон Носирнинг шеърлари нурдан тўқилган. Улар ичдан нурланиб турадилар.

Ичдан нурланиш — жуда ноёб ҳодиса. Инсониятнинг камдан-кам фарзандларига насиб бўлади. Сўзининг ичдан мўъжиза касб этиб нурланишини мен Бобораҳмон Машрабда, Мирзо Голубда, Гейнеда, Лўрқада, Чўлпонда, Усмон Носирда кузатганман.

Усмон Носирнинг шеърлари ва дostonлари оралаб булутлар билан олишайтган ва булутлар орасидан

анада ярақлаб чиқаётган ва ҳиссиётли юракларни бе-хад тўлқинларга соладиган нурафшон ой кезади. Ой, шамол, булут — гўзаллик ва ҳаёт яраткич қодир табиатли булутлар Усмон Носир шеърларига фусун-корлик бахш этадилар.

Усмон Носирни ҳижроннинг гирдоб қуриб кел-даётгани.

Холбуки, у эрка шоир эди. Шеърлари ўзбек зами-нида тилга тушган, тим қора сочлари қайсар жинга-лакланган оловли боши узра шуҳрат яловлари ҳил-пирарди. Шунчалар ёш бўлишига қарамадан, Са-марқанд дорилфунунида талабалик чоғидаёқ уни ўзбек шеърятининг энг талантли вакили сифатида Россияга, Арманистонга, Тожкистонга адабий аяку-манларга шеър ўқигани юборардилар.

Усмон Носирнинг жўшқин юраги кенгликларга чиқиб, ўлкаларни кўриб таассуротларга тўлди. Хали гўдаклик чоғларидаёқ у таассуротларга ташна эди. У олам тасвирларини исёнкор юрагига кўчиршига ошқарди. Янги-янги таассуротларда яшаш унга ёқарди, беҳад завқ бағишларди.

У ҳеч нарсага бепарво қарай олмас ва ҳеч нарсанин-нинг қошидан бепарво, беғам ўтолмас эди.

Рим тарихи ҳам, Клеопатра ҳам, Гейне, Лермонтов, Данте ва Шекспир ва буларнинг қаҳрамонлари ҳам, ён-атрофидаги тенгқур дўст-ёрларининг тақдирлари

ҳам унинг юрагига жазиланган учқунлар ташлар ва учқунлар илҳом парисининг оппоқ қафтида ёмби, куйма шеърларга айланарди.

Илҳом париси Усмон Носирга қанчалар ярашарди. Яшашга ташналик, яшаш иштиёқи қанчалар куч-ли эди Усмон Носирда!

Эътибор беринг: унинг шеърлари, достонлари ва ҳатто таржималари нақадар гўзал умидворлик билан тўла!

Усмон Носирда сўзлар умидворликнинг порлоқ даражагарига кўтарилди. Олам меники! Осмон ме-ники! Ой меники! Кўёш меники! — деб индо солади дунёга бу умидворлик.

Афтидан, бу умидворлик ва яшаш иштиёқининг йўлини тўсайдиган ҳеч қандай куч оламда йўқ! Ҳеч нарсга унга бас келолмайди. Ҳеч нарсга уни энгол-майди. Ахир шу куч — илҳом париси-да! Яна нима! Лекин... барибир... шоир ҳижрон гирдобда эди.

Унинг барча шеърларида, таржималарида қисмат тилга кирган сатрлар, бандлар бор! Балки қисмат унинг қалбига жуда эрта тилга киргандир. Лекин шеърларида қисматнинг овози ўттиз учинчи йилдан тўхтовсиз эшитила бошлади. Эсингиздами, унинг даст-тур шеъри «Юрак»даги сўнгги сатрлар: «Ёрил, қақ-моққа айлан сен, Ери! Майли тамом ўлсам!» Мен буни қисмат овози деб биламан. Шоир ўз тақди-

рини башорат қилишга ўтган эди. Еки машхур «Монолог»ни эсланг. Бунда барча ўтки сатрлар — қисмат овози. Ва айниқса: «Эҳтимолки, тамом қил-масдан — Умрим тугар...» Чамаси, «Нил ва Рим» ҳам бошдан-оёқ қисмат саси. «Лампа ёнур... яра-ланган қанотдек оғир ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғар...» Усмон Носирнинг бу сирли шеърда Хомер билан баҳслашуви ҳам, Рим саҳнасида гладиатор билан йўлбарс олишуви ҳам, халқнинг бу қонли ман-зарадан зақланганлиги ҳам ва ниҳоят, «Рим — ўйиндан ўлим кутган жинни театр» сатри ҳам бари-бари ўз тақдирига башоратлар эди.

Шоир шеърлари башоратнинг англашилмас акти сирли тасвирларига тўлган. Унинг ҳар сатридан бу буюк инсоннинг қисмати кўриниб туради:

*Жил!.. Уфқдан ботар кўёшини
Шарт кесилган бошга ўйшапдим.
Парча-парча куйган шафқатлар
Тирқираган қонни эслатди!*

Дахшатли Сибир ўрмонларида яланғоч кўксини
Йўиб қонга ботирган Усмон Носир!

Сенинг шеърларингда қисматнинг ҳайқиради!
Гуноҳинг нима эди, сени бунчалар шафқатсиз за-буи қилдилар?!

Унутмас сени боғинг

Сайдулла МИРЗАЕВ,
профессор

Усмон Носир номи тилга олингудек бўлса, ноёб истеъдод, ўзининг қисқа ижодий фаолияти даврида сермахсул ижод қилган шоир сифатида ҳаққимиз тилида ва дилда доимо тирик буюк шоир кўз ўнгимизда гавдаланади. Шоирнинг халқимиз томонидан севиб ўқи-лаётган дилрабо асарлари унинг умри-нинг давоми ва мангу барҳаётлигининг жонли гувоҳи бўлиб турганлигининг ўзи ҳам бунинг исботидир. Дарҳақиқат, шоир ўзининг бутун вужуди оша Ва-танига, халқига, покиза, гўзал шеърят-га бағишлаган эди. Халққа, Ватанга сид-қидилдан ҳалол хизмат қилган санъат-кор ўзи башорат қилганидек, асло ўл-майди:

*Бардек узлиб кетсам,
Унутмас мени боғим,
Ишимни ҳурмат қилур
Гулардан ҳайкал қурур,
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!
Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга йлмайман!
Ҳаётимнинг давоми —
Келажакимга ҳомий,
Урнимга боғбон бўлур:
Бир умрга йлмайман!*

деб «Боғим» шеърли дил сўзларини из-хор қилган эди.

Усмон Носир гоятда истеъдодли, ил-хоми ҳаёл сингари бепоён ижодкор эди. Бироқ, у ўз ижодий имкониятларини тў-лик рўбига чиқара олмади. Шоир кўн-глига тугиб, дилда пишириб юрган ду-рдона асарларини қозоғга кўчиршига ул-гурмай махв этилди. У шахса сизиниш даврида 25 ёшида (ўн гулдан андигина бир гули очилган йигитлик чоғида) му-диҳш тухматга йўлиқди: «халқ душма-ни» сифатида ноҳақдан қамолқа олин-ган (ҳолбуки, шоир ижодида уни «халқ душмани» деб аташга асос бўладиган бирорта ҳам гоийий-сиёсий хато йўқ), не-не қийноқларга солинган. Охир-оқибатда сургунда — Кемерова шахрида, 1944 йилда адолатсизликдан дод деб дунёдан кўз юмган.

Минг афсуски, шеърятимизнинг порлоқ юлдузи Усмон Носир гоят қисқа ҳаёт кечирди. Ўттиз икки йил умр кўриб, шу қисқа вақт ичида бир талай ажойиб асарлар яратди ва адабиётимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшишга ул-гурди. Хатто унинг ижодий фаолиятига ўн йил тўлиши муносабати билан ўтқа-зилган келадиган ўзи ўзбек шеърятли-да яна бир юлдуз пайдо бўлганлигидан ни-шона эди.

Усмон Носир ижодига ўн йил тўли-шига бағишланган адабий кечада (1937) Уйғун маъруза қилиб, шоир асарларини ҳаққи равишда юқори баҳолаган. Бироқ Уйғуннинг бу ҳолисона хизмати айрим шахслар томонидан бутунлай нотўғри талқин этилган. Натижада Уйғунга асо-сиз ҳолда «халқ душманининг химоячи-си» деган тамақ босилган. Чунинчи, «Еш ленинчи» газетасининг 1937 йил 24 июл сониде эълон қилинган «Совет ёзувчи-лари қаторларини халқ душман усур-лардан тозалаймиз» номли мақолада: «Усмоннинг ижоди ҳақида зўр ҳавас ва мароқ билан доклад қилган эди» калта-табиин Уйғуннинг Усмондаги песси-змизни «енгли пессимизм» деб масала-ни бўйб кетиши ҳам яширин сир эмас... Усмон Носирнинг ижодидаги ярамас на-зарияларини андавалаб келган Уйғун, Ойбек ва Ғ.Ғулумлар унинг амалий иш-ларда кўрсатган «фаолиятини» ҳам яшириб келганлар. Уйғун «Меҳрим» тўпلامини мактаб тақриз эди. Усмон Носирнинг ижодий кечасини ўтказишда ташаббус кўрсатди», деб ёзилган.

Усмон Носир 1912 йилда Наманган шахрида қамбағал қосиб оиласида ту-ғилган. Қўқон шахридаги 8-интернатда тарбияланган. Усмоннинг адабиётга ки-зиқиши, хаваскорлик фаолияти ана шу интернатда бошланган. Усмон Носир «Мен бу ерда (интернатда — С.М.) би-ринчи дафъа икки сўзини қофия қил-дим», деб бежиз ёзмаган, албатта. Ҳақи-қатан ҳам, интернатда берилган билим ва тарбия Усмон Носирнинг халқлик санъаткор бўлиб етишишда муҳим аҳа-мият касб этган. Шу сабабли шоир «Оқ

ювиб, оқ тараб...», «Қора сатрлар» каби асарларида интернет ҳаётини зўр қони-қиш билан тилга олади ва:

*Оқ ювмай, оқ таралмай,
Ўтган бўлсанг она,
Оқ ювиб, оқ тараб,
Катта қилди замона,*

деб ёзади.

Кейинчалик замонанинг етук шоири бўлиш учун чуқур билим зарурлигини англаган ёш Усмон 1930 йилда Қўқон-дан Самарқандга келиб дорилфунун (ҳозирги СамДД)га ўқишга қиради. Усмон Носирнинг унб-ўсишида Самар-қанд адабий муҳити алоҳида рол ўқий-ди. Усмон дорилфунунида Уйғун, Ойдин, Миртемир, Ҳ.Олимжон каби истеъдодли ёш ижодкорлар билан бир даврда та-лим-тарбия олди. Усмон Носир ўзбек мумтоз шеърятини, яҳон халқлари адабиётини, халқ оғзаки ижодиётини қунт билан ўрганади. Шу билан бирга, ижодий иш билан жиддий шугулланади. Она Ватани, ёшлик ва дўстлики, овоз меҳнатни завқ-шавқ билан куйловчи ёр-қин шеърлар ёзади. Шоирнинг «Кўёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатр-лар» (1932) номли дастлабки шеърлар тўпلامлари, асосан, Самарқандда, тала-балик чоғларида яратилган шеърлари-дан ташкил топган.

Усмон Носир талабалик йилларидаёқ ижтимоий ҳаётга, адабий муҳитга фаол иштирок этган. Шунга кўра, у шоир си-фатида ҳам, тез ўсиб, қамолатга етган. Усмон Носир 1935 йилда Самарқанддан Тошкентга бориб, «Еш ленинчи» газе-таси таҳририятда ишлаш бошлади. Бу-тун борлиги билан адабий-ижодий ишга берилди. Натижада 30-йилларнинг ўр-таларига келиб истеъдодли шоир сифа-тида китобхонар оmmas орасида маш-хур бўлади. Худди шу йилларда Ҳазе-тистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Ак-мал Икромов шоир ижодига юксак баҳо бериб: «Усмон Носир ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи, ўзбек халқининг Пушкини», деб айтган эди. Бу даврда шоирнинг «Тракторобуд» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) ном-ли гўзал шеърӣ тўпلامлари майдонга келди. Бу китобларга киритилган поэ-тик асарларда янги замоннинг хилма-хил мавзулари жўшқин куйланади. Уларда замон руҳи, янги яманиятга му-ҳаббат туйғуси бўртиб туради.

Шуниси муҳимки, Усмон Носир ше-рияти бутунча халқ, ва она Ватан ма-ффаатига мос. Демак, шоир юқориде кел-тирилган сўзларига тўла амал қилган: шеърятини замон ва халқ хизматида


тўлигича йўналтирган.

Усмон Носир асарлари лирик йўл бил-лан ёқимли ва таъсирли қилиб ифода-ланган чуқур маъмули назмий фикр-ларга, фалсафий умумлашмаларга бой. Шоир севи-муҳаббат, ахлоқ-оқиб мавзуларининггина эмас, балки ижтимоий меҳнат, халқлар дўстлиги, ўқиш-ўрга-ниш, фан ютуқларини эгаллаш каби ян-ги ҳаёт қуриш билан боғлиқ бўлган кат-та масалаларни ҳам ёқимли ҳисеёт воситасида ўқувчилар қалбига етказаяди.

Усмон Носир шеърятини мавзунинг дозарблиги, гоийий маъмунининг му-ҳимлиги билангина эмас, бадий тас-вирларнинг мукамаллиги ва жозибали-лиги билан ҳам ўқувчиларни ўзига маф-тун қилади. Бу хусусият шоирнинг «Норбўта» (1933), «Нахшон» (1934) сингари достонларига, шунингдек, ёшлик қаҳқидаги «Атлас» драматига ҳам хос. Усмон Носирнинг «Нахшон» досто-нида қаҳрамон қизнинг образи ярати-либ, меҳнаткашларнинг озолик ва бахт-ли ҳаёт учун олиб борган мардона ку-рашлари улуғланади. «Норбўта» досто-нида эса фуқаролар уруши мавзуси қаламга олиниб, ўзбек йигити Норбўта-нинг ҳаёти ва кураши кизқаркли тарада ҳикоя қилинади. Ҳар иккала достонда ҳам қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги гоилари самимият бил-лан ифодаланади ва бу ҳаётбахш туй-гулар асар сюжетининг мағзи-мағзига сингдириб юборилди.

Шундай қилиб, замон талабига хо-риржавоблик, гоийий-бадий етуқлик, ёшликка хос жўшқинлик Усмон Носир шеърятининг асосий хусусиятларини ташкил этади. Бунинг устига Усмон Но-сир асарлари махвум рамзийликдан, ноаниқликдан, жимжимдорлик ва соҳ-та ялтироқликдан холи бўлиб, халққа гоят яқин ва гоят тушунарлидир... Усмон Носир шеърятини умрбоқийлиги-нинг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу халққа гоят яқинликда, халқона сол-далигу табиий гўзаликдидир.

Қисқаси, Усмон Носир гўзал лирик шеърлар, ҳаётини достонлар яратиб бил-лан адабиётда ўзига, ўз кўли билан сало-батли ҳайкал қуриб кетди. У қисқа умр кўрган, жуда оз вақт мубойнада ижод қилган бўлса-да, бебаҳо адабий мерос қолдирди. Агарда шоир адолатсизлик туйғайли жувонмарг бўлмаганда эди, бу адабий мероси юз чандон кўп бўлар эди. Хайриятки, кечикиб бўлса-да, адолат-сизликка барҳам берилди. Ҳақ ўз ўрни-да қарор топди. Отанин шоир яна сағи-да қайтди, адабиётимизда ўз ўрнини эгал-лади.



Абу Али ибн Сино.

Рассом Азиза МАМАТОВА



Бобораҳим Машраб.



Юк Ипак йўлидаги ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали.



Ургутнинг умрбоқий чинорлари қўйнидаги муҳташам мадраса.


Дўппидўз чевар.



Сандиқчи Уроқбой бобо неварасига касб сирларини ўргатмоқда.



Калла солишаётган тош қўчқорлар. (Табиат мўъжизаси).



Омонкўтон этакларида.

БУ КУНЛАР ЎТАР-КЕТАР...

Инсон фақат ўзининг моддий эҳтиёжини қондириш учунгина дунёга келмайди. Унинг ҳаёти ибтидо си маънавиятга ташналик билан бошланиб, интиқоси шу билан яқунланади. Инсоннинг онги ва вужудига асрлар давомида синган эътиқод ва қарашлар ташқи таъсир натижасида маълум бир вақтда қашшоқлашни ёки аксича боийши мумкин. Бу ўринда жамиятда шароит ва унда ҳукмрон бўлган бошқарув тизими асосий роль ўйнайди. Бизнинг ҳудудимизга ҳам узоқ вақт ҳукмронлик қилган тоталитар тузум, айниқса, юртимизнинг марказга қарамлиги халқларнинг маънавиятига салбий таъсир қилган. Одамлар ўз ажбодларининг бой, мукамал, инсоннинг гўзал дунёвий фазилятларини мујассамлаштирган, ахлоқан юксак маънавий меросларидан мажбуран маҳрум қилиндилар. Ҳаммани бир қолипда тарбиялаш гоёси ишари сурилади.

Яратганини ўзига мнг бора шукрким, ҳали руҳиятимида боболар ёққан маънавият нурилари сўнимасдан адолат қарор топди. Юртимиз истиқлолни қўлга киритиб, унутулган қадриятларимиз тикланиб ўзлагимизни англаш бошладик. Аммо соёқ империя қолдирган иқтисодий, маънавий-маданий асоратлар истиқболимизнинг асосий товлари бўлиб турибди. Насиб этса иқтисодий бўзронлик барҳам топиб, халқ фаровон турмуш кечиражак. Лекин ҳозирги иқтисодий қийин шароитда моддий етишмовчиликларни пеш қилиб, маънавий қадриятларини унутганлар фақат янгишадилар. Чунки ҳозир қаноатсиз кишилар сони ортаётир. Улар моддий бойлик орттириш учун оддий ахлоқ қоидаларини ҳам унутиб қўймоқдалар.

Одамлар ўртасидаги ўзаро маъжуд муносабатларда ҳам кескин ўзгариш бўлаётгандай. Ҳамма нарсадан ҳар бир тадбирдан биринчи навбатда моддий манфаат излайдиганлар сони ортаётир. Энг даҳшатлиси маънавий баркамоллигимизни билдирадиган покиза, саводли, маданий хислатларимизга нутур етиб, жоҳил, чаласавод маънавий қашшоқ бўлиб қолаётгандаймиш. Ҳаётда ўзим кузатган, шояди бўлган баъзи воқеалар шу сўзларни ёзишимга сабаб бўлди.

Кашанда ўқитувчи

Ёш қўшим ўқитувчи. Мактабда ёш авлодга тарих фанидан таълим беради. Илгарилари у вақти-вақти билан мендан зарур бўлган тарихга доир китоблар, ойнама ва рўномаларни олиб турарди. Аммо кейинги вақтда негиздан бизникига чиқмай қўйганди. Яқинда у яна бизникига кириб келди-да, мендан рўнома беришимни сўради. Хайрият-ей, дедим-да, қайси рўнома ва қайси сонлари заруриятини сўрадим. «Фарқи йўқ, — деди қўшим. — Биласизки, кейинги вақтда сигарета камёб бўлиб кетди. Ноиллоқликдан тамаки чекалман. Тамакинни ўрашга қоғоз керак. Айниқса газета қоғози яхши бўлади-да. Ўзим эса ҳеч қандай газета ўқимайман, обунга ҳам бўлмаганман».

Тўғриси, энгли хисобланадиган бу инсоннинг ҳеч хижолатсиз айтаётган бу сўзларини эшитиб, хангу манг бўлиб қолдим. Шундай бўлса-да, қўшимнинг хумори босилсин, деб бир неча дона эски рўномаларни бериб, ўзини саволга тутдим.

— Мактабларда турли фанлар, жумладан, тарих дарслиги ҳам сохта ёзилганлиги учун ўқувчиларнинг онгини фақат захарлаб келди. Энди бошқа-ча ўтаётган бўлсаларингиз керак?

— Бошқаларни билмадиму мен ҳозирча эскиридан фойдаланаётирман. Бизга шуниси қўлай, янгисини ўқитишга кимнинг тоби бор, дейсиз? Чунки дарс бериш вақтида фойдаланадиган, ўн йил бурун ёзган лекция дафтарим ҳозирча асқотиб

турибди. Қолаверса, болалар бари бир эскисини ҳам, янгисини ҳам фарқига боришмайди.

Ўқитувчи билан бошқа сўзлашишга ҳожат ҳам қолмаган эди. Мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий-сиёсий воқеалардан, дунё хабарларидан беҳабар, маданиятсиз ва маънан қашшоқ муаллим ўзи ўқитаётган қанчадан-қанча болаларни чаласавод қилиб тарбиялаётгани учун жамиятимизнинг энг кўрқинчли душмани шу ва шунга ўхшаш тарбиячилар эмасмикан, деб ўйлаб қолдим.

Мактабдан юз ўгирган болалар

Ёш авлодни янги давр руҳида тарбиялаш вазифасининг асосий масъулияти ўқитувчилар зиммасига тушади. Айниқса, эндигина мустақилликка эришган жумҳуриятимизнинг яқин келажақда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши ҳозирги мактаб партасида ўтирган болаларнинг билим даражасига богдиқ. Бу кўнгини давлатлар тажрибасидан маълум.

Ҳозир дунёдаги энг ривожланган мамлакат ҳисобланган Япония иккинчи жаҳон урушидан кейин иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда танг аҳволга тушиб қолади. Шунда япон ҳукумати давлат хазинасидаги асосий маблағни мактабга ажратади. Маълум вақт ўтиб натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлади. Чуқуру билимга эга бўлган япон болалари барча соҳаларни тез ва мукамал ўзлаштириб олиб, Япония тараққиётини юксак поғонага олиб чиқадилар.

Бизда ҳам шу тажриба қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тўғри, сўнгги йилларда жумҳуриятимизда маориф соҳасига эътибор бирмунча кучайди. Лекин бу эътибор ҳозирча бешинчи синфгача болаларга бепул понушта бериш, маориф ҳодимларининг маошини бир неча баробар ошириш билангина чекланиб турибди. Мактабнинг моддий-техника базасини яратиш, ўқини тартиботининг бир қанча йўналишларини ислоҳ қилиш лозимлиги эса аниқ равшан бўлиб қолаётир.

Мактабдаги шароитнинг ёмонлиги, ўзи тарбияга муҳтож чаламулла ўқитувчиларнинг сифатсиз дарс ўтиши болаларнинг ўқишдан кўнгли совушига олиб келмоқда. Яқинда бир мактаб директори билан суҳбатлашиб қолган эдим. Унинг айтишича, мактабдан бир йилнинг ўзида ўттиздан ортққ бола ўқини ташлаб кетибди. Бунинг боиси, аввало, мактабдаги ўқитиш савъияси бўлса, иккинчидан, ўша болаларнинг ота-оналари фикридир. Баъзи ота-оналар фарзандларини тезроқ пултопармон қилиш ниятида уларни турли ишларга жалб қилмоқдалар. Тўғри, меҳнат қилиш, меҳнатнинг муқофоти сифатида бойлик орттириш — ёмон ҳислат эмас. Аммо хали зарур билим олиши, тарбиялангани керак бўлган болаларини вақтинчалик қийинчиландан қўчиб, қандай бўлмасин пул топишга ундаётган ота-оналарни оқлаб бўлармикан? Қолаверса, бундай манзаранинг келажақда қашшоқликка олиб келиши шубҳасиздир.

Хароб бўлган бог

Ҳозир ҳамма жойини чайқовчи босиб кетди, десаам янгилимаган бўлман. Ишхона бўлсин, маҳалла, касалхона, мактаб, олий ўқув юрти, қўйиники, жамоа бор жойда чайқовчи бор. Улар ўзларининг ишларини савобга йўйишга ҳам баҳона топадилар. «Опасига сизмай қолган», «Синглисига катталиқ қилган», «Қурортга кетаётган ҳоласига пул зарур...»

Савдо дўконларидаги тақчил моллар орқа эшикдан чайқовчилар кўлига ўтиб кетаётир. Кўнчилиқ савдогар билан чайқовчининг фарқига бормайди. Қадимда савдогарлар халқ эҳтиёжини доимо назарда тутиб, бошқа жойлардан мол олиб келиб, инсоф билан сотганлар. Чайқовчи эса тайёр дўкондан маҳсулотни олиб, бирини ўнга пулламоқда. Ҳозир савдо шохбчаларининг омборлари эмас, чайқовчиларнинг ертўдалари молга тўлиб кетди. Ё алаҳазар! Улар ўз шахсий манфаатлари учун шунчалик тубанлашганларки, нарх-навоининг янада ошиб кетишини Худодан сўрайдилар, десам ишонаверинг. Чунки нарх-наво қанча кўп ошса, уларга шунча кўпроқ фойда қолади-да! Халқ дарди — улар учун сариқ чақалик аҳамиятсиз нарсас. Чайқовчилар мўмай даромад манбан бўлгани учун шу ишнинг бошини туттаётганлар сони ортиб бораётир. Қишлоғимизда Сувон ака деган киши яшайди. У кишининг богига ҳамманинг хаваси келарди. Сувон ака уста богдон бўлиб, томорқасини доимо яшнатиб қўярди.

Нима ҳам бўлдию Сувон аканинг бир пой этиккалишини ўроқ қирқиб кетиб, қийишга яроқсиз бўлиб қолади. У кишлоқ дўкондан қалиш тополмагач, шаҳарга тушади. Бахтига бир дўконда қалиш сотаётган экан. Маълумки, ҳозир қалиш — анқонинг уруги. Қишлоқда қалишга талабдор кўпчилиги учун Сувон ака бир йўла йиғирма жуфт қалиш сотиб олади. Унинг қалиш олиб келганини эшитган маҳалладошлар уйини босиб кетишади. Йўл ҳақингиз деб қалишга ўз наридан ортиқча пул беришиб, қалишни харид қилишади. Сувон ака бафурка ўтириб, ортиқча қалишларнинг пулини ҳисоблаб кўрса, нақд бир ой ишлаб оладиган маоши баробарида фойда кўриб турибди.

Хўрақка ўрганган қилигини қўймайди, деганлари рост экан. Мўмай даромад Сувон аканинг тинчили бўлди. Ҳар дам олиш қуналари шаҳарга тушиб, турли камёб молларни олиб келиб сота бошлади. Бора-бора бу ишга муккасидан кетиб, жамоа хўжалигидаги ишини ҳам йиғиштириб қўйди. Хуллас, Сувон ака ҳозир катта чайқовчи. Пул топишдан бошқа ишни ўйламайди. Яшнаб турган боги эса қаровемизликдан хароб холга келиб қолди. Чунки бог эгаси — Сувон ака меҳнат қилиб, ҳаллоқ билан топадиган ширин лўқмасини аллақачон харомга айлантириб улгурган.

Вақтинчалик қийинчилардан қўчиб, харом-харош ишларга қўл ураётганлар орасида турли соҳанинг мутахассислари ҳам бор. Улар ўзларининг гулдай хўналарини ташлаб, бемаъни ишлар билан шугулланаётирлар.

...Улуғ Ватан урушидан кейинги оғир йилларда бир қиз бир бурда нон илинжида опасиникига борган экан. Опаси қозон ўчоқда қотиргани энди қиришиб бўлган экан. Шу пайт синглисининг уйига келаётганини кўриб қолибди. Нонимга шерик бўлмасин деб, қозондан ҳозир олган қотирмасини шоша-пиша латтага ўраб тагига бостирибди. Синглиси билан ҳол-аҳвол сўрашибди-ю, лекин ўзи бесаранжом бўла бошлабди. Чунки иссиқ нон баданини қуйдираётган экан. Буни сезган синглиси опасига қараб: «Опажон, бу қунарлар ҳам ўтар-кетар, лекин баданингизнинг қуйгани қолар», деб чиқиб кетибди...

Бу воқеа ҳозирги қийинчилардан шониб қолиб, жаҳодат боғиқонга ботаётганлар, пул, мол йиғишга муккасидан кетаётган айрим акахоилар ва опахоилар ҳақида. Улар бу нақлни тез-тез эслаб турсалар, ёмон бўлмасди. Миллатининг асосий бойлиги — халқнинг маънавий қиёфаси эканлигини асло унутмаслигимиз керак, азиз дўстлар!

«Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан»

Хар бир жойнинг, ҳар бир халқнинг ўзига хос қадимий, миллий урф-одатлари, анъаналари бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтиб келади. Асрлар давомида шаклланиб, ҳаёт синовидан ўтган қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳозирги вақтда ҳам қадрини йўқотгани йўқ.

Шу муқтаб назардан ўзбек халқининг ҳам турфа тил удумлари, маросимлари мавжуд: бешик тўйи, суннат тўйи, соч тўйи, никоҳ тўйи, сўмалак сайли ва ҳоказолар. Ҳар бир маросимнинг ўзига хос куй-қўшиқлари бор. Халқ оғзаки ижоди юксак ривожланган юртимизда тўйларни халқ қўшиқлари-чи тасаввур қилиш қийин. Ушбу мақолада тўйларимиз ва тўйларимизда айтиладиган халқчил, содда, лекин сермаъно қўшиқларимиз ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Бешик тўйи

Оилада фарзанд туғилиши катта қувончга сабаб бўлиб, табиат томонидан ота-онага улкан бахт ҳади этилади. Фарзанд туғилиши оилани янада мустаҳкамлайди. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандининг дунёга келиши, унга исм қўйилиши муносабати билан йигин уюштиради. Илгарилари ва ҳозирга қадар болани бешикка белаганлар. Шу сабабли бу маросим «бешик тўйи» деб юритилган.

Бешик тўйига фарзанд кўрган киши, яъни меҳмонларни — кўнглига яқин дўсти, қариндоши, ҳамкасби ва бошқаларни таклиф этади. Чақалоқни йилгоқи бўлмасин, яъни оғир ва босиқ бўлсин, деб зиёфат учун сўйилган қўй терисига ўрашади. Бешикка солиш вақтида чақалоқнинг момоси (қадимда туғруқхоналар йўқ пайтида иккикат аёллар доямонлар қўлида туғанлар) бешик атрофидаги кишиларга қараб, чақалоқнинг исмини айтиб: «... жонга уйқуларингни беринглар», дейди. Уша қари кампирнинг қўлида бир савоқ ип бўлиб, ҳар бир киши берган «уйқу» ўша ипни бир марта туғиш билан белгиланади. Сўнг, охирида ўша ипни бешикка боғлаб қўядилар.

Бешикка белаган болага онаси, ёнги бешикка болани белаган қайиони онахов ёқимли, мунгли ва ширадор «Бешик алла» айтади:

Шугина боламдан айланай,
Гул-у лоламдан айланай,
Емгир-жаламдан айланай,
Алла-ё, алла...

Тезроқ ўсгин аркиллаб,
Қўзичоқдай диркиллаб,
Эркин чиқсин ярқиллаб,
Алла-ё, алла...

Қийғир ётур қияда,
Полопони уяда,
Бахтине бўлсин зиёда,
Алла-ё, алла...

Болагинам боласи,
Исқандома лоласи,
Минг ўргилсин холаси,
Алла-ё, алла...

Йўқдан йўғиб олганим,
Кўкдан қўғиб олганим,
Оламга жар солганим,
Алла-ё, алла...

Дарё суви бойланди,
Узаклари лойланди,
Лайлак момонг айланди,
Алла-ё, алла...

Сайраб турган булбулим,
Яйраб турган сунбулим¹ —
Алла-ё, алла...

Никоҳ тўйи

Никоҳ тўйи... бу кунни таърифлашга сўзлар камлик қилади. Бу кун — икки ёшнинг севишиб, аҳду паймон қилишиб, бир-бирига етишган — висол оқшомидир...

Никоҳ тўйи ҳам барча тўйлар каби файзли ҳамда серташвиш тўйлардан хисобланади. Бу тўй катта ҳажмдаги меҳмондорчиликни ташкил этади.

Қуйида Қашқадарё воҳасининг нурфайзи кексалари, қария онахонлар ва нуруний отахонлардан ёзиб олинган келин тўйларидаги айтишмалар — «Ер-ёр», ўлан, келин саломлардан айримларини келтирмоқчимиз.

Қизни узатиб олиб кетилаётган пайтда айтиладиган ёр-ёр:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўлан кундир, ёр-ёр
Дўст келиб, дўшман кетар,
Кундир буғун, ёр-ёр.
Узун-узун арғамчи,
Ҳалинчакка, ёр-ёр

Чакка қўйлак ярашади,
Келинчакка, ёр-ёр
Чакка қўйлак енгиза,
Тут қоғайлик, ёр-ёр
Кувё бола юрагига,
Ўт ёқайлик, ёр-ёр
Осмондаги юлдузни,
Саккиз денглар, ёр-ёр
Саккиз қизнинг сардори
Келди денглар, ёр-ёр.

Қизнинг помидан айтиладиган ёр-ёр...

Осмондаги юлдузни,
Отган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ёт қилиб,
Сотган отам, ёр-ёр
Ўз қизининг ўрнига,
Бодом экин, ёр-ёр
Бодом шохи қайрилса,
Болам десин, ёр-ёр
Изнагинам йитди, деб
Урдинг онам, ёр-ёр
Энди кетиб бораман,
Тинсин кўнглинг, ёр-ёр...
Дарёга тош отманглар,
Ботар-кетар, ёр-ёр
Узоққа қиз берманглар
Олар-кетар, ёр-ёр.

Кувё тура айтган ёр-ёр...

Дарёларнинг ул юзида,
Бўтақўзми, ёр-ёр.
Юзлари ярқираган,
Тўда қизми, ёр-ёр.
Тўда қизнинг қўшиғига,
Қулоқ соминг, ёр-ёр.
Яйраб айтган ялмасидан,
Ваҳра олинг, ёр-ёр.
Дарёларнинг ул юзида,
Райҳон, жамбил, ёр-ёр.
Айтадиган бир сўзим бор,
Ўзгинанг бил, ёр-ёр.
Дарёларнинг ул юзида,
Турган сўзла, ёр-ёр.
Шашингизга айтмоқчиман,
Битта газаля, ёр-ёр...

Келин салом

Хонадонга янги тушган келинчак тўйнинг эртаси кунни тонг — азонда ўзининг «келин салом»ини беради. Ва шу орқали хонадон аъзоларига ўзининг хурматини билдиради...

«Келин салом»лар

(Ярим ҳазил оҳангида)

Ўхў-ўхў йўталган,
Областанни кўтарган,
Эшитиб олсин қайнотаси,
Сизга салом, ёр-ёр
Салом, салом, келин салом,
Қайнотасига салом!

Токчага қўйган совундай,
Ичи тушган қовундай,
Эшитиб олсин қайнотаси,
Сизга салом, ёр-ёр.

Салом, салом, келин салом
Қайнотасига салом!

Соғоллари саватдай
Елга босган баватдай
Буvasига бир салом!

Пайтавасиз маҳсидай,
Ич ташлаган эчкидай,
Қайнотасига бир салом!

Қўтонга қўй қаммаган,
Яктагини ямаган,
Тўйиб овқат емаган,
Буvasига минг-салом!

Ичи қозон қуяси,
Қанқуе галнинг уясси,
Пилибдўйин қуясси² —
Аммасига минг салом!



Ўтириб-ўтириб йў қилган,
Қалин бермай тўй қилган,
Аммасига бир салом!

Увадаси увалган,
Дарвозаси суваалган,
Салласи заб қувалган,
Поччасига бир салом!

Осмондаги юлдуздай,
Кийсанлари кундуздай,
Чечасига бир салом!

Долондан оққан томчидай,
Тиккан тўйи қамчидай,
Қайнотасига бир салом!

Осмондаги ойдаи,
Қора қоши ёйдаи,
Кичик сингилсига салом!

Меҳмон келса «хўш!» деган,
Меҳмонхона «бўй!» деган,
Акасига бир салом!

Эшик очиб қараган,
«Тўй қачон?» деб сўраган,
Қўйи-қўшичиларга салом!

Минг салом, минг-минг салом,
Барчангизга тенг салом,
Тор кўнглига тор салом,
Кўнгли кенга кенг салом!..

Эслатма:

Ушбу «Келин салом»лар Чироқчи туманининг Қозоққил қишлоғидан ёзиб олинган.

Дарҳақиқат, халқ ижоди — қайнар булоқ. Қадимда авлод-аждодларимиз «Наврўз», «Рўза ҳайит», «Қурбон ҳайит» кунларини жуда севиноч билан кутиб олиб, зўр шодоналик билан ўтказганлар. Рамазон кунлари болалар тўда-тўда бўлиб, қишлоқма-қишлоқ юришиб, рамазонга бағишланган қўшиқлардан ҳам айтишган.

Сойибназар ДАВЛАТОВ,
Тошкент Давлат Маданият олийгоҳининг ўқитувчиси

¹ Гулгулим — булбул сайрай олмайдиган майин оҳанг.

² Чунси — бўйини (шева).

ОЛИСДАГИ ОҚ ЎТОВ



Айтбой Турдимуротовнинг ҳаёти кўплаб тенгдошлариникидан унча фарқ қилмайди. Шу ерда ўрта мактабни тугаллади, уйланди. Ҳозир ҳам шу ерда меҳнат қилаётир. Бу жой Навоий вилоятдан олисда жойлашган «Мингбулоқ» хўжалиги.

Бу ерларда чорвадорлар қадим-қадимдан сурув ҳайдайдилар. Пайти етгач, оталар фарзандларга чўпон таёғини анъанавий равишда топширадилар. Бу азалий удум авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Қизилқум фарзандларига чўпонлик касбининг сир-асрори болалиқдан таниш. Улар ақлини таниган пайтдан бошлабоқ беихтиёр ота-оналарининг ёрдамчиларига айландилар. Сермашаққат, аммо шарафли касб оғир чўл шароитлари ана шунини тақозо этади. Шундай бўлса-да, кекса чорвадор Турдимурот оға ўнлаб йиллар мобайнида ўзига садоқатли ҳамроҳга айланиб қолган чўпон таёғини ўғлига топширишдан аввал у билан обдон сўхбатлашди:

— Уғлим, ёшликда мен учун чўпонликдан бошқа йўллар берк эди. Сендаги ўрта маълумот қайда эди дейсан менда. Шунинг учун ҳам қайқи таёқни бобондан ҳаёт оқими бўйича қабул қилганман. Сенинг эса, Айтбой! йўрининг бўлак. Хоҳлаган касбни танлашинг, истаган ўқув юртида таълим олишинг мумкин. Балким шундай қиларсан-а?

Отаси, ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини бошдан кечирган, тажрибали чорвадор Айтбойга шу сўзларини айтгандан буён қарийб ўттиз йил вақт ўтди. Уғил ҳеч нарса демасди ўшанда, жийламай қўйди холос. Айтбойнинг ана шу табассуми кўп нарсани ифода этарди. Илк болалиқдан то балоғат ёшигача энг бахтиёр онлари яйловда, отасига ёрдамлашган пайтлари эканлиги, бугун эса отадан чўпон таёғини қабул қилишга шай турганлиги, қарори қатъийлигини унинг юз-кўзларидан уқиб олса бўларди.

— Уғлим, сенга айтадиган бирор бир янги сўзим йўқ. Ишимиз қанду асал эмаслигини яхши биласан.

— Албатта! Шунинг учун ҳам ўзимга ишоналман. Ёнимда сиздек тадбиркор мураббий ва ёрдамчи бор-ку, ота, ҳар қандай машаққат ҳам чекинмиши шубҳасиз.

— Шундайликка шундайку-я, лекин чўпон меҳнати ўзини қадрлашни ёқтиради. Чўпон ўз касбига чексиз садоқатли, бутун вужудини, фикри-зиқрини, қалб муҳаббатини унга бағишлаши лозим. Аксинча, ишингдан на ўзингга, на одамларга наф бўлади.

— Буни ҳам тушунаман. Мени бекорга чўчитаяпсиз, ота.

— Мен сени чўчитаятганим йўқ. Ҳаётда бир марта бир умрга айтишим зарур бўлган оталик ўғитини сўзлаяман холос. Бу сўзларга бефарқ бўлмасанг дейман, меҳнатнинг — оғирлигини, ўғлим. Менинг бундан кейинги ҳурмат-этиборим ҳам ана шунга боғлиқ бўлишини ёдингдан чиқарма, ўғлим. Кейинчалик, бекор институтга бормабман, бирор бир соҳада бош мутахассис бўлиб, тинчгина юрардим, деб пушаймон қилмагин, дейман-да.

— Менимча, ота, умумхалқ ишига чинакам ҳисса кўшган, ҳалол меҳнати, эл-юрт томонидан эъзоланган кишиларимиз чинакамга бош мутахассислардир. Масалан, мана, сизга шунча иззат-ҳурмат бекорга билдирилмаётгандир-ку...

Айтбой Турдимуротов сохвос чорвадорлари йиғинида муносиб кишидан чўпон таёғини қабул қилиб олди. Отасининг отарида мураббий бўлиб қолиши эса, унинг кучига куч қўшди. Келгуси меҳнат зафарларига ишончини оширди. Унинг мустақил меҳнат фаолиятини бошлаган даврдаги энг унутилмас, қувончли воқеалардан яна бири шу бўлдики, бир неча йилдан буён кўз остига олгани, синфдоши Ширингул ҳаётда йўлдош бўлишга розилик берди. Уларнинг тақдирини бир умрга боғланди. Ташвиш ва секинларга эш йиллари биргаликда сурув ортида ўтказишди. Ҳозир Айтбой Турдимуротовдан қорақўлчиликда эришган катта ютуқларининг бош омилни тўғрисида сўрасангиз, кўп ўйлаб ўтирмасдан жавоб қилади.

— Мулоҳаза қилиб кўринг: севган касбимни танладим, дастлабки кунлардан оқ сеvimли кишилар билан ҳамнафас бўлдим. Шундай бўлгач, ҳар қандай киши ҳам истаган ниятига эришиши шубҳасиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳамма гап касбга муҳаббатда экан. У кишига битмас-туғамас куч-қудрат, ғайрат-шижоат бағишлар экан.

Тадбиркор чорвадорнинг ҳаққоний дил сўзларини тинглар эканмиз, жамоат чорвачилигини ривожлантириш йўлидаги самарали меҳнатлари эвазига олган орден ва медаллари ҳақиқий фидокорликдан гувоҳлик беришини яна бир бор юракдан туямиз.

— Ҳа, бизнинг меҳнатимизни юксак қадрлашди, оддий сахро заҳматкашлари ана шундай эъзозда, — дейди соддадил сўхбатдошимиз кўнгил кечинмаларимиздан бохабардек.

Сўхбат мавзуси ҳамон касб маҳорати, чўпонликнинг ўзига хос сирлари ҳақида боради.

— Касбимизнинг сирлари ҳар бир чорвадорга яхши аён, — дейди яйлов баҳодирини. — У ҳам бўлса ишда ўзининг аямаслик.Қайси чўпон ҳам тунда бир соатгина ортиқча ухлашни орзу қилмайди, дейсиз. Еки бир кеча қўйларни умуман яйловга чиқармаслик ҳам мумкин. Ким ҳам билиб ўтирибди. Бизни бекорга «яйлов баҳодирлари», «сахро хўжайинлари» дейишмайди-да. Бас шундай экан, қорақўлчилик тақдирини бизга ишониб топширишбидими, ана шу ишонччи оқлашимиз, қўйларни кўз қорачиғидек асрашимиз, меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишимиз лозим. Бунинг учун эса зарур бўлса ҳузур-ҳаловатдан ҳам кечигга тўғри келади.

Шу ўринда кичиккина изох беришга тўғри келади. Сўхбатдошимиз камтарлик билан «зарур бўлса» дедию аслида ҳақиқий чўпонда йил-ун икки ой тиним бўлмаслигини айтмади. Қорақўлчиликда «мавсум ораси» деган ибора йўқ. Ундаги ҳар бир мавсум бири-бирдан масъулятли, бири-бирини давом эттиради. Яқуний натижа ҳам шунга яраша бўлиши табиий. Уйлаб кўринг, озуқа жамғариш тугаши билан урчитиш мавсуми бошланади. Сўнгра қишлов, тўл олиш мавсуми...Яна ҳаммаси бир бошдан такрорланаверади.

— Айтбой Турдимуротов — тўртинчи ферманинг олди чўпони. Ҳозир унинг отари Оймирза кудуғида қишламоқда. Қўйларининг ҳолати кўзни қувонтира-

ди. Айниқса, кўкламда кўзилайдиган совлиқлар алоҳида меҳр билан парваришланмоқда.

Тадбиркор чорвадорнинг эътироф этишича, бу ерда унумли меҳнат қилиши учун барча шароитлар етарли. Чўпонларнинг уйи, ёзда ўтов, қўйлар учун замонавий кўра-кўтонлар... Чорвадорлар турмуши йилдан-йилга яхшиланмоқда. Иш ҳақи етарли даражада, моддий қийинчиликлар ҳам йўқ эмас... Тўғрисида, қанд, гуруч, ун сингари маҳсулотлар ҳозир ҳамма жойда ҳам тақчил.

У — катта оиланинг бошлиғи, саккиз фарзанднинг отаси. Тўнғич ўғли олий ўқув юртини тугатиб, совхозда бош энергетик бўлиб ишлаб келмоқда.

— Айтбой оға — бизнинг машъалимиз — дейди, «Мингбулоқ» совхоз директори Аҳмад Авдбергеров. — Ҳеч қачон, энг оғир келган йилларда ҳам ҳар юз бош совлиқдан 140 дан кам кўзи олмаган. Ҳозирги пайтда 650 бош кўй боқаяпти. Баҳорда кўзи олишда энг юқори кўрсаткичга эришиб, уларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдиради. Уз меҳнат фаолияти даврини 20 мингдан ортиқ соғлом кўзи олишга, 10 минг донадан ортиқ тери тайёрлашга муваффақ бўлди. Бу эса бутун бошли бўлимнинг бир йиллик маҳсулотидан ҳам ортиқдир.

Пешқадим чорвадор тез-тез мактаб ўқувчилари билан учрашиб туради. Ана шундай ўқувчиларда битирувчиларни чўпонликнинг оғир, шарафли сўқмоқларига тақлиф этар экан, унинг нақадар масъулятли эканлигини ҳеч қачон яширмайди.

— Чорвадор меҳнати — жуда мураккаб. У фақатгина мустаҳкам иродали, жасур кишилариникина тан олади. Халқимиз учун нихоятда зарур бўлган чорвадорлик касбини эгаллашга, порлоқ уфқларга элитувчи янгидан-янги сўқмоқлариникини очигга тайёрми-сиз? — дея муурожаат қилади у битирувчи синф ўқувчиларига...

Қизилқум бағридан қайтар эканмиз, худудсиз яйловлар бағрида дуркун қўй-қўзилар ёйилиб юрганини кўриб кўзимиз қувонади. Хув, олисдаги барханлар қўйида турган оқ ўтовга яна бир марта кўзимиз тушади. Бу оқ ўтовда неча-неча баҳодир чўпонлар туғилиб, улғайганили хаёлимиздан ўтади. Бу оқ ўтовлар эзгулик, тўкинлик ва баракат тимсоли бўлиб кўринади.

Абдусайд НУРБОЕВ

ҚАЙГА ГУМДОН БЎЛДИ?

Ариқларнинг суви қуриб битмаган, Ширинликлар ғойиб бўлиб кетмаган, Магазиннинг молини ер ютмаган, Ҳамма нарса қайга гумдон бўлди кўп? Ҳар қадамда воситачи дўконлар, Нарх-навис кўкка қараб диконлар, Савдолашар ишбилармон акамлар, Ақчалардан уйган хирмон бўлди кўп. Молингизни ўзингизга пуллаган, Гуноҳини, савобини билмаган, Ҳаром пулдан сира ҳазар қилмаган, Ноинсофу ўғри чандон бўлди кўп.

Кундан кунга бойлар бойиб бормоқда, Бундайлардан кўплар қойиб бормоқда, Пулимиз кўп, санагаймиз бармоқда, Чайқовчининг ови ҳар ён бўлди кўп. Келақолсин дориламон замонинг, Яши қолсин, ҳеч бўлмасин ёмонинг. Бутун бўлсин эътиқоду имонинг Бу шундайин ғавго замон бўлди кўп.

Ўғил ШАМСИЕВА,
Қазармон она

Сарносие

Узбекистонда саводсизлик ва чаласаводликни тугатиш асримизнинг 20-йилларида ҳам, 30-йилларида ҳам Шўролар ҳокимияти олдидаги ижтимоий-маданий вазифаларнинг энг муҳими ҳисобланиб келинди.

Аслида маданий инқилобнинг бир қисми бўлган саводсизлик ва чаласаводлик қандай тугатилган? Шу жараённинг ўзи қандай сценарий асосида ташкил этилган? Ҳақиқатан ҳам халқимиз саводсиз ва чаласавод бўлганми? Яқин вақтларга қадар барча дарсликларда, илмий адабиётларда, фирма ва идоралари ва шўро ҳукумати томонидан эълон қилинган ҳужжатларга маълумотномалардан, Ўзбекистон аҳолиси ёппасига саводсиз ёки 1, 1,5 фоиз саводли, деган таҳрирли рақамлар келтирилди. Агар инқилоб бўлмаганда Ўзбекистонни саводхон мамлакатга айлантириш учун 4500 йил керак, деган чўпчакларни тўқиб чиқаришди. Ҳатто ўша инқилобдан олдин ҳар бир маҳалла ёки қишлоқнинг ўз мактаби, масжиди домласи, отинийиси бўлган ўлканинг ҳалқини, шаҳарларида бир неча ўнлаб мадраса (фақат Бухоро шаҳрининг ўзида 90 дан ортиқ мадрасалари бўлган халқни, жаҳонга машҳур маърифатпарвар алломаларни вояга етказган халқни ёппасига саводсиз ва маданиятсиз халқ деб ҳақоратлашгачи бордилар. Саводсиз, чаласавод, маданиятсизмида, деган саволларга жавоб топиш учун 20- ва 30-йиллардаги маданий ва ижтимоий жараёнларни тафаккур тарозисидан яна бир қарра ўтказишга тўғри келади. Шўро ҳукумати 1919 йилнинг 23 декабрида «Саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди ва бунинг учун «қураш» бош-лаб юборилган эди. Бундан кузатилган асосий мақсад аҳолига ўқий оладиган, ёза оладиган даражада алифбо саводини беришдан иборат эди.

Жумҳуриятимиз халқларини ёппасига саводсиз ва чаласавод деб эълон қилиш сиёсатининг асосини буюк давлатчилик шовинизми этиёти, кичик миллатларни камситиш, уларнинг эътиқоди, миллий ва инсоний ҳуқуқларини поймол қилиш, ҳукмронлик сиёсатини мустақкамроқ ўрнаштириш, доимо қарамликда сақлаш каби ғаразли мақсадлар ташкил этган эди. Бу қабихона мақсадни амалга оширишнинг маънавий асосларини ўйлаб топиш ва ишлаб чиқиш лозим эди. Шу мақсадни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли халқимизнинг минг йиллардан бери мавжуд бўлган ва бутун ўтмиш тарихи, маданияти, маънавиятини ўзида акс эттирган ёзувини бекор қилиш эди. Тўғри, араб алифбосини ланъатлаган, янги лотинлаштирилган ўзбек ёзувини мактадан, кўйларга кўтариб тараққиёт йўлига бошловчи, Европа ва жаҳон илми билан боғловчи восита сифатида тарғиб ва ташвиқ қилишлар ҳам бўлди. Аммо бу ҳаракатлар Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган энг хато сиёсати бўлди ва у халқлар маънавиятига энг қаттиқ маънавий зарбаси бўлди. Бу аслида — кеңирилмас, оқибатларини тугатиб бўлмас сиёсат эди. Ана шу тариқа Ўзбекистон ССР МИҚ 1928 йилнинг августда «Янги ўзбек ёзувига ўтиш тўғрисида» қарор қабул қилди ва янги алифбога ўтишни тугаллаш мuddатини 1930 йилнинг охири деб белгилади. Бу тадбир Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти ленинча миллий сиёсатининг тантанаси сифатида улуғланиб келинди.

Ўзбекистон ҳукумати ва К(б)П МКнинг СССР ҳукумати, ВКП(б) ҳамда ВКП(б) Урта Осиё бюроси тавсияси билан чиқарилган бу омадсиз қарор асосида янги турк алифбосининг жорий қилиниши Ўзбекистон ва Урта Осиё халқларини 99 фоиз эмас, балки 100 фоиз саводсиз халққа айлантириб қўйди. Бу тадбирнинг 20-йиллар охири, 30-йиллардаги иқтисодий танглик ва очарчилик йилларида ўтказилиши халқимизга жуда оғир моддий юк бўлиб тушди. Чунки бу тадбир жуда катта маблағларни талаб этар эди.

Мавжуд алифбонинг бекор қилиниши, янги алифбонинг жорий қилиниши, саводсизликни тугатиш вазифасини енгиллаштиришга эмас, уни янада мурракблаштиришга, кийинлаштиришга хизмат қилди. Бу ишни ўтказиш учун жуда катта ташкилий, иқтисодий, гоғайий ва маънавий воситаларни ишга солишга тўғри келди. Янги алифбо асосида биринчи навбатда ўқитувчилар тайёрлаш, дарсликлар, турли адабиётлар, ўқув дастурлари ва режаларини тузиш лозим эди. Янги алифбога ўтишга тайёргарлик олдиндан бошланган бўлиб, Ўзбекистон ССР МИҚда Й. Охунбобоев раислигида Янги Узбек Алифбоси (ЯУА) Марказий Қўмитаси ташкил этилди. Бутун ташкилий ишларни шу қўмита ўз зиммасига олган эди.

Саводсизлик қандай келиб чиқди?

Жумҳурият аҳолиси лотинлаштирилган янги ўзбек алифбосини, кўпгина адабиётларда таъкидланганидек, кўтаринки руҳ ва катта иштиҳа билан кутиб олмаган эди. Аксинча, янги алифбога зиёлилар салбий муносабатда эдилар. Бу ҳақда «Правда Востока» рўзномаси қуйидагича ёзган эди: «Жуда кўп масъул ходимлар ва раҳбарлар янги алифбода мутлақо саводсиздирлар (таъкид бизники — Т. Р.). Уларнинг ҳаммаси катта тажрибага эга бўлган фирма аъзолари. Уларнинг ҳаммаси узок йиллардан бери масъул вазифаларда ишлаб келмақдалар. Уларнинг ҳаммалари араб алифбосини аъло даражада биладилар. Уларнинг айримлари рус тилидан ҳам саводлидирлар. Улар ўз она тилидаги янги алифбони ўрганмайдилар»¹.

Араб ёзувини лотинлаштирилган ўзбек ёзувиге алмаштиришнинг сабаби: «маданият қуроли ҳисобланган бизнинг алифбосим шу даражада ўтмас ва ярамаски, унинг ёрдамида умумий саводликка эришиб бўлмайди», деб кўрсатилган эди УЗССР ХК-сини тезисларида. Тагида замини бўлмаган бу сабаб қанчалик асоссиз, қанчалик нотўғри эканлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. Лотинлаштирилган янги ўзбек алифбосини ўрганишни истамаган ва қадимий алифбо тарафдорлари бўлган Қодирий, Боту, Фитрат, Чўлпон ва кўплаб олимлар «арабчилар»га, кейинчалик эса «халқ душманлари»га чиқарилдилар.

Янги ўзбек алифбосини ўрганиш мажбурий бўлиб, алифбосини ўрганишни истамаган кишилар эса «саводсиз» деб эълон қилинган. Айниқса танқид кўпроқ янги алифбосини ўрганмаётган раҳбарларга қаратилган эди. Масалан, Енгил савоат халқ комиссари Екубов, Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Холтош Мухаммедов, Тошкент шаҳар Шўролар кенгаши раиси Иброҳимов, Тошкент шаҳар Сталин ноҳия Шўролари раиси Илёсов, «Уртоқ» қандалот фабрикасининг директори Саидов, Ўзбекистон Молия халқ комиссарлиги масъул ходими Қудратилла Исмоиловлар янги алифбони ўрганмай «унутилган», «ярамас» алифбо асосида ишлаётганликлари учун қаттиқ танқид остига олинган эдилар.

Янги ўзбек алифбосини ўрганиш ва эски алифбодан воз кечиш шу даражада қаттиқ назорат ва таъкиб остига олинган эдики, ҳатто кишилар эски алифбода имзо чекишдан қўриқиб, бармоғини босиб қутулар эди. Ҳамма соҳада бўлганидек, янги турк алифбосини жорий қилиш ҳам кампаниялаштирилган эди. Олдинги ҳисоб-китобларга кўра, ҳукуматнинг дастлабки қарориди янги турк алифбосини тўла жорий қилиш мuddати 1932 йилнинг 31 декабри деб белгиланган бўлса, кейинчалик бу мuddат икки йилга қисқартирилиб, 1930 йилнинг охири деб белгиланди ва ўша йил учун 400000 сўм маблағ ажратилди.

Саводсизликни тугатиш учун ҳаммаси бўлиб икки йилга тўрт ой вақт ажратиб берилган эди. Табикики, бундай қисқа мuddатларда жумҳуриятда бу вазифани бажариш амри маҳол эди. Бунинг устига, ўқитувчиларнинг етишмаслиги, мактаблар учун биноларнинг деярли йўқлиги, дарсликлар, ўқув қуролларининг йўқлиги бу вазифани белгиланган мuddатларда бажариш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда эди. Шовша-шошарлик, аниқ ҳисоб-китобларнинг йўқлиги, рақамлар орқасидан қувиш бу соҳада сохта маълумотлар пайдо бўлишига олиб келди.

Тошкент шаҳар касабалар ўшмаси шаҳардаги 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган бутун ишчилар орасида саводсизлик ва чаласаводликни Улуғ Октябрь инқилобининг 13 йиллиги кунига тугаллаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундай кулгили, бажарилиши мумкин бўлмаган қарорни қабул қилиш, беш йилликлар даврида кенг тус олган эди. Саводсизлик ва чаласаводликни тугатишнинг ҳақиқий аҳолини, унинг

қандай амалга оширилганлигини ўша давр жамиятининг энг илгор қисми ҳисобланган коммунистлар ўртасида қандай амалга оширилганлигидан билиш мумкин. Айрим фирма ташкилотларида алифбо саводсизлиги 50 фоиздан ошқ бўлгани ҳолда, ўқишларни тўхтатиб қўйган эдилар. Шахрисабз фирма ташкилотиди—60,6 фоиз, Юқоричирчиқда—62 фоиз, Ҳазораспда—66 фоиз, Чустда—65 фоиз, Ғузорда—37,4 фоиз, Булунғурда—37 фоиз фирма аъзолари алифбо саводига эга эмас эдилар¹. Республика ҳукумати ва фирма ташкилотлари ишининг бундай аҳолини ҳисобга олиб, саводсизлик ва чаласаводликни тугатишни биринчи беш йилликнинг охирига келиб тугаллаш тўғрисида яна қарорлар қабул қилишга мажбур бўдилар. Аммо бу қарорлар биринчи беш йиллик охирида ҳам бажарилмай қолаверди.

1934—1935 ўқув йилида Ўзбекистонда 481914 саводсиз, 177131 чаласавод рўйхатга олинган бўлиб, шундан 416594 киши саводсизликни тугатиш мактабларига, 162525 киши чаласаводликни тугатиш мактабларига жалб қилинган эди. Лекин барча тадбирларга қарамастан саводсизлар сони ортиб бориб, 1936 йилда Ўзбекистонда 500000 саводсиз, 202000 чаласавод борлиги қайд қилинган.

Жумҳуриятда саводсизлар ва чаласаводлар сонининг йилдан-йилга камайиб бориш ўрнига кўпайиб бориши, гарчанд, бу соҳага анчагина маблағлар ажратилиши, ўқув ишларининг йўлга қўйилишига қарамай, жойларда фирма ва шўро идораларининг саводсизлар ва чаласаводлар ҳақида аниқ маълумотларга эга эмасликлари, ишни мутлақо қониқарсиз ташкил этганликларидан далolat беради. Кўп ҳолларда кишилар бу мактабларга расман, ташкилотларнинг рўйхатларидан номмагина ўтиш учун келиб кетар, саводсизликни тугатганлиги ҳақидаги номга эга бўлар, аслида эса саводсизлигича қолаверар эдилар. Мактабларда ўқиш асосан мажбурий бўлиб, ўқишдаги ихтиёрлиқ қўпол суратда бузилган эди. Ўқитувчиларнинг услубий малакалари паст, саводсизлик ва чаласаводларга таълим бериш йўлларини яхши эгаллаб олмаган тажрибасиз кишилар эдилар. Шундай шеронда жумҳурият ҳукумати саводсизлик ва чаласаводликни тугатишини 1936 йилда тугаллаш тўғрисида яна қарор қабул қилди. Афсуски, бу қарор ҳам қуйидаги сабабларга кўра бажарилмади. 1936 йилда мўлжалланган 500000 кишининг саводсизлигини тугатиш учун Иттифоқ Режа қўмитасининг тавсияси билан маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳар бир киши учун 5 сўмдан 425 минг кишига; 75 минг кишига маданий юришлар ҳисобидан ҳар бир кишига 3 сўмдан; чаласаводликни тугатиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 202000 кишининг 162000 нафарига ҳар бир киши учун 20 сўмдан ва 40000 киши учун маданий юриш бўйича ҳар бир кишига 3 сўм 75 тийиндан ажратилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Юқоридаги ҳисобларга кўра, саводсизликни ва чаласаводликни тугатиш учун 15.858 минг сўм маблағ талаб қилинар эди. 1936 йил учун эса саводсизликни тугатиш тадбирига Ўзбекистон Молия халқ комиссарлиги ҳаммаси бўлиб 9.456 минг сўм ёки 6.402 минг сўм кам маблағ ажратди.

Шуниси таяжубублики, республика ҳукумати ва коммунистик партияси деярли ҳар йили саводсизлик ва чаласаводликни тугатиш тўғрисида охириги мuddатларни белгилаб, қарорлар қабул қиларди, лекин барча қарорлар қоғозда қолиб кетаверарди. Сонсаноксиз амалий-ижобий аҳамиятга эга бўлмаган бу қарорлар ижтимоий ҳаёт билан мутлақо боғлиқ бўлмаганлиги учун, марказдан келадиган топшириқлар асосида кўр-кўрона қабул қилинганлиги сабабли ҳар гал бажарилмасди. Шу боисдан, 1937 йилда фақат

¹ «Правда Востока», 1933, 14 март.

¹ «Коммунист», 1933, 8-сон, 57—59-бетлар.

Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида 40.000 саводсиз ва 70.000 чаласавод қайд қилинган эди.

Ўзбекистонда Россиянинг марказий саноат районларидан ишчиларнинг оқиб келиши, қишлоқлардаги деҳқонлар ҳисобидан ишчилар синфининг сонини сунъий равишда кўпайтириб бориш йўлидаги тадбирлар бу масалани янада чигаллаштириб юбораётган эди. Муттасил бажарилмай, қоғозларда қолиб кетган бу қарорлар кўрсатмалар ва топшириқларни бажариш учун ғайри қонуний, маъмурий зўрлаш, мажбур қилиш усулларидан кенг фойдаланилган. Ўзбекистон ССР Шўролар МИҚ раёсати 1938 йилнинг 14 апрелида жумҳурият прокурори (Шейнлин)нинг Мирзачўл ноҳиясида саводсизлиқни тугатиш ишини ташкил эта олмаган қатор кишиларни жиноий жавобгарликка тортиш талабини маъқуллади. Айрим ноҳияларда саводсизлик ва чаласаводлиқни тугатиш ишида тарғибот, ташвиқот ва тушунтириш ўрнига нуқул маъмурий-мажбурий чоралар қўриш авж олиб кетган эди. 1937 йилнинг 5 февралда Янгйқўрғон ноҳия Шўролар Ижроия Қўмитаси ўз йиғилишининг қарори билан саводсизлиқни тугатиш мақтабларига бормаган ҳар бир кишидан 5 сўмдан жарима ундириб олиш тўғрисида кўрсатма берган. Аммо бу тадбирлар ҳам саводхонлик борасида ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олмаётган эди. Саводсизлар сони эса муттасил ошиб бораверди. Масалан, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлигининг 1939 йилги маълумотномасида саводсизларнинг сони 700998 рақамини кўрсатиб турибди.

Жумҳурият аҳолиси лотинлаштирилган янги ўзбек алифбоси асосида тўла саводхон бўлмай туриб, яна янги бир алифбога — рус ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига ўтишга қарор қилинди. Ўзбекистон К(б)П МК ва ХКСнинг топшириғи билан собиқ

А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий тадқиқот илмоҳида кирилл ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосининг лойиҳаси 1939 йилдаёқ тайёр бўлган эди.

Ўзбекистон ССР ХКС ВКП(б) МК ва СССР ХКС га махсус мактуб билан мурожаат этиб, янги алифбога ўтишнинг барча ташкилий тадбирлари ниҳоясига етганлигини ва янги алифбога ўтишга рухсат беришни сўраган эди. ВКП(б) МК ва СССР ХКС Ўзбекистон ҳукуматининг талабини қондириб, 1940 йилнинг 1 июлидан янги алифбога ўтишга, 1 сентябрдан бошлаб эса ўқув юртларида янги алифбони ўрганишга рухсат берди. 1940 йилнинг 7 январидан бошлаб Т. Қори-Ниёзий раислигидаги янги алифбога ўтишнинг ЎзССР ХКС комиссияси ўз ишини бошлаб юборди. Ана шу тариқа яна бир янги ўзбек алифбоси пайдо бўлган эди. Шундай қилиб, ўзбек халқи яна бир марта ёлпасига саводсизга айлантирилди. Жуда мураккаб бўлган, шаклланиши юз йилларни талаб этадиган алифбо Ўзбекистонда жуда осон ва бот-бот алмаштириб борилди. Бу ўйин ким томонидан, қандай мақсадларда амалга оширилганлиги ҳозирги кунда ҳаммага аён.

Ўзбекистон К(б)П МК ва Ўзбекистон ҳукумати амалга оширган, олдинига мақталган, араб алифбосидан ўзининг ҳар томонлама устунлиги билан фарқ қиладиган, ҳамма учун ўрганишга қулай бўлган, жаҳон ва Европа адабиёти ва фанига йўл очиб берган, лотинлаштирилган, ҳали эскирмаган янги ўзбек алифбосидан воз кечиб, рус ёзуви асосидаги янги алифбога ўтиш сиёсати ғайритабиий, асосланмаган, хоинона сиёсатдан бошқа нарса эмас эди.

Қисқа давр — ўн йил ичида икки янги алифбонинг жорий қилиниши ҳеч қандай иқтисодий қонуниятларга тўғри келмайдиган, неча йиллар давом этган ин-

қилоблар, фуқаролар урушлари натижасида вужудга келган иқтисодий танглик, ҳўжалик вайроналиклари, қулоқларни синф сифатида тугатиш жараёнининг ижтимоий оқибатлари шароитида жумҳурият халқлари учун ҳам маънавий, ҳам моддий оғир зарба бўлиб тушган эди.

Навбатдаги алифбога ўтиш кейинги ўн йилликда яратилган маънавий бойликлардан яна бир воз кечишга олиб келди.

30-йилларда жумҳуриятда саводсизлик ва чаласаводлиқни тугатиш борасида халқимизнинг жуда катта маблағлари сарфланди, минглаб зиёлиларнинг оғир меҳнати натижасида саводхонлик ва зиё тарқатишда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Халқимиз 40-йилларга янги алифбони ўзлаштириш, барча аҳолини саводхон қилиш, дарсликлар, адабиётлар, бутун матбуот ва нашриёт воситаларини янги алифбога мослаштириш билан қадам қўйди.

Бугун Ўзбекистон ҳур, мустақил давлат сифатида дунё мамлакатлари билан бир сафда бораётган ва шу билан бирга, қийин иқтисодий тараққиёт шароитларида, яна лотин алифбосига ёки араб алифбосига қайтиш тўғрисида мунозаралар авж олиб бораётган бир даврда 30-йилларда маданий ҳаётимизда йўл қўйилган хатолар, бой берилган имкониятлар ўзбек алифболари ҳақидаги «тажриба»лар ҳақида яна бир марта ўйлаш, унинг сабоқларини яна бир гал эслаш, халқимизнинг «етти ўлчаб бир кес», деган мақолига амал қилиш фойдадан холи бўлмас эди.

Тошпўлат РАҲМОНОВ,

Бухоро Давлат университети ўқитувчиси

ЖОЗИБА, САДОҚАТ, МУҲАББАТ

Вероника Кастро — ҳозирги жаҳон кино санъатининг энг ёрқин юлдузи, десак янглишмаган бўламиз. Мексикалик кинематографчилар яратган, кўп қисмдан иборат «Бойлар ҳам йиғлайди» бадий фильмидаги Марианна ролини ижро этиш санъаткорга оламшумул шон-шўхрат келтирди. Таниқли спортчилар, эстрада юлдузлари ҳам Марианначалик доврўг қозонолмаган. Жаҳоннинг кўпгина халқлари келишган қадди-қоматли, истараси иссиқ, ғоят иқтидорли саҳна, экран ва ҳаётни бир-бирига уйғунлаштириб юборган санъаткорни севиб қолишди. У бош ролни ижро этган фильм дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатларининг телевидениеси орқали намойиш қилинди. Бу эса қутилганидан ҳам зиёда ютуқ ва омад келтирди.

Ўзбекистонлик киносеварлар ҳам «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмининг Россия телевидениесининг кўрсатувлари орқали бир йилдан ортиқ вақт давомида томоша қилдилар. Мураккаб оилавий ихтилофлар, севги, вафо, яқин кишиларнинг бир-бирига муносабати мавзусига асосланган бадий асарнинг ҳар бир қисмини томошабинлар орзиқиш ва ҳаяжон билан кўтиб олдилар. Кўпгина ҳаёсиз ғарб фильмларидан кескин фарқ қиладиган бу фильм барча миллатлар учун бир хил қабул қилинди. Чунки фильм воқеалари, асосий ғояси барча халқлар учун қадрли бўлган садоқатни, чин муҳаббатни, энг юксак ахлоқий қондаларни тараннум этади.

Айниқса юксак маҳорат билан ижро этилган Марианна образи томошабинда ёрқин таассурот қолдиради.

Ҳозирда Мексика телевидениесининг мусиқали кўрсатувларида бошловчи бўлиб ишлаётган Вероника Кастро Марианна образи билан миллионлаб кишиларнинг қалбини забт этди. Уларнинг қалбида севги ва вафо рамзи бўлиб қолди.

Инсониятни, тириклик ва наботот оламини бири бири билан сеҳрли жозоба, ботиний муҳаббат, таржимасиз садоқат, кўзга кўринмас меҳру муҳаббат чамбарчас боғлаб туришга Вероника Кастро кўр-гач ишонч ҳосил қиласиз.



Сўнги йилларда собиқ Совет Иттифоқида тоталитар режим барҳам ёб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон (Туркистон)даги беш республика ўз истиқлолини қўлга киритганидан сўнг бизнинг жонжон оюртимиз — мустақил Ўзбекистонда ҳам ўтмишдаги ўта бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва миллий маданий-маънавий меросимиздаги энг яхши, илгор умуминсоний, ахлоқий ва диний-маънабий қадриятларимиздан ҳаққимизни баҳраманд эйтиш имкониятига эга бўлди.

Шу йрнда Президентимиз И. А. Каримовнинг Шаароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағиш-лаб 1992 йил ноябрь ойида Жиззахда ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқидан қуйидаги сатрларни муҳтарам ойнома муштарийларига яна бир бор эслатмоқчимиз:

«Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти тўғайли ҳаққимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Улугбек каби юзаб улуг зотлар асос солганлар. Бобаконларимиз — Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фазр билан тилга оламиз. Улуг боболаримиз Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Баҳовуддин Нақшбанд руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бузун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи, диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади».

Муаллиф муфтий ҳазратлари «Имон»нинг кириш қисмида тўғри татқиқлаб ёзганларидек, биз Исламни қандай тушунамиз, унинг арконларини нечоғли тўғри-талқин қиламиз ва биланларимизни нечоғли ҳаётга тўғри тадбиқ этга оламиз — ҳаммаси шунга боғлиқ! Бунинг учун эса Ислам дини, унинг фалсафаси, диний эътиқод қадриятлари ҳақиқатга тасавури-мизни кенгайтирмоғимиз зарур. Буларнинг бари ки-шилардаги энг инсоний қўдрат бўлишни имондан бошланади, имонга келиб қолади, энг эзгу фази-латлар имонли қалблар майдонига қўйилади.

160 бетлик мажмур китоб кириш, Исламнинг пайдо бўлиши, Муқаддас китоб Қуръон ва табиий ҳодиса-лар, Аллоҳнинг борлигига ишонишга қодирлик, Қуръон ва илм, Қимга ва нимга сўнгиниш лозимлиги, Руҳ ҳақиқати, Қуръон ва ахлоқ, Ислам ва дунёвий фан ҳамда тоғима каби қисмлардан иборатдир.


Миллион йиллар давомида башариёт тамаддуни жараёнида пайдо бўлган динларнинг энг сўнгисини, энг инсонийсини, амну амон, осойишталик дини, қатлу қаттолликни, талон-тарожликни ва хунрезликни қатъийан манъ этган дин, биродарлик, ҳамжизатлик, келишувчилик дини бўлган бизнинг мубин Ислам динимиз Қаломулло (яъни Оллоҳнинг муборак сўзлари) Қуръони мажидда мукаммал дарж бўлган. Қуръони шарифнинг нозил бўлиши жараёнини муҳ-тарам муаллиф муфтий ҳазратлари қуйидаги ҳа-жонли сатрларда алоҳида эҳтирос ва меҳр-муҳаббат ила тасвирлайдилар: «Макка. Хиро гори. Пайгам-баримиз Муҳаммад алайҳиссалом ёлғиз ибодат қил-моқдалар. Шу чоғ «Иқро» сурасининг айрим оят-лари нозил бўла бошлади. Бу Қуръони карим тавал-лудининг аввали эди! Қуръон шу тариқа Аллоҳ таоло томондан ўз бандаларига иноят этила бошланди! Таъбир жоиз бўлса, Қуръоннинг таваллуди 23 йил баъдаида давом этди.

Қуръон суралардан иборат. Сура — Қуръоннинг бир бўлаги, у уч ёки ундан ортиқ оятни ўз ичига ола-ди. Қуръонда 114 сура бўлиб, ҳар бирининг ўз атама-си бор. Баъзи сураларнинг аталishi унинг дастлабки сўзларидан олинган. Айримларининг эса мажмур сурада кўпроқ зикр этилган нарсаларнинг номига қўйилган.

Қуръон суралари икки қисмга бўлинади: 1. Пай-гамбаримизнинг эл-жрат қилишларидан муқаддам но-зил бўлган суралар («Мақкий суралар»), яъни «Мак-када нозил бўлган суралар» дейилади. 2. Хижрат-

дан сўнг нозил бўлган суралар — «Мадиний сура-лар», яъни Мадинада нозил бўлган суралар.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиб-ёзишни билмаганлар. У киши Қуръон оятларини фаришта-лардан эшитиб, ёд олганлар ва шундан сўнггина мусулмонларга ўқиб эшиттирганлар. Уша кезларда



саводли кишилар кам бўлганидан, ёзиш воситалари тақчиллигидан кишилар вақтинчи Қуръоннинг илк сўзларини ёд ола бошлаганлар. Хат-саводни эгалла-ган Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зойд ибн Собит, Убай ибн Кааб сингари зотлар Муҳаммад алайҳисса-лом ҳузурида турмо йўстлогига, апаалоқ — яси тош-ларга, ҳайвон суяги ёғуд терига Қуръон сўзларини қайд этиб бораёлар. Пайгамбаримиз ҳар бир янги оятнинг қайси сурага таллуғли эканлигини ва йрнини дастлабки Ислом марзоларига тушутириб бер-ганлар.

Қуръон суралари шу тариқа 23 йил асносида ёд олинган ва хатга битилган».

Китобнинг «Қимга ва нимга сўнгиниш» қисмида-ги «Шаҳса сўнгиниш», «Бут ва санамларга ибодат», «Ҳавои-нафсага ибодат», «Ўтган кишиларга сўн-гиниш», «Табиий кучларга сўнгиниш», «Шабоат» каби бўлимлари катта қизиқиш билан ўқилади.

«Шаҳса сўнгиниш» деган насл ва залил одатни олиб қўрайлик. Бу ўта разил ва гайриминсоний одат-дан мутеълик, кўрқоқлик, лазабардорлик, ятоқ-ланиш, юлғичлик, олғирлик, инсон зотини менсима-дан, унинг қадр-қийматини, ҳудудини, унинг пок ва мусаббоқ номини ерга уришлик каби қатор минг бир иллатлар ҳамда нуқсонлар келиб чиқишини ҳамма-миз, энди, етмиш йиллик тоталитар режими тусатилганидан сўнг, кеч бўлса ҳам англаб, тушуниб, ҳайрат бармоғимизни тишлаб турибмиз. Бу борада муфтий ҳазратлари ёзган мана бу сатрлар муғлақо тўғридир: «Ўзимиз яшаб турган жамият тарихининг 70 йиллик тарихига назар солсак, йўл қўйилган катта иллатлардан бири — шахса сўнгинишнинг тилма-тил кўринишларининг гувоҳи бўламиз. Сталин, Хрущёв, Брежнев каби «улакан даҳо»лар, бошқа «кичик да-ҳо»лар шахсига мутеълик одати бутун-бутун халқ-ларни ўз икканжидан бўшаштирмади ва оғир-оқи-батда бу иллат жамиятни, умумтароққийетни орқага сурувчи тўғаноққа айланди. Вазоланки, Ислам шахса сўнгинишнинг муғлақо инкор этди. Шаҳса сўнгиниш Аллоҳга шак келтириш турларидан бири саналади... Қуръони карим эълон қилган улуг қондалардан бири, эгона Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиш ва ҳар қандай инсонга сўнгинишдан бот торштирди».

Муфтий ҳазратларининг ҳозирги бизнинг даври-мизда, жамиятимизда бағоят долзарб бўлган, гоят муҳим ва ибратомуз бўлган қуйидаги фикрларини гарчи бир оз узунроқ бўлса ҳам иқтибос этмасдан ило-жимиз йўқ: «Аллоҳга ширк келтиришнинг турла-ридан бири — нафе бандаси бўлишидир. Бундай ки-шилар ҳавои нафси нимани бунорса, шуни қилишга мажбурдирлар. Инсонни ўзига қўл қилиб олган ҳавои нафсининг турларидан бири мол-дунё бўлса, иккинчи-си — мансабдир. «Мол-дунё» деб атаган шафқат-сиз санам ҳозирги кунда кўпчилик кишиларнинг ақлини забт этган. Бу кишилар мол-дунё тўп-лаш учун бутун умрини сарфлайдилар. Мол-дунё деб бир-бирлари билан уришадилар, унинг йўлига кириб, айтганини қиламан, деб яратган Аллоҳ тао-лони эсдан чиқарадилар. Унинг кўрсатган йўлидан

эмас, мол-дунё кўрсатган йўлдан юрадилар.

Қуръони карим мусулмонларни доимо мол-дунё таъсирига берилмасликка ҳақиради: «Эй, имонли ки-шилар, сизларнинг мол-дунёнингиз ва бола-чақала-рингиз Аллоҳнинг зикридан қўймасин. Қимки шун-дай қилса ҳасратга мубтало бўлади» («Мунофиқун» сураси, 9-оят)».

«Имон» асарининг «Қуръон ва ахлоқ» қисми ай-ниқса алоҳида зўр қизиқиш ва диққат билан ўқилади. Маъжур қисмдаги «Бахилликнинг ёмонлиги» бўлими-ни олиб қўрайлик. Маълумки, бахиллик, кўрломас-лик ва тангизарлик каби иллатлар Инсон зотини ниҳоятда ерга уратди, бағоят таҳқирлайди, жамият тараққийетини шафқатсизлик ила бўғиб ташлайди. Энг ёмон, разил ва залил аъмол тисобланмиш бахил-лик, унинг ёмонлиги ва бакирдорлиги ҳақида муф-тий ҳазратлари асарнинг «Бахилликнинг ёмонлиги» бўлимида Қаломуллонинг муборак суралари ва оят-ларига сўянма ҳолда ёздадилар:

«Аллоҳ бахилликдан талос бўлган кишиларни на-жот топгувчилар дейди: «Қимки бахиллик ва зикна-ликдан сақланган бўлса, ундай кишилар нажот топ-гувчилардир» («Хашр» сураси, 9-оят).

Муфтий ҳазратларининг «Имон» асаридеги «Эҳ-сон» бўлимида кишиларнинг ўз ота-оналарига, яқин қариндош-уруғларига, дўсту биродарларига, туғлас, барча одамларга доимо яхшилик қилиб, ҳамшиа тайр-эҳсон қилиб яшамоқликларининг зарурлиги ҳақи-да сўз юритилади. Пайгамбаримиз Расули Акрам (с.а.в.)нинг Ҳадиси шарифларида айтулган мана бу оятни монанд заплар шу ерда беихтиёр ёдга келади: «Ота рози — Худо рози», «Отанинг даргазоб бў-лгани — Худонинг даргазоб бўлгани», «Жаннат она-изорларимиз пойлари остидадир»...

Китобнинг «Эҳсон» бўлимида ота-оналар, қа-риндош-уруғлар, етим-есирлар, биродар ва хеш-ақраболарга яхшилик қилиш, тушмуомалалик қи-лиш, меҳр-шафқат кўрсатишнинг Исламдаги беш муҳим фармойиши кўрсатилди:

1. Улардан (яъни ота-оналардан) бирор гап ўтса, малол келиб, «уф-ф» ҳам демаслик.
2. Ота-онани зафа қилдиан сўз айтмаслик.
3. Уларга доим эҳтиром ила яхши сўзлар айтши-лик.
4. Уларга доимо меҳр-шафқат кўрсатиб, ўзини улар олдида камтар тутиш.
5. Аллоҳдан уларга раҳмат тилаб, дуо қилиш.

Қуръонда ота-онадан бошқа яхшиликка сазовор кишилар ҳам айтаб ўйтулган: «Аллоҳга ибодат қи-линглар. Унга ҳеч нарсани ширк қилманглар. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, камбағалларга, оддий қўни қўйинларга, оила аъзоларинингизга яхши-лик қилинглар» («Нисо» сураси, 36-оят).

Бироқ бениқсон Парвардизорнинг ният, деганлари-дек, муфтий ҳазратларининг гоят фойдал, ҳайрли ва савобли китобларида айрим жузъий камчиликлар ва баъзи бир жумлааларда таллизлар ҳам кўзга таш-ланади. Маъжур асар яна бир неча бор қайта нашр этилишига умид қилган ҳолда уларни кўрсатиб ўтмоқчимиз. Китобнинг айрим жойларида «Қуръон-нинг тушиши» қабилидаги бирикмалар учрайди. Қуръони каримнинг Қаломулло эканлигини, унинг алоҳий асарлигини назарда тутиб «тушиши»дан кў-ра, «нозил бўлиши» десак маъқулароқ бўларди.

Ушбу тақризимизга ҳуваоа эсар эканми, муфтий ҳазратлари Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф жаноб-ларига бундан кейинги омил-манфаа фаолиятларида кўндан-кўн муваффақиятлар, сизат-саломатлик, узоқ умр орзу қиламиз. Ва тақризимизни муфтий ҳазратларининг тоғима сўзлари билан яқунлаймиз: «Мен Аллоҳ таолодан шу китобни ўқиган ҳар бир шахсга уни ўқиниш ва унга амал қилишни, муяс-сар қилишни сўраб дуо қилиб қоламан. Эслаатиб ўтмоқчиманки, бу ғайбат бошланishi, ҳали динимиз жавҳарларини яхшилаб тушунишимиз учун бундай китоблардан кўнлаб ёзилиши ва ўқилиши лозим. Тинчлик, омонлик бўлса, Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг, бу ниятларимизга ҳам эриштирувчи Унинг ўзи. Ҳаққиталоо барчамизни яхши ниятларимизга Ўзи эриштирсин. Амин!»

Ориф УСМОН,

Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидagi Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

1. Муҳаммад Солиқ Муҳаммад Юсуф. Имон. (Ислам. Қуръон, одоб-ахлоқ). Нашрга тайёрловчи Хурунд Дўст муҳаммад. Тошкент, «Қамалак», 1991 ва 1992 йиллар.

Етти хазинанинг бири

Қовурилган балиқлар жуда маззали бўлади. Аввало, инсон организмга қувват беради, қолаверса турли касаллик иллатларининг олдини олиш хусусиятига эгадир. Мана шуларни эсласак, балиқчиликни ривожлантириш қанчалик зарурлигини яна бир қарра ҳис этамиз.

Таассуфки, бугун жон таслим қилаётган Орол денгизимиз бир вақтлар бизнинг ҳақиқий балиқ захираларимиздан бири эди. Бироқ, собиқ иттифок томонидан ўйлаб топилган режалар силсиласи ўлароқ, денгиз суви билан биргаликда балиқларини ҳам йўқлик қаърига улоқтирдик.

Виргиния мисол: Улуг Ватан уруши йилларида (олдин ва кейин ҳам) собиқ Иттифок бўйича овланган балиқнинг 80—85 фоизи бечора Оролдан «ёғриб» олинганлигининг ўзи гайри табиий ҳол эди. Балким «пойтахт»да ўтирган мутахассислар Оролнинг қуриб қолишини олдиндан қўриб-билиб, у ердаги балиқларни «исроф» қилмасликни қўзлашганмикин?! Бўлмаса собиқ «империя»нинг тўртдан уч қисми сувлик билан ўралганлигини айтсангиз... Орол бир қўлмак эди-ку?! Сўнгги йилларда эса, айниқса жумҳуриятимиз мустақилликка эришганидан кейин Орол денгизининг ҳақиқий эгаларига балиқ беролмапти. Яхшиямки, Орол фожиясини аввалдан ҳис этган балиқчилик соҳаси билан шуғулланувчи илм масканлари ва у ердаги мутахассислар табиий ва сунъий қўлларда бу соҳани ривожлантириш учун отта эртарақ қамчи урган эканлар. Шунингга ҳам шукур!

Худди шундай: Ўзбекистонда бир қатор йирик табиий ва сунъий сув иншоотларида махсуддор, тез кўпаядиган балиқ турларини иқлимлаштириш ишлари бошланган эди. Бу элдинчи йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Ўша пайтда Москва вилоятининг Савин балиқчилик хўжалигидан минг бир азов билан олиб келинган 10—20 минг донача товои балиқ (кумуш крас) Каттақўрғон сув омборида ҳам урчители бошланди. У ерда бу турдаги балиқлар шароитга теда мослашиб, мўл-қўл маҳсулотлар бера бошладилар. Шу йўсинда бу балиқ тури Зарафшон воҳасидаги Қўйимозор, Тўдакўл, Махонкўл, Денгизкўл, Шўркўл каби сув ҳавзаларига ҳам тарқалди. Шу тариқа бизда балиқ овлаш ва балиқ маҳсулотлари еттиштириш имконияти яна кенгай бошланди.

1960 йилларга келиб Каттақўрғон сув омборидан овланадиган балиқлар

нинг 60—70 фоизини товоибалиқлар ташкил этганлиги ҳам унинг махсуддорлигига мисол бўла олади. Шу сабабдан товоибалиқлар Чимқўрғон, Сурхон воҳасидаги Учқизил, Жанубий Сурхон сув омборларида ҳам боқила бошланди.

Бу ютуқлар Оролдек балиқ захирасига эга бўлган жуда катта балиқчилик хўжалиги ўрнини босолмасди албатта. Янги тикланган балиқчилик хўжаликлари бу соҳада, оз бўлса-да, қўлга киритилган дастлабки ютуқлар эди ҳолос.

Иқлимлаштириш борасида олиб борилган ишлардан энг муҳими ўша йилларда Туркманистон ва Ўзбекистон жумҳуриятларига Хитой халқ республикасидаан ўсимликхўр балиқ захиранинг келтирилиши бўлди. Бу муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган улкан иш Туркманистон фанлари академияси Зоология институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлар натижаси эди. Иқлимлаштириладиган балиқларнинг турлари, уларнинг атроф-муҳитга аралашуви, хусусиятлари ҳисобга олинди.

Хўш, қайси бир ўсимликхўр балиқ нима мақсадда иқлимлаштирилди? Булар, аввало, оқ амур, қора амур, оқ дўнгпешона ва ола-була дўнгпешона балиқлардир. Ушбу балиқларни иқлимлаштиришдан асосий мақсад балиқ маҳсулотларини кўпайтириш бўлса-да, шу билан бирга мазкур турлар биомелиорация соҳасида, яъни сув ҳавзалари ва каналларни ҳар хил сув ўтларидан тозалашда қўл келди.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда асосан оқ амур ва оқ дўнгпешона кўп-лаб учрайди. Бу балиқлар сув омборларида ўртача 15—20 кило, баъзан 30—35 килогача оғирликка етиши мумкин. Ушбу балиқларнинг тез ўсиш хусусиятига эга бўлиши уларни балиқчилик хўжаликларида ўстириш жуда яхши натижалар беради.

Худди шунингдек, балиқчилик хўжаликларида зогора (қари) балигини ўстириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада шунини таъкидлаш лозимки, сазан ва қари балиқларини кўп ҳолларда икки хил тур деб ҳисоблашади. Аслида эса, улар бир турнинг иккита, яъни табиий ва маданий шаклларидир. Тез ўсиш хусусияти бу балиқ учун ҳам хос бўлиб, сув омборларимизда 5—10 кило, баъзан 15 килогача оғирликда учрайди.

Бундан ташқари бизнинг иқлим шароитимизга мослаштирилган оқ сла (су-дак) ва оқча (шарқ леш) балиги тўғрисида ҳам айрим фикрларни айтиб

ўттиш лозимдир. Оқ сла жуда тез ўсиш қобилиятига эга бўлган йиртқич балиқдир. У асосан овлашни аҳамиятига эга бўлмаган ҳар хил майда балиқлар билан овқатланади. Кўпайиш даври сув сатҳи бир микдорда сақланиб турадиган феврал, март ойларига тўғри келади. Бу балиқ дастлаб 1963 йили Урол дарёсидан 800 дона микдорда олиб келиниб, унча катта бўлмаган Дегрез сув омборига қўйиб юборилганди. Натижада Дегрез сув омборидан каналлар орқали Жанубий Сурхон, Учқизил сув омборларига ҳамда Амударё ва Қарши магистрал канали орқали Талимаржон сув омборларига тарқалди. Ҳозирги вақтда Жанубий Сурхон, Учқизил ва Талимаржон сув омборларида кўп тарқалган бўлиб, муҳим овқатланиш аҳамиятига эга бўлган балиқлардан бири ҳисобланади. Оғирлиги асосан 3—4 кило, баъзан 9—10 килогача учрайди. Гўшти жуда лаззатли.

Оқ сла балиги билан биргаликда 156 дона оқча балиги ҳам келтирилган эди бир пайтлар. Бу балиқ ҳам бизнинг иқлим шароитимизга тез орада мослашиб кетди ва худди оқ сла балиги сингари бутун Жанубий сув ҳавзаларимиз бўйлаб тарқалди. Асосан митти сув ости жониворлари билан озиқланади. Кўпайиш даври апрел, май ойларига тўғри келади. Уругини сув ҳавзаларининг саёз, сув ости ўсимлик қолдиқларига бой бўлган жойларга сочади. Тез ўсиш хусусиятига эга. Вазни 2—3 кило, ҳатто баъзи балиқчиларнинг таъкидлашларича, 8 килогача учрайди. Оқчаннинг бундай йирик вакиллари Талимаржон сув омборида кўп-лаб учратиш мумкин. Гўшти мазали, кўпинча тузланган ва дудланган ҳолатда истеъмол қилинади.

Ушбу балиқларнинг ҳар иккаласи ҳам сувнинг тозалик ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, йиртқич оқ сла балиги касалманд балиқларга эса, йиртқич бўлмаган оқча балиги сув остидаги митти жониворларнинг личинкаларини териб ейди.

Сибир дарёларидан келтирилган неляд балиги ҳам бизнинг иқлим шароитимизга мослашиб, Чорвоқ сув омборида табиий ҳолда кўпай олди. Гўшти мазали, оғирлиги асосан 1,5—2 кило, баъзан 3 килогача бўлади. Сони жихатдан анча кам бўлганлиги сабабли 1989 йили овланадиган балиқлар ҳисобидан чиқарилиди ҳамда маълум бир вақтгача овлаш таъқиқланади.

Шундай қилиб, бизнинг сув ҳавзаларимизга Москва вилоятидан товоибалиқ

лиқ, Хитой Халқ Республикасидаан ўсимликхўр балиқлар, Урол дарёсидан оқ сла, оқча балиги, Исикқўлдан Исикқўл гулмоҳи балиги, Сибирдан неляд балиқлари мунаффақиятда иқлимлаштирилди. Натижада иқлимлаштирилган балиқлар авазига жумҳуриятимиз худудидидаги балиқ турларининг сони ортди ва шунга боғлиқ ҳолда балиқ маҳсулотлари етказишнинг салмоғи ошди.

Овлаш аҳамиятига эга бўлган бундай балиқлар иқлимлаштирилган экан, унинг озуқа базасини яратиш масаласи ҳам жиддий бўлиб қолади. Шу мақсадда уларга озуқа бўладиган митти жониворлар, овлашни аҳамиятига эга бўлмаган балиқлар ҳам иқлимлаштирилди. Бироқ иқлимлаштириш кони фойда экан, деган фикрга бормаслик ҳам керак. Чунки олиб келинаётган балиқнинг атроф муҳитга аралашуви, хусусиятини пухта билимоқлигимиз зарур бўлади. Иқлимлаштириладиган балиқлар билан биргаликда бошқа бир балиқларнинг келиб қолишига йўл қўймаслигимиз зарур. Чунки бир вақтлар иқлимлаштирилган балиқлар билан биргаликда келтирилган ялонбош балиқнинг ҳозирги пайтда балиқчилик хўжалигига келтираётган зарари жуда катта. Бундай балиқ турлари овлашни аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг ивильдиқлари билан озиқланиб, улар сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, муҳим овлашни аҳамиятига эга бўлган балиқларнинг сони сув ҳавзасидаги бошқа балиқларнинг 25—30 фоизини ташкил этмоғи лозимдир. Мабодо улар сони ошиб кетгудек бўлса, овлашни аҳамияти, яъни қиммати маълум даражада пасайиб кетишига сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда Чимқўрғон сув омборида товоибалиқ, Учқизил ва Жанубий Сурхон сув омборларида оқча балигининг кўпайиб кетиши оқибатида улар жуда кичрайиб, ўз қимматини деярли йўқотиб қўйди.

Иқлимлаштирилган балиқларнинг экологиясини назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш балиқчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш муаммосини ечишга ёрдам беради. Тадқиқотларнинг асосий йўналиши ана шунга қаратилмоғи лозим.


Улугбек МИРЗАЕВ,
Мансур ЙҮЛДОШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти аспирантлари


Хайрият!

ҲАР
ТУҒРИДА

Яқинда Ерга шиддат билан яқинлашиб келадиган улкан астероид ердан 3 миллион километр оралик масофадан ўтиб кетди. Инсоният тарихида ҳеч қачон, ҳеч бир астероид ер қуррасига бу қадар яқинлашмаган экан.



Ургут. Қадимдан доврўғи дoston бўлган шаҳар. Бугун унинг кўчаларини кезсангиз завқу хайратдан лол қоласиз.



СУЛТОН УВАЙС

Алло-таолонинг инояти билан Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, дунёнинг ҳур давлатлари қаторидан ўрин олди. Мустақиллик, эъришчилик истибодидан барҳам топди. Унуттишга мажбур қилинган қадриятларимиз яна тикланмоқда. Маънавиятимиздан сиқиб чиқарилган урф-одатларимиз яна қадрини топаётур. Заминимизда яшаб ўтган, қизил империянинг тазйиқи билан биздан узоқлаштирилган улуг аждодларимизнинг номи яна дилимизга ва тилимизга кириб келди.

Тарихдан маълумки, мусулмон оламнинг энг йирик раҳнамолари, ҳадисчи ва дин илмининг алломалари Худонинг меҳр нури билан йўрилган бизнинг заминимизда етишиб чиққанлар. Муҳаммад ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақибанд, Аҳмад Ясавий, Бобораҳим Машираб ва бошқа мўътабар зотлар юртимиз доғруғини узоқ-узоқларга ёйди.

Шундай улуг кишилар қаторидан ўрин олган яна бир муҳтарам зот Султон Увайсдир. Ҳозирда Қорақалпоғистондаги улкан тоғ шў авлиё исмон номи билан аталади. Чунки тоғнинг кўксига авлиё Султон Увайс бобога ўрнатилган ёдгорлик мақбараси қад кўтариб турибди. Эл ичра машҳур бўлган авлиёга ўз ҳурмат ва эътиқодларини изҳор қилиб Хоразм шоҳлари турли даврларда ёдгорлик мақбарасини бунёд қилишган.

Шўро инқилобигача мусулмон оламига машҳур Султон Увайс Қараний қўриб неча асрлар давомида зиёратгоҳ, мусулмонларнинг қадимжоси бўлган. Бу ерга таширғи буюрган араблар, эронлар, турклар зиёратгоҳда ҳатто йўллаб қолиб кетишган. Бироқ инқилобдан кейин дин таъқиқланиб, зиёратчилар йўлига гов ташланди. Натижанда, етмиш йилдан ортўқ фурсат ичда тарбаррук тўпроғимизнинг азиз қадимжоси унутилаёди.

Тўғри, ўша кезларда ҳам эътиқоди, имони бутун кишилар Султон Увайс Қараний қадимжосини зиёрат қилиб, руҳига тинчона қўриб тиловат қилиш учун дунёнинг турли томонларидан келиб туришган. Дин йўлидаги гов патарат топа бемалаган, Султон бобо қабрини зиёрат қилувчилар яна кўпая бошлади. Улар орасида Кавказ орти ҳамда Россиядаги мусулмонлардан тортиб, араб мамлакатларидан келган меҳмонларни ҳам учратиш мумкин. Аммо шунки афсус билан қайд қилиш керакки, кейинги етмиш йилда кўпгина маънавий бойликлар йўқ қилинди ёки талон-тарож этилди. Бу эса тарихчиликмишга, қадриятларимизни тиклашга бел болаган савобга таб таъқиқотчиларимизга анчагина қийинчилик тўғрироқда. Чунки кўпгина хотираларнинг қайта тикланиши учун энги маълумотларни излашга тўғри келди. Шу боисдан ушбу мақола ҳам кўпроқ ривоят ва афсоналарга асосланиб ёзилди.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насоимул Музаббат» китобида вале Султон Увайс Қаранийга ярим сазифалик мати бағишланган. Улуг шoir бу рисоланинг ёзилишига Абдураҳмон Жомийнинг форс тилида битилган «Нафхату-л-унс мин ҳазрату-л-қудс»

китоби сабаб бўлганини айтади. Валелар ҳақида араб, форс тилларида китоблар ёзилган бўлиб, турк тилида ёзилмаганига алоҳида таъкидланади. Навоий шундай ёзади:

«Умидим улким, бу насомидин рўзлар тоза ва шамоийлдин рўзлар билан бозова бўлган азизлар қойил рўзими бирор дуо билан шод қилгайлар».

Рисола Султон Увайс Қараний таърифи билан бошланади:

«Шайх Увайс Қараний (Аллонинг пайгамбари айтади: Увайс Қараний ҳақон ва меҳрибонлиги билан тобинларнинг яхшисидур) гоҳ-гоҳ хожаи олам муборак юзини Яман сари қилиб дер эрдиким. (Мен Худонинг шахсини Яман томонидан топтим)».

Султон Увайс Қараний ҳижрий уч йилда, мелодий 625 йилда Яман араб давлатининг Қарани қишлоғида дунёга келган. Пайгамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаламга пайгамбарлик ваъди қилингандан кейин меърож кечасида пайгамбаримиз ҳазрати Мусо алайҳиссалом пайгамбаримизга айтадилар: мен Аллоҳ таолодан дўст тиладим, Девони Бурҳ деганларки, сиз ҳам бир дўст тиланг. Шунда пайгамбаримиз Саллоллоҳу алайҳи вассалам Султон Увайс Қаранийни Аллоҳ таолодан тиласанлар. У киши дунёга келган кунин бутун оламни мушки-анбар иси тўтган. Пайгамбаримиз тонг намозидан чиқиб, бу исни англаб, мазарам бугун Султон Увайс дунёга келди, деганлар. Ҳижрий 1250 йилда номатъ-дум шoir томонидан «Меърожнома» китоби битилган бўлиб, унда Аллоҳ таоло пайгамбаримизга Султон Увайс ҳақида шундай дейди:

Тўпроққа тушса қўзи тилло бўлсин,
Мисга тушса назари кимё бўлсин,
Шафёъ ўлсин ос-ю гухроға,
Ходий ўлсин мудбиру бийроҳга.

Бўлсин оламда Увайс од анга,
Икки олам қўзи бўлсин шод анга,
Ҳар ера қўйса қадим бўстон бўлур,
Манзил мохивоис тоғистон бўлур.

Султон Увайс етти ёшга тўлганида Аллоҳ таолонинг шикҳида «Ху-ҳақ» деб маст бўлиб, ҳар тил қароматлар кўрсатади. У эртага, ишдунга нима бўлишини, одамларнинг қалби қандайлигини айтиб бера олган. Аллоҳ таоло ўзига яқин билган зотларга бир қатор даражаларни берган эдики, аини шу даражалар бобомиз Султон Увайс Қаранийда ҳам мўжсам эди.

Биринчи даражаси — «Мақоти той» (маъноси: тоҳлаган жойида бўлади, тоҳлагани жойиша боради.)
Иккинчи даражаси — «Қашшофул қулуб» (маъноси: ҳар бир одамнинг қалбида неки нияти бўлса билади.)

Учинчи даражаси — «Қашшофул кубур» (маъноси: қабр ёнидан ўтганда қабрдаги одамнинг аҳволини айта олади.)

У киши доим дарвешнома бўлиб юргани учун Яман ҳақида ўз ортидан қувиб чиқаради. Шунда Султон Увайс онаси билан Хоразм юртига келиб, тоғдан макон топади. Ун тўрт ёшга тўлганларида шу

ернинг машҳур бойларидан ҳисобланган Юзбой деган кишига қўнон бўлиб, унинг қўй ва туяларини боқиб юради.

Ҳазрат Навоий ўз сўзини давом эттириб дейди: «Бировнинг васфиким, аининг васфи Хожаи Коинот бўлмай ва нафаси раҳмон бўлмай қилмоқ бағозат беодоблик бўлмай. Ҳам Хожаи Коинот буюрубтурким, тонгла қиёмат кунин ҳақ субҳоназу ва тооло етмиш минг фаришта Увайс сурати била яратқай. То ул аларнинг аросида аросатга кириб, бедшитга борғай. То ҳеч ким маълум қилмағай, тангридин ўзгаки, ул қайси биридурки, ул дунёда барча халқ кўзи-кўзидин ёширун тангри таолога қуллуқ қилур эрди, қиёматда доғи тангри таоло ани барча номаҳрам кўзидин маҳфуз тутқай.

Нақлдурки, ҳазрати Рисолат оламдин ўтарда ас-ҳоб... сўрубтурларким, сизнинг мураққаё кимга ҳаволадур? Дебдуларки, Увайс Қаранийга берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо қилсун. Ҳазратдин сўнгера Форуқ ва Муртазо Қўфбага бориб, Яман элидан сўраб, Қаранда Увайсини топтиларким, тепа кутуб юрур эрди. Мураққатини топишуруб, уммат учун дуо истифъо қилдиллар ва бу маънида сўз кўптур. Шарҳ била билайин деган киши «Тазкирату-лавлиё»ни ўқусин. Онинг ҳолатини тамом бити-са яна бир бошқа китоб битмак керак.

Уҳуд урушида пайгамбарининг муборак тишини шаҳид бўлгандин эшитиб, мубоабат учун ўттиз икки тишини ушотти, ҳар бирини ушотур эрди, дер эрдиким, шояё бу тиш эмас эрди экан. Яна бирини ушотур эрди. То мундоқ қилиб, барча тишларини ушотти. Ва ҳазрати Рисолатни кўрмабтур эрди ва ул ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъни ва рўзоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин, ҳар қишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин нури маълум бўлмаса, ва машоийлдин бирининг руҳи они тарбият қилган бўлса, они Увайсий дерлар».

Бошқа бир ривоятда келтиришча, икки сароба пайгамбаримизнинг васиятини амалга ошириш учун унинг вафотидан кейин ҳаёларини Султон Увайс Қаранийга топширмоқ ниятида Яманга боришган. У ердан топишмоламач, суриштириб Хоразмга келадилар ва ҳаёларни топширадилар. Абдулайсий Самарқандийнинг «Баҳри дурар» китобида ёзилишича, мелодий 656, ҳижрий 34 йилда Форуқ мамлакатларини мусулмон қилмоқ учун ҳазрати Али урушга боради. Бу урушда барча мусулмон давлатлари ўз лашкарлари билан қатнашади. Унда Султон Увайс Қараний ҳам Хоразм томонидан қатнашиб, Эроннинг «Сўфиё» шаҳрида ҳижрий 37, мелодий 659 йилда шаҳид бўлади. Шундан кейин унинг жасадини ўз юртига олиб кетиш учун мусулмон давлатлари тортишиб қонладилар. Шунда ҳазрат Али уларни тиклаштириб, тонг отгунча сабр қилишларини айтади. Шу кунин тунда Ҳазрат Али тушларида Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаломни кўрабдилар.

Пайгамбаримиз тиззаларида Султон Увайс Қаранийнинг бошини олиб, силаб ўттирган бўладилар ва айтадиларки, дўстим Султон Увайсининг макони Хоразмдур. Ҳазрат Али ўринларидан турғач, подшоҳларга тобут ясаиларини буюрадилар. Ясаган еттига тобутда пайгамбаримизнинг қароматлари билан Султон Увайс ҳазратнинг жасадини кўришади. Ҳақиқий жасади Хоразм подшоҳи ясаган тобутга солиниб, Хоразмга юборилади. Биринчи мақбара Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ҳижрий 376, мелодий 998 йил қурилади. Бу мақбарани Чингизхон лашкарлари бузиб ташлайдилар. Мақбара Хоразм тони Элтузархон томонидан мелодий 1450 йилларда қайта тикланади. У ҳам кучли зилзила оқибатида вайрон бўлади. Хева тони Аллоқулхон ҳижрий 1215, мелодий 1836-37 йилларда ҳозирги мақбарани қурдирган.

Инқилобигача мақбара ёнида Хева хонлигининг қоризонаси бўлиб, қорилар кечаю кундуз Султон Увайс бобо рўзларига қўриб тиловат қилиб туришган. Ҳозирда динимизнинг тикланиши натижасида уни зиёрат қилувчилар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мақбара ёнида катта қабристон бўлиб, у ера Урта Осиё, Қозғистон, Россиядаги, Кавказ ортидаги мусулмонларнинг васиятлари бўйича жасадалар дафн этилган.

Султон Увайс бобо масжид-музейининг хатиб-имом Абдураҳим Аминхон змон ўлгининг ташаббуси билан анча зайри ишлар амага оширилмоқда. Қабрлар таъмирланиб, мақбара атрофи обод ёшшага айлантириллаётур. Зеро, авлиё Султон Увайс қадимжоси ҳам диний эътиқодга оид қадриятларимизнинг мустақамланишига тизмағ қилгусидир.

Мурод ПАРПИХҲҲАЕВ

Ёзи билан Зебо

Ҳа, бахшининг яхшисини халқ билади. Ардоқлайди, кўнларга кўтаради, эъозлайди. Қашқадарёнинг Дехқонобод туманида туғилган (1937 йил) Қодир бахши Раҳим ўғлини ҳам эл-юрти севиб ардоқларди. У ўтмиш салафлари изидан бориб, ёд айтган «Алломиш», «Кунтуғмиш», «Ширин ва Шакар», «Онус пари» сингари Гўрўғли туркумига кирувчи қатор дostonларини, кўплаб термаларини жон қулоғи билан тинглашарди.

Минг афсуслик истеъодли Қодир бахши бугун орашда йўқ. 1986 йилда фожиаи ўлим уни йўқликка олиб кетди.

Қуйида Қодир бахшини хотирлаб, у халқ орасида меҳр билан кўйлаб келган «Ёзи билан Зебо» дostonидан парчани эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Очиб сандиқларимни,
Очайин бир бўстони,
Ошиқ Ёзи-Зебодан
Айтайин бир дostonни.
Эшитганман устозим,
Бахши Ражаб шоирдан,
Даврларда гап бошлаб,
Улардан ҳам тердим дон.
Умир шоир гоҳида
Зебодан бошлар эди,
Яхши жойидан айтиб,
Емонин ташлар эди.
Китоб бўлди ой Зебо.
Ҳали ками бор эди,
Ким тўлдиран экан деб,
Ёзи унга зор эди.
Ният қилдим дostonни
Эшитганим ёзай деб,
Ошиқлик денгизида
Кема каби сузай деб.

Утган замонда, жануб томонда,
Жайхун дарёси яқинида, Кўҳи
тоғнинг кун чиқар томонида шаҳри
Зангар деган мамлакат бор эди.
Шаҳри Зангар обод мамлакат
бўлиб, кўчаларда раста-раста
дўконлар, карвонларнинг ҳай-
қирқилари, жангур-жунгур кўн-
ғироқ товушлари, одамлар ва хо-
тинларнинг қий-чувлари шаҳар-
нинг катта эканлигини билдириб
турар эди. Шаҳар кўрғон ичида
бўлиб, кўрғон дарвозаларида нав-
карлар алаңлаб турар, пул берса
шаҳарга киргизиб, бермаса кир-
гизмай урар эди. Кўрғоннинг
ташқарисидан деҳқоннинг экин
майдонлари, чорвоғи, яйловлари
бор эди. Вутун шаҳар Жайхун да-
рёсидан сув ичар ва далаларини
суғорар эди. Шаҳар ичида, боғи
беҳол, боғи сафо, боғи салқин,
боғи дилқушо, боғи қирқин деган
боғлари бўлиб, ниҳоятда чиройли
эди. Ҳамма боғларида қушлар
сайраган, тўтилар ўйнаган, говеу-
лар товланган, газалай сурнайи-
ни, лайлак карнайини тортар,
булбул ногорасини чалар, сувлар
ариқларда жилдираб ўйналаб
оқар эди. Ҳар богда шоҳ супалар
қўйилиб, ўтган-кетган ўтириб,
чой ичиб, овқатланиб дам олар
эди. Мамлакат жуда ҳам обод

бўлиб, подшоҳини Олимишоҳ дер
эди. Олимишоҳ қандай шоҳ эди?
Шундай шоҳ эди: мамлакатидоғи
ҳамма одамларни бир хилда кў-
рар, бир хилда муомала қилар,
бойлардан кўра камбағаллар ар-
зига кўпроқ қулоқ солар эди.
Шунинг учун бойлар, амалдор-
лар подшоҳни кўролмас эдилар.
Олимишоҳ эллик ёшдан ошиб бир
ўғли фарзанд кўрди. Фарзанди
шундай фарзанд эди, ой деса
ой, кун деса кун эди, иккита зар
кокили бор эди. Буни подшоҳ ҳеч
кимга билдирмай юрди. Орадан
йил-ой ўтиб мамлакатни ёв босди,
шаҳарлар ўт ичида қолиб вайрон
бўлди, амалдорлар ва бойлар
подшоҳга душман бўлди, урушда
Олимишоҳ вафот этди. Олимишоҳ-
нинг аёли Ойсаваер болани кўта-
риб қочиб бораётди, орқасидан ўқ
еди, бола адир даштда ўлган она-
си қўлида қолди. Уша подшонда
бир чолу кампир пода боқиб ум-
рини ўтказиб юрар эди, Момони
Гулдона, чолни Мардон дер эди.
Гулдона момо даштдан ўт ёққали
тезак териб юриб эди, бир гўдак-
нинг инсалаган говушини эши-
тиб қолди. Тезагини ташлаб чоп-
чоп борди, кўрди: ҳусида тенги
йўқ бир жувон ўлиб ётибди, қо-
шида бир ёшдан энди ошган бир
гўдак она сийнасида бош қўйиб
йиғлаб турибди. Чолини қақириб,
жувонни мазорга қўйиб, гўдакни
уйига олиб кетди. Момо гўдак-
нинг икки ҳайдар қўшинини кў-
риб ҳайрон бўлди: «Ҳов чол, бу
ганга қулоқ сол, топан болазим
ундай-бундай болалардан эмас
экан, иккита зар кокили бор, бир
кокилини сотсанг бир шаҳарга
тенг, худойим қаришимизда
бир назаркарда гўдакни ато қи-
либди, насиб бўлса бир кунни бо-
шимизга соябон бўлади, гўдакка
нима деб от қўямиз», деди. Шун-
да Мардон чол: «Эй кампир, мен-
ку от қўйишни ҳам билмайман,
лекин онасининг усти-бошига, чи-
ройига қарасанда, албатта под-
шонинг ўғли бўлса керак, онаси
тилла тақинчоқларни тақабериб,

боланинг сочига таъсир қилган-
дир, шўйтиб кокили зар бўлган-
дир, шунга қараб ўзинг бирор от
қўягай-да», деди. Шунда кампир:
«Бўлмаса подшоҳларнинг сағир
қолган боласига Қўйқуббат деб
от қўяр эди, бунинг ҳам отини
Қўйқуббат қўягайлик», деди, ик-
каласи боланинг отини Қўйқуб-
бат қўйишди. Орадан ойдан ой,
кундан кун ўтди. Бир кунни Мар-
дончол подадан келса, Қўйқуб-
бат қил-қизил кал бўлиб турибди.
Мардон чолнинг эс-песи чиқиб
кетди: «Эй кампир, эй бетовфиқ,
болани нима қилдинг», деб аччи-
ланаберди. Шунда кампир: «Ҳай
чол, эшитмадингизми, мамлакат-
га бир очкўз подшо бўлибди, нав-
карлари уйма-уй кириб, кўзига
яхши кўринган нарсаларни талаб
олаётган эмиш, мабодо бирорта-
си келса, боламинг бошини кўр-
са, аввало бошини олади, бўлма-
саям кокилини кесиб олади, қў-
лингиздан нима келади, шунинг
учун ҳеч кимнинг назари туш-
масин, назари тушиб кўз-пўзи
тегмасин деб, эчкининг қорнини
жумир қилиб бошига кийгиздим,
энди кўреан киши кал бола деб
қўяди», деди. Мардон чол: «Ҳа
кампир, тўғри қилибсан, сенинг
билганингни бирор билмайди»,
деб кулишди.

Орадан қанча йиллар, ойлар,
кунлар ўтди. Эзининг ёши ўн
олтига етди, Қўйқуббат деган от
ҳам ҳамманинг ёшдан чиқиб кет-
ди, кўрган киши Ёзи кал, кал
Ёзи деб атаётди, шу-шу Ёзи бў-
либ қолди. Ўн олти ёшида отаси
Мардон чол ҳам, онаси ҳам изма-
из вафот этди. Ёзи сағир бўлиб
қолди. Бир кунни қўшчиларга қў-
шилди адирда қўш ҳайдаб юриб,
тонг саҳар ухлаб қолди. Уйқуда
ётиб туш кўрди, тушида бир тоғ-
нинг дарасида юрибди, олдида
катта дарё, бошидан жумирини
олиб сочини ювётди эди, от до-
бири қулоғига келди, бошини кў-
тариб қараса, олдида беш отлик
келаётди, Ёзи разм солди: бешта-
си ҳам қиз, қизларнинг олдида
бир қиз бўз от миниб, Ёзи томон
келаётди, Ёзи шу қизга кўзи ту-
шиб, ақли ҳушидан кетаберди, ой
деса оғзи бор, кун деса кўзи бор,
юлдуз деса қоши бор, оқ жери оқ,
қизил жойи тушган, шаҳло кўз,
қизил дудог, юпка томоқ, қош-
лари камондай, киприклари найза-
дай, беллари хилча, сочлари
арғимча, бир пари-пайкар, оҳ деб
оғиздан олов чиқиб йиқилди.
Шунда у пари-пайкар отдан ту-
шиб, Эзининг бошини кўтариб
тургизди. Шунда Ёзи ҳушига ке-
либ: «Эй парипайкар, сен қаер-
дансан, кимнинг қизи бўласан?»
деб бир сўз айтиб турибди:

Рўмолингни хўп урабсан дол қўйиб,
Гулгунчадай лабларингга бол қўйиб,
Мен ғарибни ўтта солиб куйдирма,
Ой юзингга олтинмисол хол қўйиб.

Сунбул-сунбул сочларингдир хўп қора,
Юрагу бағримни айладинг пора,
Кенг жаҳон кўринмас бу кун кўзимга,
Одаммасан ёки пари-пайкара.

Бугдой тушар тегирмоннинг тошига,
Ўт кўқарар кўздан оққан ёшимга,
Қайдан келиб сени кўрдим, нигорим,
Ошиқликнинг доғи тушди бошимга.

Ойдин кўлинг ўрдагисиз, гозисиз,
Мен ғарибман, сиз бошимда қозисиз,
Сайри боғнинг сайб турган ҳумоси
Қайси элдан, қайси бекнинг қизисиз?

Қараб турсам қарорим йўқ, найлайин,
Турай десам мадорим йўқ, найлайин,
Охуни алдаб туриб отган ёрим,
Мақоим ҳам турарим йўқ, найлайин.

Моя кетса бўта йиғлар зору зор,
Сағир шўрга ким бўлади мадақдор,
Қайси элдан, қайси жойдан бўласиз,
Отингизни нима дейди, санам ёр?

Ўқиб берай юрагимдан хатимни,
Езиқал деб айтишадиган отимни,
Ораладим бир сайрибго ичига,
Сиздан бошқа ким тинглайди
додимни?!

Шунда у қиз жойидан туриб,
нозу карашма қилиб, Езининг
қўнғилини ҳушлаб, бошга рўмолини
қия ташлаб, бир қўли билан
Езини ушлаб бир сўз айтиб турибди:

Мерган отмас осмонда ойимни,
Ерга ато қилсин гулдай бўйимни,
Елгон демай мен айтигин ростидан,
Маймоноқ дер ўйнаб ўсган жойимни.

Ойдин қўлнинг сўнасиман, гоизман,
Булоғимнинг ўйноқлаган кўзиман,
Маймоноқдир қўйни соған жойларим,
Шу жойларда Пояндабой қизиман.

Чўпонлари ҳай-ҳайлаб қўй ҳайдаган,
Чўлларини нор туялар жайлаган,
Робия дер оқ сут берган онамни,
Елғизига кунда соя тайлаган.

Кўз ёш билан ёрга битай хатимни,
Ер эшитсин ҳасратимни, додимни,
Икковининг менман ёлғиз юлдузи,
Ой Зебо деб айтишадиган отимни.

Йиллар ўтар, кунлар ўтар, ёрни кутай,
Кўз ёшимни сиёҳ қилиб ғазал битай,
Юрагимда бир гулим бор юлиб олиб,
Езижон, гар борсангиз сизга тутай.

Тилла ҳайдар кокилингиз бошингизда,
Юлдуз бўлиб ялтирай тушингизда,
Тушингиздан гар юлиб тайласангиз,
Ўлтираиб қўшиқ айтмай қошингизда.

Олма бердим, қайтайин олмасангиз,
Олган билан сийнага солмасангиз,
Қалдирғочдай учайин тоғдан ошиб,
Ҳиллол бўлиб қақрай келмасангиз.

Икки кўзим телмурар ёр ўйлига,
Юрганида таёқ бўлай қўлига,
Келмасангиз буғдой бўлиб сочилай,
Бориб тушай тегирмоннинг дўлига,
Тилла ҳайдар кокилингдан, Езижон,
Озми-кўпми ҳаққулингдан, Езижон.

Шу вақт Езининг учасига бир
нара торс этиб тушди, Ези Зебо-
нинг оти тепди деб қиёс қилиб,
ирғиб жойидан турди, биров қу-
чоғига кирди, бу одам қўшчилар-
дан бири эди. Езини ухлаб қолди
деб чақирди — турмади, бақир-
ди — бўлмади, келиб учасига бир
гаврон урбеди, Ези қучоғига кир-
гани Зебо деб гумон қилиб, уй-
қусираб, у ёқ-бу ёғидан ушлаб
бир сўз айтиб турибди:

Сағир бўлмай соғ суяги қақшамас,
Қақшаса ҳам сўм юраги бўшамас,
Ушлаб кўрсам чақамкидай баданинг,
Шу баданнинг Зебожонга ўхшамас.

Қайи ўсган бурунларинг туяқдай,
Қошларинг бор сувда ўсган қиёқдай,
Зебожон, деб юзларингдан силасам,
Соқолларинг ўсиб кетган таёқдай.

Чақир тикан сочилдимни йўлимга,
Сочилсаям қувват берса белимга,
Зебожон, деб оқ сийнангга қўл солсам,
Сийна тошдай учирайди қўлимга.

Оқар дарё ўзанидан тошгандай,
Ўтолмайин ундан ошиқ шошгандай,
Химча белдан Зебожон деб ушласам,
Химча белинг тўлиқдаини пишгандай,
Омон қилсин танда азиз жонингни,
Тўхта Зебо, ушлаб кўрай сонингни.

Шу вақти қўшчининг аччиғи
келиб, Езини итариб юборди.
«Кўзингни оч, кал, сенга нима
бўлди, жин урдими, пари чал-
димми ёки ҳалитдан хотин олгинг
келиб қолдимми? Э шўр кал, биз-
лар қирқ ёшга бориб хотин олол-
май юрибмизу, сизга жўл бўлсин,
бир эшакни мин-да, бойнинг хиз-
матини қилиб юрабер-да. Инда-
май турсам текширмаган жойинг
қолмас экан, тур ўрингдан,
қўшини ҳайда», деди. Ези ўзига келиб,
Боймаматни қучоқлаганини
билиб, юзи қизариб, Боймаматдан
уз сўраб, қўлига гаврон олиб,
ҳўкизларни қўшга қўшиб ер ҳай-
дайберди. «Омочни босинқираб
ҳайда, Ези кал, бўлмаса палак
ўсмайди, ўсганим бўлмайди»,
деб Боймамат кетди. Ези қўш ҳай-
дай-ҳайдай ўйланиб қолди: «Мени-
нинг бу тушим қандай бўлди.
Ҳалиям кўз олдидан кетмайди,
вилоятини Маймоноқ деди, отасини
Пояндабой деди, онасини Роби-
я деди, ўзининг отини ой Зебо
деди, Маймоноқ деган жойни ум-
рим ўтиб, эшитганим йўқ, бу ҳам
шунча кўрган тушларимнинг би-
римикан ёки бу кўрганым рости-
микан», деб гоҳ ишониб, гоҳ
ишонмай юраберди. Вир кун ке-
часи яна туш кўрди. Яна ўша
жойда от устиди Ойзебо келиб, от-
дан тушиб Ези билан кўришди.
«Нега мени излаб бормадингиз»,
деди. «Маймоноқ деган жой қаер-
да, билмайман», деди Ези. «Кун
ботиш томондан изласангиз, ал-
батта топасиз», деди Зебо. Ик-
каласи хўп гаплашди, охири Зе-
бо: «Мана сизга дўппи тикиб кел-
дим, кийинг», деди. Ези кийган
маҳали кўзи очилиб кетди. Ўзига
келиб қараса, бошида яп-янги
дўппи, бунни кўриб, Езининг хаё-
ли кетиб, тушига роса ишониб,
бир дарди мингта бўлиб, ошиқ-
лик ўтча тушиб, ҳўкизларни
қўшга қўшиб, довшини баланд
қўйиб бир сўз айтиб турибди:

Биринг қашқа, бировгинанг қорасан,
Эрт-чувласам қора ерди жорасан,
Зўтароқ юр ерлар бўлсин шудигор,
Мен ҳам ёрга, сен ҳам ёрга борасан.
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Яйловдадир сенинг ёринг, чув-ҳая.

Бўйинтириқларга бошинг бойланган,
Бўлчи-бўл дер бой таёғи мойланган,
Эртароқ бўл, эрта ёрга борайлик,
Омоч ушлаб, азиз бошим айланган,
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Сўна қувса сойда ёринг, чув-ҳая.

Бой билмайди қорин тўку очингни,
Беда бериб мен тўлдирай ичингни,
Зебо деб ушласам омоч тутайди,
Обингга, жонивор, тўк кучингни,
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Сувлоқдадир сенинг ёринг, чув-ҳая.

Нордай бўйинг, жонивор-а, толмасин,
Тўғри юр-да, ерда монда қолмасин,
Бой келганда монда ерни қолмасин,
Гўзал қизлар махтаб бўлиб қолмасин,
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Ўтлоқдадир сенинг ёринг, чув-ҳая.

Биринг юриб, биринг қараб турмагин,
Яхшироқ юр, дангасалиқ қилмагин,
Қалпоқ берган ёр кутанга ўхшайди,

Бу гапларни асло ёлгон билмагин,
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Сени кутар гўнажининг, чув-ҳая.

Моя билан ўйнаб кулар қора нор,
Нори кетса моя йиғлар зору зор,
Палак жойин эрта ҳайдаб ташласак,
Мен ҳам овоз, сен ҳам овоз, жонивор.
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Тайин жойда сенинг ёринг, чув-ҳая.

Сен бормасанг сендай ҳўкиз туғилмас,
Мен бормасам улўр машғал ёқилмас,
Қора жерни қарсиллатгин, жонивор,
Ёринг иси учовмизни қилди мас.
Қаерларда менинг ёрим, чув-ҳая,
Анов сойда сенинг ёринг, чув-ҳая.

Ези ёр ишқига маст бўлиб ерни
қайтиб ҳайдаб ташлаганини бил-
май қолди. Ўз ҳўшига келиб қа-
раса, ерлар бўлибди, шунда ҳў-
кизларни бўйинтириқдан бўша-
тиб: «Ҳей жониворлар, боринг-
лар, ёрларингни кўринглар, ўй-
наб кулинглар», деб ҳайдаб юбор-
ди. Бунни Боймамат кўриб ҳўкиз-
ларни ҳарқанд қайтарди, бўлмай-
ди, аччиғи келиб, Езининг қоши-
га бориб: «Ҳой бетовфиқ кал,
нима қилиб қўйдинг, бор, ҳўкиз-
ларни қайтариб кел», деб ўдағай-
лайберди. Шунда Ези: «Ҳов Бой-
мамат ога, ерни уч марта ҳайда
дединг, ҳайдадим, ер бўлса етил-
ди, энди ҳўкизларга ишинг бўл-
масин, улар ҳам оғайин-қарин-
дошларини, ёру жонларини
кўрсин», деди. «Ҳей Ези кал, қал-
лигинга борма, мени алдаб тур-
ма, ўтирик гапни сурма, бизлар
икки ҳайдаганимиз йўғу, сен қа-
ердан уч ҳайдайсан, ҳали еринг
етилган йўқ», деди. Езининг ач-
чиғи келиб: «Етилмаган бўлса
қара», деб бўйинтириқни олиб ер-
га урди, бўйинтириқ ерга ярим-
гача кирди, орадан бирор фасл ўт-
ган эди, бўйинтириқнинг ранги
ўзгариб, у ер-бу еридан барелар
чықара бошлади. Ана-мана де-
гунча барелар химчага айланиб,
баргли дарахт бўлди. Боймамат
ёқасини ушлаб: «Вой тавба, эҳ
лоло, ё каромат», дейберди. Шун-
да Ези: «Қани, ога, ер етилмаган-
ми, бўлмаса сизни ҳам шудгорга
бир солиб кўрай», деди. «Йўқ-
йўқ, Езижон, мени шудгорга
солма, одамдарахт бўлиб кетмай,
ер ҳақиқатдан етилибди, ишинга
барака», дейберди. Шунда Ези:
«Эй, Боймамат, сен қирқ ёшда
ҳам уйланмабсан, севиб бошқа-ю
ўйланиш бошқа, мен Зебоо деган
қизни севиб қолдим, сенга
ҳақимни бойдан олиб бер демай-
ман, олсанг ўзинга сийлов, фақат
учта ошиқ бандга индама-
санг бўлган. Икки ҳўкиз ҳам
ёрга кетди, мен ҳам ёрга кетдим,
то кўргунча омонда бўл», деб бир
сўз айтиб турибди:

Палак эксам хандалаги турланади,
Пўчоғига мол бойласанг бурланади,
Икки ошиқ бир-бирини кўрмай ўтса,
Улиб кетса суяги ҳам хўрланади,
Ҳай-ҳайлаган қўшчибонлар, хуш қол
энди,
Бўйдоқ ўтган, Боймаматжон, хуш қол
энди.

Сариқ чумчуқ сой бошига уя солар,
Уясини шамол бузса йиғлаб қолар,
Отаси бор, онаси бор тўра мисол,
Сағир шўрли қўшчибонлар, хуш қол
энди,
Эшак минган, Боймаматжон, хуш қол
энди.

Уюр-уюр мол бермасанг қайнона йўқ,

Жоним-жоним демасанг ҳеч жонона
йўқ.

Ой Зебонинг ҳуснин кўриб завқ
олмасам,

Бу жаҳонда мендан бошқа девона йўқ,
Қўш хайдаган қўшчибонлар, хуш қол энди,
Ёрсиз ўтган, Боймаматжон, хуш қол энди.

Оҳ деганда юрак кярят қадамим йўқ,
Вой олдидан бог яратсам бодомим йўқ,
Ошиқликдан ора чўлда ёниб кетсам,
Сув сепгали дардлашгали одамим йўқ,
Қўш хайдаган қўшчибонлар, хуш қол энди,
Устоз бўлган, Боймаматжон, хуш қол энди.

Бой бобонгиз мол беришда хато қилсин,
Хизматга деб бера-бера адо қилсин,
Учовимизга индамасанг, Боймаматжон,
Вой қизидан ўзгинангга ато қилсин,
Қўш хайдаган қўшчибонлар, хуш қол энди,
Дардим билган, Боймаматжон, хуш қол
энди.

Оҳ деганда қарсиллайман булутдайин,
Ёр йўлига қанот ёздим бургутдайин,
Маймоноқдан топсам топдим ой Зебони,
Тополмасам сув бўб оқай йиллар сайин,
Қўш хайдаган қўшчибонлар, хуш қол энди,
Тиклаб турган, Боймаматжон, хуш қол энди.

Шунда қўшчилардан бири ту-
риб: «Эй Ези сагира, сен қандай
қилиб ошиқ бўлдинг, биз билан
юрисан-ку, у қизни қаерда кўр-
динг-у қандай ошиқ бўлдинг?»
деди, Ези кал: «Мен тушимда
кўриб ошиқ бўлдим, олдин ишон-
маган эдим, иккинчи тушимга
киранида манавий қалпоқни бе-
риб кетди, ундан кейин ишон-
дим», деди. Шунда улар кули-
шиб, ишонишмай: «Ошиқ бўл-
дим, куйиб бораётирман дединг,
куйиб бораётган бўлсанг, анови
тошни қучоқлаб кўрчи, исирми-
кан», деди. Ези бориб тошни қу-
чоқлаб эди, тош сув бўлиб оқа
бошлади. Қўшчиларнинг ҳамма-
си ёқасини ушлаб: «Вой товба,
вой товба», дейберди. Ези: «Энди
ишондиларингми?» деб эди, ҳам-
маси: «Ишондик, ҳақиқий ошиқ
бўлибсан, сенга оқ йўл, йўлинг
бехатар бўлсин», дейберди.

Шунда Ези қўшчибонлардан
дуо олиб, этганини белига чалиб,
таёгини от қилиб миниб, сонига
бир шапати солиб, «чув-ҳа чув»
деб довуш қилиб, қайдаса, Май-
моноқ деб, йўлга кириб кетабер-
ди. Неча кеча, неча кундуз юрди,
ҳисобини ҳам билмайди, бир
вақт жангур-жунгур, жангир-
жунгир деган кўнгироқларнинг
довуши қулоғига келди, шунда
хаёли ўзига келиб қараса, олди-
дан катта карвон келаётир, туя-
ларни бир-бирига матаб ташла-
ган, олди кўринадди, кейини кў-
ринмайди, туянинг ёлларидан от-
лиқлар иков бир, иков бир бўли-
шиб келаётир, туянинг олдида
бир нуруний оқ соқолли чол туя-
ларга сарбонлик қилиб эшагини
их-ихлаб, кўзини юмиб келаётир.
Шунда Ези айтди: «Келе, шу сар-
бондан сўраб кўрай, балки Май-
моноқ деган жойни билар, бил-
маса ҳам эшитгандир», деб йўл
устидан ўтирди. Бобо сарбонлик
қилиб Езининг қошига келган
заҳоти Ези иргиб туриб: «Асса-
лому алайкум» деган эди, эшак
хуркиб кетди, онг келаётган чол
курсуллаб ерга йиқилди, инқил-
лаб жойидан туриб, Езини кўриб,
қаҳри келиб сўка кетди: «Э са-
лом-паломинг билан... Ҳов уйи

куйган, ўласанми, олисроқдан до-
вуш берсанг, қайқаймай ўл, шун-
ғирт кал, Ези кал, аралаш кал,
саралаш кал», деб сўкаберди.
Шунда Ези: «Ҳов бобо, сўкабер-
манг, салом бермоқ айб эмас, са-
лом бермасам ҳам, беадаб деб сў-
кар эдингиз, мени кечиринг»,
деди-да, эшагига бобони кўтариб
миндириб қўйди-да, сўради:
«Бобожон, карвоннинг бормаган,
кўрмаган юрти йўқ. Мабодо Май-
моноқ деган жойни билмаганми?»
Бобоси ҳалиям аччиғидан
тушмаган экан, қабоги уюлиб,
бир билагини их-ихлаб ушлаб:
«Маймоноқ-саймоноқингни бил-
маман, мен сенинг йўл кўрса-
тар Қорақулоғинг эмасман», деб

эшагини их-ихлайберди. Шунда
Ези: «Сиз айтмасангиз туялардан
сўрай», деб тиз букиб, туяларга
қараб, Маймоноқни сўраб бир сўз
айтиб турибди:

Эй ҳайвонлар, айтадиган арзим бор,
Мен ҳам сендай хизматқорман хору зор,
Хорлигимда бўлдим ёрга интизор,
Кўз ёшимга кўкаради гиялар,
Маймоноқни биласанми, туялар?

Ёрга ошиқ бўлдим тушимда кўриб,
Гоҳи югураман, гоҳида юриб,
Маймоноқни ахтараман оҳ уриб,
Зебо десам, тўлганаси гиялар,
Маймоноқни биласанми, туялар?

Икки дунё тор кўринар кўзимга,
Олиб суртсам дунё етмас ўзимга,
Сен айтмасанг эганг айтмас ўзимга,
Қўшиқ айтсам тебранади гиялар,
Маймоноқни биласанми, туялар?

Зебони ўйласам кундуз, зим-зия,
Оҳ десам оҳимга бўлинар қоя,
Оёғинг остона бошинг авлиё,
Ингирасам букилади гиялар,
Маймоноқни биласанми, туялар?


Забони йўқ норсан, кўрсат каромат,
Маймоноқдан ўтган бўлсанг, валламат,
Валламатим, сени қилай зибрат,
Кўксим очсам қовжирайди гиялар,
Маймоноқни биласанми, туялар?

Чўлар ошиб, тоғлар ошиб юрдингми,
Пояндининг нормодасин кўрдингми,
Кўрганингда сен ҳам ошиқ бўлдингми,
Оҳ десам оҳимга йиғлар гиялар,
Ой Зебони биласанми, туялар?

Ҳамдардим йўқ, биров келмас кошимга,
Ошиқлик савдоси тушди бошимга,
Девонаман, келолмайман ҳушимга,
Юрагимга ҳамдард бўлди гиялар,
Зебонини биласанми, туялар?

Оҳ десам, оҳимга тоғлар қўшилар,
Заранглари ипдай бўлиб эшилар,
Кўз ёшимга сийналарим тешилар,
Қабатимда йиғлаб турар гиялар,
Ҳеч қуриса имлаб айтгин, туялар?

Ана шундай туялар бўкириб,
жойида тошдай бўлиб қотиб қо-
лди. Сарбонлар қанча тортиб, уриб
ҳайдаса ҳам жойидан қўзгалма-
ди, балки таёқ баданидан ўтмади,
ошиқ йиғитнинг ҳолига қараб,
кўзларидан ёш оқиб тураберди.
Шунда Сарбон бобо билдики,
Езига Маймоноқни айтмаса, туя-
лар юрмайди. Эшагидан тушиб
Езининг олдида келиб: «Э болам,
ошиқлигингни қайдан билай,
ошиқлик шоҳга ҳам, гадога ҳам
тенг экан-да, ошиқ бўлгунча бир
парча нонингни еб ётмайсанми
худо деб. Ошиқ бўлибсанми, энди
сенга Зебондан бошқа даво йўқ.
Мана шу карвон йўлидан чиқ-
май, тоғлардан ошиб, чўлларга
тушиб кетаберсанг, Маймоноққа
борасан, Зебонни кўрасан, ё ола-
сан, ё доғида ўласан. Севишган-
ларни қўшилган деб эшитганим
йўқ, у ёгини ўзинг биласан, бо-
лам, бизни ҳам йўлдан қолдир-
ма, туяларга руҳсат бер», деди.
Ези жойидан туриб, Маймоноқ-
нинг борлигини билиб, Зебони
кўрмаса ҳам кўргандай бўлиб:
«Э жонивор ҳамдардларим, йўл-
дан қолманглар, мен ҳам ёрга бо-
рай», деб жойидан туриб бобога
ҳам раҳмат айтиб жўнайберди,
туялар ҳам ўз йўлига равона бўл-
ди.



Бир асрга татиган умр.



ТУРКИЙ САВОД ВА ЭСКИ ЎЗБЕК ЁЗУВИ

Муаллим ва хаттот
Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

Хоразмда «Ҳазрат Полвон пир» номи билан машхуру манзур бўлган Пахлавон Маҳмудни ёдлаб, уни зиёрат қилиш учун келадиганларнинг адоғи йўқ. Бу ўлкага ташриф буюрган сайёҳу меҳмонлар, албатта, Хевадаги Пахлавон Маҳмуд мақбарасига қадам ранжида қилиб, уни зиёрат этмасдан кетишмайди, ушбу қутлуғ заминда камол тонган шоир ва забардаст полвон руҳини шод этишади. Негаки, шоир ўз рубойларидан бирида шундай ёган эди:

Ким қилур бу вайрон дилим иморат?
Ким гуноҳим учун берур кафорат?
Мен зиёрат қилдим кўр қабристонни
Билмадим, ким қилур қабрим зиёрат?

(Муинзода таржимаси)

Ҳа, шоир ёди зиёратчига - куч-қудрат, маънавий баркамоллик баҳиш этади, руҳий мадад беради. Айниқса, унинг пурмаъно рубойларини ўқиганингизда дилингиз таскин тонади. Иқтисодий танглик шароитида ҳаётга неқби қўз билан қарашга чорлайди кишини.

Маълумки, шоир форсий тилда ижод этган. Унинг рубойлари Т. Жалолов, М. Муинзода, А. Боқир, И. Улфат, Васфий сингари муқтадир таржимонларимиз томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, бир неча бор нашр этилган. Биз шоир рубойларини ана шу нашрлардан саралаб олдик. Рубойлар туркий савод чиқазиш истагида бўлган эски ўзбек ёзувини ўрганаётган биродарларимизга қўлай бўлсин учун араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига ўгирилган ҳолда берилди. Айни пайтда рубойларнинг лотин алифбосидан муқобили ҳам ўз ифодасини топти.

1

Umrimiz darahtin past kilma, rabbim,
Borlik sharobidan mast kilma, rabbim,
Ozing karam bir-la mard yigitlarni
Nokaslarga zeridast kilma, rabbim.

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

عیریمیز درختین پست قیلما ربی
بارلیق شرابیدن مست قیلما ربی
اوزینگ کرم بیرلا مردیگیلارنی
ناکس لارگا زیر دست قیلما ربی

1

Umrimiz darahtin past kilma, rabbim,
Borlik sharobidan mast kilma, rabbim,
Ozing karam bir-la mard yigitlarni
Nokaslarga zeridast kilma, rabbim.

2

Karo tosh sira ham bolsa locuward,
Toza kalbga yukmas aslo changu gard.
Kulok solgin Puryorvaliy soziga,
Korkaklardin biron chikkanmida mard.

۲

قرا تاش سیره هم بولماس لاجورد
تازه قلب گایوقماس اصلا چنگ کرد
قولاق سالگین پور یار ولی سوزی گای
قورقاق لاردین بیران چیتقانیدری مرد

2

Karo tosh sira ham bulasa lojuvard,
Toza kalbga yukmas aslo changu gard.
Kulok solgin Puryorvaliy soziga,
Korkaklardin biron chikkanmida mard.

3

Uç yuz Kuhi Kofni kelida tuymok,
Dil konidin bermok falakka buyok,
Yoinki bir asr zindonda yotmok —
Nodon suhbatidan kura yahşirok.

۳

اوچ یوز کوه کافن کله داتویماق
دل قانیدین بیرماق فلک کا بویاق

یا اینکه بیر عصر زندان دایاتماق
نادان صحبتین کوره یخشیراق

3

Uç yuz Kuhi Kofni kelida tuymok,
Dil konidin bermok falakka buyok,
Yoinki bir asr zindonda yotmok —
Nodon suhbatidan kura yahşirok.

4

Soragin, gozalam, kerak bolsa con,
Con emas, soragin hattoki imon.
Fakat yakinrok kel, kilma intizor,
Sen harna istasang bergum begumon.

۴

سوراگین گوزلیم کیراک بولسا جان
جان ایماس سوراگین حتی که ایمان
فقط یقینراق کیل قیلما انتظار
سین هر نه ایستاسانگ بیگوم بیگمان

4

Soragin, gūzalam, kerak bulasa jon,
Jon emas, sūragin hattoki imon.
Fakat yakinrok kel, kilma intizor,
Sen harna istasang bergum begumon.

5

Dedi yorim: «Yana nima gaming bor?
Hayoling band etdi kaysi gozal yor?»
Kollariga berib oyna, dedimki:
«Kimning aksin korsang — şu menga dildor».

۵

دیدری یاریم ینه نیمه غینگ بار
خیالینگ بند ایتدی قایسی گوزل یار
قول لاری گایبیریب آینه دیدیکه
کینینگ عکسین کورسانگ شوئمگا دلدار

5

Dedi erim: «Yana nima gaming bor?
Hayoling band etdi kaysi gūzala er?»
Kūllariga berib oyna, dedimki:
«Kimning aksin kūrangan — şu menga dildor».

ТЕМУР ДАЪВАТИ

Аҳмад НАРЗИҚУЛОВ

РИВОЯТЛАР

Бири Магриб ва бири Машрик томон кетаётган икки йўловчи тоғ сўқмоғида ногоҳ учрашиб қолди.

— Ассалому аълейкуму во Раҳматуллоҳу!

— Ассалому аълейкуму во Раҳматуллоҳу ва Баракоту, — кўришиб сўрашиди.

— Иштиёқингиз қалай, шу чашма ёнида озроқ суҳбатлашсак.

— Жоним билан, марҳамат!

Дарахт соясидаги улкан тошга суяниб ёнма-ён ўтиришди улар.

— Қани, йўл бўлсин, биродар, — гап бошлади биринчи Сайёх.

— Олой бўлсин, — жавоб қилди Ибни Хамроҳ таомилга кўра. — Ҳўе ана у қоя ортидаги қишлоқданман. Шаҳрисабздан қайтаётиб бу ёғиза тоғ оралаб пиёда боршини ихтиёр этдим.

— Офарин, ундог бўлса тожик экансиз-да?

— Шундай!

Сайёх бир қадар ўйга толди.

— Авф этгайсиз, сўраганинг айби йўқ, — қўлини кўксига қўйди Ибни Хамроҳ, — ўзингизга йўл бўлсин?

— Менми?.. Э, дўстим, — хўрсиниб қўйди Сайёх, — насиб этса юрт кезмоқчиман. Олис йўллар, олис манзилларни ихтиёр этдим. Ўзим эса Тарагай яқинидаги қишлоқдан бўламан.

— Борлос экансиз-да, — кулимсиради Ибни Хамроҳ, — Тарагай баҳодир авлодлариданман, денг.

— Шундай, шундай, — маъқуллади у. — Ажиб замонлар ўтиб кетди! Эҳ-ҳей, биласизми, Тарагай баҳодирнинг салтанати ҳам, давлати ҳам бошқа амир ва бекларникидан кам эмас эди. Подшолик олдидоги иззат-ҳурмати ва обрўсини-ку энди қўяверинг. Ҳа, шунақа дунё экан...

— Китобдан ўқидингизми бу гапларни? — сўради Ибни Хамроҳ, суҳбатдошининг юзига тикилиб. — Сўзласангиз жон деб тинглардим.

— Марҳамат. Аммо, биласизми, китоблардан ўқиган эмасман. Болалик кезларим ҳикоят ривоятларга ўч эдим. Отам раҳматли Амир Темури саргузаштларини айниқса кўп ҳикоя қилардилар. Баъзилари бир қадар афсонага ҳам ўхшаб кетардию, замирида аммо ўзига яраша ҳикमत ва ҳақиқатлар ётарди.

— Маъзур тугинг, аввало исмиңгизни билсам бўладими?

— Исмиң Хамдам борлос. Аммо бунинг у қадар аҳамияти йўқ. Ҳозирча мени Сайёх бобо десангиз бўлаверадим. Ўзимга ҳам шу маъқул!

— Қизиқ! Яна бир бор узур, — Ибни Хамроҳ, қўлини кўксига қўйди.

— Марҳамат.

— Нега энди бирданги азми саёҳат ихтиёр этдингиз. Мурад не бундан?

— Бир оқшом туш кўрибман. Қарасам, худди ҳозиргидек тоғ орасида эмишман. Бир маҳал рўпарамдаги тош гарс ёрилди-ю, улкан дарвоза пайдо бўлди. Ундан оқсоқ бир одам чиқиб келиб рўпарамда тик турди. Эганида шохона либос, бошида тождор дубулга, ўнг қўли чап ёнидаги исфохоний қилч дас-тасида.

— Эй, гумроҳ, тур ўринингдан, — қичқирди у ваҳожат билан, — нега қараб турибсан!

Тўхтат уларни! Туркистонни пароканда қил-яптилар, ҳамоқат-ку бу! Йўл қўйма бунга! Биламан, қўлингдан бошқа иш келмайди. Аммо бошингда ақл, оғзингда тил ҳам йўқми. Амримизни ҳаммага етказ, бас қилсинлар бемаъни адоватларини. Узоқни ўйласинлар. Ўзбеғу тожик, қозоғу қирғиз, туркману қорақалпоқ, умуман, бутун Туркистон кўзни очсин!

— Кимсиз, тақсир? — титраб сўрадим.

— Ана, кўрдингми, ҳатто мени ҳам танимайдиған даражага етиб қолибсан. Ҳазрат Али ибни Абутолибга йўлиққан ўша қуш тошфасидан эмассан-ку! Ҳа, дунёни, элатлар муштараклигини аслида ана шундайлар барбод этмоқда. Билиб қўй, соҳибқирон бобокалонинг Амир Темури ибни Тарагай Борлос бўламан. Тур ўринингдан!..

Титраб ўйгондим. Шундан сўнг ухлай олмадим. Унинг сиймоси икки-уч кун кўзим ўнгидан кетмай юрди. Овози қулоқларим остида такрор-такрор жаранглайверди. «Тур ўринингдан, разолату ҳамоқат-ку бу! Тўхтат уларни, элатлар жипслигига дарз етмасин». Ваҳожати юрагимга тобора кўпроқ ларза солаверди. Ниҳоят, мана бобокалон амри билан сайёхликни ихтиёр этдим. Бўлмаса, уй-жойим, фарзандларим бор. Аҳдим шу, энди мен пиёда юрт кезаман, соҳибқирон амрини одамларга етказавераман. Биласиз, қадимлайём замонларда ҳам ўзларини мана шундай савоб ишларга бағишлаган кишилар бўлган-ку ахир. Буни, мана, сиздан бошладим. Ҳалигидек куйфрона қилиқдан шу яхши эмасми? Диёнатимизга ҳам, урф-одатимизга ҳам тўғри келади-да. Ҳа, Оқил эл иттифоқлигини ўйлаши керак!

— Қизик, — бош ирғади Ибни Хамроҳ. Улар булоқ сувига тикилишиб узоқ жим қолдилар. Ниҳоят яна Сайёх гап бошлади.

— Сизни толиқтириб қўйдим чоғи? — Йўқ, йўқ, асло ундай деманг, аксинча сўзларингиз менга аланечук сеҳрли ҳузур бағишламоқда. Ҳа, айтгандай, Тарагай баҳодир ва Амир Темури ҳақида бир ривоят бўламоқчи эдингиз...

— Ҳа, эсимда бор... Келинг, буни бобокалон Амир Темури Курагоний ҳақида отамдан эшитганим ривоятлар билан болай.

— Важонудин, қулоғим сизда...

— Ташаккур, — давом этди Сайёх ҳаёлга чўмгандек бир нуқтага тикилиб. — Айтишларича, Амир Темури ёшлиғидоёқ ниҳоят зўйрак, қаққон, тиниб-тинчимас ва довурак бола бўлган экан. Қўрқини ёки бирор даҳшат олдидан тап тортиш унга беғона экан. Бир кун у тоғдаги дарахт соясида ухлаб қолди. Фийшиллаган даҳшатли овоздан чўчиб ўйғонибди. Қараса, каттақон заҳарли илон ёниасида ҳамлага тайёр турганмиш. Қимирлаш ёки қилчига қўл чўзининг иложи йўқ. Саккиз яшар бола ўйлашиб-кетиб ўтирмай, илоннинг бўйнидан даст тугтибдию, бошини тишлари билан шартга узиб ташлабди. Кўрдингизми, ҳали болалиғидоёқ яна шундай ғаюр экан Темурибек.

Тарагай баҳодир ўлгининг ўрларлиги ва жасоратлари билан фахрланиб, ич-ичидан қувониб юрса ҳам гоҳида бир қадар ташвиш тортарди. «Е парвардигор, ўзинг паноҳингда асра», деб қўярди у бундай кезларда.

Бир кун сарой аёллари унга маслаҳат берадилар:

— Баҳодир, бекзадани тижоратга ўрғатинг, ақли тез муҳассам бўлади.

Эртаси кун саломга келган пайтида Тарагай баҳодир Темурибекни тўхтатди.

— Бекзода, бир лаҳза сабр қилгайсиз.

Қўлларини кўксига қўйиб, падары бузруқвор олдидан бош зади Темурибек.

— Энди ёш эмассиз, ўғлим, фарзанди кабир бўлдингиз. Бир юмуш топшурсак нима дейсиз?

— Қуллуқ, бош устига.

— Бовракавлло, ундог бўлса сафар жабдуғини ҳозирланг. Эртага минг қўлни Бухороий шариф бозорига ҳайдагайсиз. Тижоратни ўрганинг.

— Бош устига! Бир илгимос қилмоқ учун ижозат этсангиз.

— Марҳамат, қандог илтимос экан, айтинг?

— Дўстим Али Утқунни ҳамроҳ олсам розилик бергаймусиз?

— Розилик бергаймиз, — кулиб жавоб қилди Тарагай баҳодир.

Темурибек Али Утқун билан тоғда ов қилиб юриб дўстлашган эди. Асли у анча олис, Қоразов қишлоғидан. Юлдузлари тўғри келди чоғи, икки ўспирин бир-бирларидан сира ажралишмайдиған бўлишди. Мударрис овоз қилиши билан улар ов, кураш, пойга, човгон, қилчбозлик, ёйандозлик, шатранж ўйнашга тушиб кетардилар. Баҳодир барини зимдан кузатиб юрарди. Воя кулиб қўйганининг боиси ҳам шу эди асли...

Сайёх яна бир лаҳза хаёлга чўмди.

— Офарин, — маъноли бош ирғади Ибни Хамроҳ, — падары бузруқвор билан ақли расо фарзанд муомаласини қаранг...

— Тўғри, лекин фақат бек билан бекзадоларининггина эмас, балки бутун халқимизнинг таомили шундай эди. Одоб, иззату ҳурмат, хусусан, диёнат деган гаплар бор эди-да ахир, у пайтларда.

Эртаси кун Темурибек хизматқору чўпонларга сурувларини ҳайдатиб, ўзи дўсти Али Утқун билан отлиқ йўлга тушади.

— Қара, қара, ҳу ана, — осмонга шора қилди Али Утқун то чўққилари узра нуқтадек айланаятган бургутни кўрсатиб. — Нега у бу қадар баланд учаркан-ку? Ергади ризқини қандог кўради, Темури!

— Кўради, Али, кўради, — энгикиб отга қамчи босади Темурибек, — қуш қанчалик баланд учса, шу қадар узоқни кўради, довурак бўлади. Анқо, Хўмо, ўх-хў бундан ҳам баланд учади. Шунинг учун уларни кўриш ҳаммага насиб этмайди. Худди шундай баландпарвоз қушлардан ибрат олмоқ даркор. Устоз ўғитлари бу! Кўп қушлар юксакка кўтарилла олмайди, шу боис улар оёғи остидан нарини кўрмайди. Одамзод ҳам шундай!..

Улар отлар туёғининг дупурига қулоқ солгандек жинг кетавердилар. Йўл тоғ қишлоғи яқинидан ўтарди. Даъфатан ҳасса суяниб келаётган, сар-соқоли оппоқ, нуруний чолга кўзлари тушиди.

— Тўхта, туш отдан, — қатъий буюрди Темурибек. Улар отлардан сакраб тушиб, қўл қовуштирганча йўл четига чиқдилару бош эгиб туравердилар.

— Ассалому аълейкум! — Баравар таъзим қилишди йигитлар бобо яқин келгач.

— Ваалейкум ассалому ва Баракоту во Раҳматуллоҳу! Бовракавлло, паҳлавонлар, қани йўл бўлсин! — тожик тилида сўради бобо.

— Насиб этса Бухороий шарифга.

— Офарин! Нияти саёҳатми, тижоратми

САБОҚ

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 1992 йил 2-сонда эълон қилинган Ортиқ Абдуллаевнинг «Аччиқ мевалар» асари миллий, ўз-ўзини англашнинг, ўтмиш, яъни Шўро даври ўтмишига янгича тафаккур билан қарашнинг яхши намунаси. Эзгу ниёт, башарий туйғу билан ёзилган бу асар уч қисмдан иборат. Улар «Алданган умидлар», «Қишлоқ — зулм остида», «Замонавий манқуртлар» деб номланади.

Асарнинг «Алданган умидлар» бобида Ортиқбой Хумсон кишлоғига қатагон даврида кўчириб келтирилган чеченлар ҳаёти, қишлоқ аҳлининг ўта ноҳор турмуши ва қрим татарларининг бошига тушган оғир мусибатлар ҳақида ёзади.

«Қишлоқ — зулм остида» — гама-аламга тўла бодир. Раҳм-шафқатни билмаган коммунистлар, очарчилик бўлишига қарамай, кимда галла, дон-дун

бўлса, бир ховучини ҳам қолдирмай, су-чуриб олиб кетаверинган. Ортиқбой Абдуллаев шу муносабат билан Хумсон тоғларида олги, ожит излаб, очликдан мадори қуриб «... Мачиттош деб аталган катта тош ёнида, улкан ёнғоқ остида...» бир-бирининг пишига кириб ўлиб қолган Темир ака, Мирбува каби хумсонликлар, ўз боласини сўйиб ейишгача бориб етган Қурбонали, Пўлат деган кимсалар, шоир Элбек, Қаноқ раис, Холиқ оқсоқол каби Хумсоннинг брўбли кишилари бошига тушган фожиалар тўғрисида катта дард билан хикоя қилади.

Муаллиф халқлар отаси Сталин 1933 йилдаги очарчиликдан одамларни сақлаб қолиш имконияти борлигини била туриб, буну у хоҳламаганлигини ёзар экан, шундай мулоҳазани ўртага та-шлайди: «Қатагон давлари ҳадеб соғи-ганларга машғум очарчилик йиллари воқеаларини эслатиб туриш керакка ўхшайди... Матбуотда келтирилган маълумотларга қараганда, 30-йилларда фа-кат очарчилик туфайли СССРда 13 миллион одам қирилиб кетган. Инглиз ёзувчиси Ж. Конквист Украинада рўй берган даҳшатлар ҳақида «Мусибатлар

урими» номли ҳужжатли асар ёзган ва одамни ларзага солувчи кўп-лаб далиллари келтирган. Афсуски, Ўзе-кистондаги очарчилик ҳақида деярли тузукроқ асар ёзилгани ёки ишончли маълумотлар келтирилганидан хабаримиз йўқ. Қозғистондаги фожиалар ҳақида аса фақат айрим рақамлар ай-тилади, холос. Шунга кўра, бу жумху-рияда 3 миллиондан ортиқ одам очлик-дан қирилиб кетган. Худди ана шу давр-да, 1930—1932 йилларда Совет Иттифо-қи 12 миллион тонна галлани чет мам-лакатларга сотган. (1927—1929 йиллар-да 2,5 миллион тонна галла четга чи-карилган, бу рақам йил сайин ошириб бо-рилган.) Ана шу галланинг учдан бир қисми қолдирилганда ҳам жануб жум-хуриятлари ва Волга бўйларидаги аҳоли бу даражада шафқатсиз кўргуликларга дучор бўлмасди».

Бу ҳеч нарса билан инкор қилиб бўл-майдиган ҳаққоний далил ва айбнома-дир.

Ёссенинг «Замонавий манқуртлар» қисмида муаллиф сталинзмнинг қаб-ларда ҳамон янаб келаётган маънавий асорати, ўзгарган шароитга бўқаламу-ндай тез мослашиб олган ва олаётган

хозирги айёр манқуртлар ҳақида афеус-ланиб сўзлайди.

Шарқ доноларидан бири «... Устод-дин юксакроқ дўкон солиб бўлмас» деб тўғри айтган экан. Ота-боболари-муддан ўтказиб, ибрат олса арайидиган моддий ва маънавий ҳаёт кура олдими? Йўқ! Ўтмиш эмас, дин эма, марксизм-ленинизмнинг ўзи халқ учун афъюн бўлиб чиқди. У зарга ўралган заҳар, тўғрироғи, манқурт таълимот бўлганли-ги учун ҳам маънавий ва иқтисодий ҳаётимизни бутунлай издан чиқариб юборди.

Ортиқбой Абдуллаевнинг «Аччиқ ме-валар» асари мана шундай сиёсий ва иқтисодий таназул илдизларини очди ва босиб ўтган йўлимиз адашувардан аччиқ, аммо худосалар чиқаришимизга туртки беради. У хозирги миллий ада-биётимизда Шўро даврини, яъни сохта таълимотларга кул бўлиш фожиасини ҳаётий миқдорлар, пухта далиллар асо-сида фош қилувчи, маҳорат билан ёзилган яхши асардир.

Тўлабай РҶЗИБОВ

Бўстонлик

ёки зиёратчи?

— Аввало зиёрат, сўнгра тижорат.

— Илоҳи омин, сафарларингиз бехатар, зиёратингиз қабул ва тижоратингиз хайру баракали бўлсин, — юзига фотиҳа торғди бобо...

— Ҳа, кексаларга ҳурмат шундай эди қа-димда, — бош ирғади Ибни Ҳамроҳ.

— Э, нимасини айтасиз, биродар. Энди-ликда бировни ишонтириб бўлмайди бунда. Кўнлар ҳатто отасини танимай қолди ахир. — Сайёҳ шундай дедию, яна ҳикояси-ни давом эттирди, — Ёш савдогарлар отла-нишиб яна йўлга тушадилар. Улар энди ўз-ларини қўшдек енгил ва алланечук қувноқ ҳис этиб боравердилар.

— Темурубек, зоҳида йўланиб қоламан, — гап бошлайди Али Утқун, — тоғнинг ҳар шккала томонида ўзбек ва тожик қишлоқ-лари бор. Бухоро ва Самарқандда ҳатто қў-ни-қўшни яшармиш улар.

— Йўқ, Али, фақат бу ерларда эмас, бутун Мовароуннахру Хуросонда шундай.

Улар азалдан қардош халқ. Ҳазрати Исрофи суруни торган куну йўзбегу тожик бир тупроқдан бош кўтаришади. Бундай дўст-ликка асло завоёл етказмаслик керак. Кимки, журғат этса гуноҳи аъзимка богади. Устоз шундоқ таълим берадилар!

— Бу рост, — деди Ибни Ҳамроҳ, бир қа-дар йўланиб. — Темурубек подшо бўлганидан сўнгра унинг тасаввуфидоги сарҳадларда мил-лий адоватлар сира бўлмаган дейдилар. Ак-синча элатлар тинч-тоғув ва иноқ яшаган эканлар.

— Албатта. Қаранг, ахир, шунинг учун ҳам у хозир гўрида тинч эмас-да! Руҳи бўлса келиб, мени сайёҳликка ундади. Темурубек фақат ўзбек билан тожикни эмас, балки ҳамма миллату элатлар дўстлиги ва тинчли-гини ҳимоя қилувчи одил подшо бўлган.

— Амир Темур замонида бутун юрт, хусу-сан карвон йўллари, ҳатто йша буюк ипак йўли ҳам мутлақо хатарсиз эди, дейдилар. — Шубҳасиз, шундоқ. Энди бўёғини эши-тинг, — давом этди Сайёҳ. — Темурубек би-лан Али Утқун мине қўйни минг тиллага со-тиб қайтаётганларида қизиқ бир воқеага дуч келиб қоладилар. Қарасалар йўл четдаги тепа устида кўроний бобо турибди. Қўлида ўроғлиқ бир парча қоғоз.

— Ким олади шуну, ким олади! — Қич-қирамиш у халғи қоғозни кўрсатиб. Йўловчилар нарҳини сўраб, кўнлар индаш-май ўтиб кетаверишибди. Темурубек ҳам қи-зиқибди.

— Қоғозингизнинг баҳоси қанча?

— Минг тилло!

— Нима дейсан, Али оламизми? — сўраб-ди у дўстидан.

— Майли, оламиз! — Дангал жавоб қи-либди Али. Темурубек минг қўйнинг пулини ҳамени билан чолга узатибди.

— Мана, минг тилло.

— Валле, ўғлим! — қоғозни узатаётиб дедди бобо. — Шарти шунки, орқанга ўзи-рилмай ўн қадам юргач, қоғоз қатини оч!

Икки дўст ўн қадам юргач, қарасалар тепа узра ўзларидан бўлак ҳеч кимса йўқ. Бобо аллақачон бўлиб бўлибди. Қоғозда эса атиги: «Подшо бўласан», дейилган икки сўз бор экан холос!

— Тўхта, — шу заҳоти Али Утқун Темурубекнинг гирибонидан туғибди. — Ҳўш, қани айт, подшо бўлганингда мени не вазифага тайин қилурсен?

— Сеними, сени бош вазир тайин қилур-мен.

— Оғзаки гапни, қўй, Темурубек. Ҳозироқ тилҳат ёзиб берайсен. Паёти келганда ваъ-дангдан тоғурсен йўқсам. Тез бўл.

Темурубек ўша қоғозни иккига бўлиб, тил-хат ёзибди. «Подшолик тахтига ўтирганимда Али Утқун бош вазирим бўлмай»...

Йиллар ўтаберибди. Темурубекнинг жасо-рати ҳақидаги овоза мамлакат ҳукмдор-рининг қулоғига ҳам бориб етибди. Ниҳоят Та-рағай баҳодир подшодан олий фармон олабди.

— «Муҳтарам бек! — дейиларди унда. — Сизга бўлган хурматимиз туфайли фарзан-дингиз Темурубекни сарой хизматига лойиқ кўрдик. Виз ҳам унинг фарзандлик салоҳия-тидан шояд баҳраманд бўласан».

Аслини олганда подшо ўзига тобе беклар фарзанди ёки бирор яқин қариндошини хур-матдан кўра кўпроқ бошқа мақсад учун са-ройида сақларди. Шундай қилса бир қадар жони тинчдек бўларди унинг.

Иттифоқ, Темурубек Тугулук шох саройида юзбоби бўлиб юраверибди. Аммо кўп ўтмай Амир Хўсайн билан тил бириктириб под-шонин салтанатдан ағдарибдию, ўзи Кеш ҳукмдори бўлиб олибди. Урушлар, торти-шувлар барибир давом этаверибди. Бир неча муддатдин сўнг Темурубек Самарқанд ҳукм-дори, аввалги иттифоқчиси Амир Хўсайини ҳам мағлуб этиб Мовароуннахр тахтига ўтирибди. Вир жангда ортгирган жароҳати туфайли бу орада у аллақачон Темурубек ланг (чўлок) ҳам бўлган эди. «Дунёнинг ишлари қизиқ, — деган экан Темурубек кексайган чо-ғи, — ёш ва бақувват эдим, қувиб етиб оёғимни синдирдилар, оқсоқ бўлганимдан сўнгра эса мени ҳеч ким тугулмади!»

...Вир куну кутилмаганда эшик оғаси ҳов-

лиқиб кириб, Темурубекка таъзим қилибди.

— Шаҳаншоҳим, аёф этгайсиз...

— Гапир!

— Вир одам келадур, соқчиларни ҳам, сарбозларни ҳам писанд қилмайду, қўлида бир парча қоғоз, вазири аъзамнинг бўлурмен, қоч йўлдан, подшо хузурига кираман, дейду.

— Қўй кирсин, — буюрибди Темурубек та-бассумини яшириб. Ҳа, у ҳеч қачон одамлар олдида бўлар-бўлмас ошкора қулмаган экан. Хаёла ўтмай эшик очилиб, Али Утқун кириб-ди:

— Мана, тилхатинг, Темурубек! Буюр вазир-лик либосини келтирсинлар.

— Тўхта, жим бўл! — Ҳазаб қилибди Те-мурубек, тахтининг олтин тақяҳоҳига қўлла-рин тираб. — Тўхта, аввало энгишиб подшо-га таъзим қил. Вазири аъзам дегани фаро-сатли бўлиши керак!

Али Утқун унинг салобатини энди ҳис қи-либ, дарҳол тиз чўкиб пешонасини уч қарра ерга урибди.

— Ассалому аълейкум, подшоҳи олам, маъзур туғинг, бир қошиқ қонимдан кечинг. Тангри таоло Сизга улуғзоқонлик насиб эт-гани ҳақидаги хушхабар эсимдан жудо қи-либди мени. Тахту салтанат муборак бўлғай.

Темурубекнинг чеҳраси бир қадар ёришган-дек бўлибди, баъзилар ҳатто унинг лабидога билинар-билинмас табассумини ҳам пайқаб-дилар.

— Қуллуқ, Али Утқун, қуллуқ! — Темурубек мўлдозма буюрибди, — Бош вазирлик либосини келтиринг!

Сайёҳ маъноли кулиб, Ибни Ҳамроҳга ти-килди ва деди:

— Ҳа, ана шундай салобатли подшо эди Темурубек. Мен айтаётган гаплар эл орасида-ги ҳикояту ривоятларнинг бир қисми холос. Аслини олганда, эҳ-ҳе, ким билади дейсиз, балки Темурубекнинг яна анча улуғ хислат-лари бўлгандур. Бунақа одам, биласизми, дунёда ҳар замонда бир келади, дейдилар.

...Улар анча сўхбатлашгач, самийи хайр-лашдилар. Ибни Ҳамроҳ йўлга тушди. Бироз юриб орқасига ўгирилганда Сайёҳ ҳамон қоядек тил тирарди. Ибни Ҳамроҳнинг назари-за у тобора ўсаётгандек, йириқлашаётган-дек кўринарди.

— Е раббий, — ҳаёлидан ўтказди у, — қани энди Сайёҳ шўй зайл юксала бориб, Амир Темурубекнинг ўзига, қўлидога ҳассаси эса унинг забардаст ва адолатли қиличига айла-ниб қолса!

Самарқанд

Кайфият

Ҳажвия



Бошлиқнинг кайфияти эрталаб дуруст эди. Аммо қабулига ўринбосари кирди-ю...

— Тавба... — бошлиқ гижинганлигини сездирмаслик учун эснаган киши бўлиб қафти билан юзини бекитди. — Одам деганинг афти ҳам шунақа тасқара бўлади-ми?! Пашшахўрдаси пегса ўхшаб... Хол деган ўлгурдан чиққан жунлар юлиб ташланмайдими, ахир? Вайса... вайсайвер-чи! Ошкоралик деб ҳамманг оёғин қолиб оғзинг билан юриб қолдинг. Тавба, шунинг башарасига кўзим тушса кўнглим ағдариладиган бўлиб қолди-я! Эшитдим... Лазнати, чакка-чукка жойларда «Бошлиқнинг оёғи тоядиган... суюқлигидан сурилиб кетадиган кўринади. Агар шундай бўлса, ўрнига ўзимиз-да, бошлиқ...», деб сасиб юрганмиш! Вой, искирт-ай! Кўйнимда илон сақлаб юрган эканман-да! Бунинг думини қандай қилиб тугсам бўларкин-а?! Давр кўтармайди-да, бўлмаса-ку... Гапи сасиқ одамнинг ўзидан ҳам кўнаса хид келаркан... Уф-ф кураимиз... Жамоанинг фикрини инобатга олиб... Майли, рухсат... Э-э, хайрият-э!

Бошлиқ ўринбосарининг қораси ўчиши билан оқ, қайт қилмоқчи бўлгандек бир кўли билан оғзини бекитиб, иккинчиси билан стол қиррасидан тугмачани пайпаслаб топди. Хонага янргоқ сас таралди: «Чилинг... чи-чи-чи-чили!» Хиёл ўтмай останада котиба қиз пайдо бўлди.

— Лаббай, чойми?

Бошлиқ қўлини оғзидан олиб ёқа тугмаларини бўшатди.

— Фа-фа... форточкани очинг! Пуф-ф-ей...

— Хўп бўлади...

Котиба қиз қоматини ғалати оҳангда қилпиллаганча дераза томон ошиқди.

— У-ў! — Бошлиқнинг негадир эти жимирлашиб энтикди. Юришлари «Ламбада»-ку?! Ишга қабул қилганимга тўрт кун бўлибди-ю, қизик, нега шу пайтгача эътибор... Ҳа, ахир командировка... Ие, ана, оёқ учиде турганича қўлини тепага чўзаяпти! Вой-бў-ў... Юбка кургур ҳам калта экан... Кўзойнагим қаерда қолди-а? Оҳ-оҳ! Гўзаллик бари бир яхши-да... Илгарисининг оёғи шунақанди чилгўр эдики, бемалол тиш қавлагич ясаса бўларди... Буни-синики энди... Вой-ай! Валерианка!.. Оббо, форточка жонивор ҳам хонада бор-йўғи битта экан... Ничево, кўпайтирамиз...

Бошлиқнинг танаси «қисқа муддатли бу томошадан мириқиб яйради. Нохушлиғи бир пасда тумандек тарқалди. Котиба қиз бошлиқнинг ўзидан кўз узмай турганини сездими, эътиборсиз ҳолатда бу сафар кўкрагини олдинда чиқарганча изига қайтди, останада бир оз муддат тик қотиб тургач, сўнг ортига ғалати қараш қилганча чўзиб «Уф-ф!» дедю эшик қабзасини олдига итарди.

Бошлиқ жодулангандек серрайганча қотди, ниҳоят, лабларини чалпиллатганча тамшанди. — Иби... Ғунажин кўзини суздими?! «Уф» дедими ёки эркак бўлмай ўл-л дедими? Нима қилсам... Секин қармоқ ташлаб кўрсам-микин? Қандай бўларкин-а? Буни тавсия қилган жўралардан шу томонларини суриштирмаган эканман-да... Э-э, қизик экансан! Байталбозликни, нима, биринчи мартаба кўраясанми? Давр келганда ё даврон демайсанми, йигит? Қани билса ҳазил, билмаса чин қилиб... Бошлиқнинг бармоқлари беихтиёр яна стол қиррасидаги тугмача томон йўрғалади: «Чилинг-г... Чи-чи-чи...»

— Лаббай, чойми?

— Ҳа-а... — Бошлиқнинг овози қалтираб чиқ-

ди. — Шу негадир совқотиб... Бундай бир иситиб... Иҳм-м, исинайлик!

Котиба қиз тадоригини олдиндан кўриб қўйган эканми, лаҳза ўтмай чойнак ва қўш пиёла стол устида пайдо бўлди. Бошлиқ қоз титкиламоқчи бўлгандек кўзойнагини таққанча ер остидан оҳиста раэм солди: «Уҳ-ўҳ... Устоз кўрган экан! Қара, чойни ўзи шопириб... Кўйлагининг юпқоти... Бай-бай, телевизор-ку! Епирай, ёқаси ҳам йўқ-а... Ие, эгилибдими?! Валерианка!! Вой-эй, энди гапнинг кишварини бу ёғига қандай қилиб келиштираман! Оббо, бундай пайтда нима қилиш...»

Котиба қиз бошлиққа кўмаклашмоқчи бўлгандек яна бир мартаба чўзиб, аммо бу сафар оҳиста «Уф-ф!», деди.

— Нега мунча уф тортаясиз? — Бошлиққа бирпасда жон кирди. — Бирор жойингиз...

— Э, ўлсин... — котиба қиз чойнакнинг қоғонини тўғрилаш баҳона яна эгилди. — Битта қўйлак олай десам...

Сўнг очик кўкрагига термулганча култ этиб ютинган, ўқис оҳангда сўзида давом этди. — Бозор иқтисоди... Бозор иқтисоди... деб жаврашавериб одамни шир яланғоч қолдиришгач, уф тортаман-да...

«У-ў!... Бу гапни дарров иқтисоддан бошлади-ку?! — хаёлидан ўтказди бошлиқ. — Мен қолиб ўзи тўр ташлаятми? Ҳа-а, устози ҳақиқатда зўр экан... Қани, хўш-ш, деб турайлик-чи, охири нима бўларкин...»

— Ешлигингда ҳар кун битта янги қўйлак киймасанг... — котиба қиз бу сафар ноз билан буралганча бутун қоматини кўз-кўз қилди. — Қариганда, ҳа, ана фигуранг бузилади... Рости, одамга алам қиларкан. Эски иш жойимда, ҳай сатқан сар. Энди кимсан фалончиевнинг котибасиман-ку...

«Нима қаромат кўрсатдинг-у, ҳали сенга қўйлак совға қиламан! — хаёлидан ўтказди бошлиқ. — Худди қирқ йиллик қадрдондай бемалол гапирди-я! Қани давом этавер-чи... Мушқулмини ўзинг осон қилаяпсан шекилли...»

Котиба қиз бошлиқнинг юзига тикилиб ҳеч вақо сезмагач, ниҳоят охириги ҳужумга ўтди: — Ходимларнинг ойлигини ошираётган экансиз... Муруватингиздан биз бачоралар ҳам қуруқ қолмаймизми?! Биздан ҳам ахир...

Бошлиқ фурсат етганини англади. Темирини қизғида босиш учун бир муддат эшик томонга ўғринча қараш қилиб олгач, сўнг керишган кишидек ўрнидан кўзғалиб котибагини билагидан тутди.

— Хафа бўлманг жоним... О-ойлигингизни о-ошир-раимиз!

Котиба қиз билагидан бошлиқнинг қўлини олиб ташламоқчи бўлгандек ноз билан ортга тисланди.

— Қачон оширасиз?!

— Ҳо-о-озир! — Бошлиқ ўрнидан ҳансираганча кўзғаларкан яна эшик томон мунғайиб қаради. — Ф-фақат бир шартин...

Котиба қиз қаққонлик билан ортига яна икки-уч қадам чекинаркан, кўзларини жон олар тусда ўйнатди.

— Нима шарт экан-у!.. Қани, олдин эшитайлик...

Бошлиқнинг боши гангигандек сархуш ҳолатда бир муддат жойида тик қотди, сўнг ихраганча олдинга талпинди.

— Ш-шартни фа-а-қат қу-ку... қўлогингизга айтман!

— Ҳо-о, балосиз-ку! — котиба қиз қийқирганча стол айланиб қочди. — Қанчага оширасиз?!

Бошлиқ оёқ товшулари эшитилмасин деган

мақсадда тиззаларини бир оз букиб лўкилларкан, иккала қўлининг панжаларини ёйганча олдинга чўзди.

— Ун сўм!

— Й-ўқ! Қурумсоқ... Қурумсоқ!

— Ҳа, ана ийгирма...

— Вой, анов кишимни... Кам!

— Э-э, бор-е... Уттиз сўм кўшдим! Бўлдими, жони?!

Котиба қиз ўзига яқинлашиб келган бошлиқнинг кўкрагидан оҳиста итараркан, лабларини чўчқайтирди.

— Нарҳимиз ҳали шу бўлдими? Боринг-е!

— Э-э, ана эллик манат кўшдим! — Бошлиқ ёқимли ҳиддан масиққанча олдинга талпинди. — Ҳозир отдел кадрни қақиртириб... Бўлдими?! Оҳ-х, ўлдирдинг-ку! Яна битта...

Котиба қиз бошлиқнинг қўйнидан балиқдек сирғалиб чиқди, этгини тартибга келтираркан, жиддий қиёфага кирди.

— Бозор кўрганмисиз, ўзи?! Ойлигимга яна юз сўм қўшасиз... Розимсиз, йигит?

— Юз сўм! — Бошлиқ ҳам хўшёр тортиди, сўлаканин артаркан ўзини зўрлаб кулган бўлди. — Бунча ойликини ўринбосарим ҳам олмайд-ку, ахир?

Котиба қиз яна илгариги ҳолатига қайтди, белидан пастини ўйнатиб келаркан, лабларини олдинга чўзди.

— Бўлмаса ўша... ўринбосарингизни ўпиб юринг! Бўлтими?!

— А-а?!

Бошлиқнинг кўз ўнгида бир зумда ўринбосарининг «тасқара башараси» пайдо бўлдию жойида тахта бўлиб қотди.


Шу аснода киноларда кечадиган воқеа рўй берди. Эшик очилиб, хонага ўринбосарнинг ўша тасқара башараси мўралади.

— Мумкинми?... Ие, кечирасизлар...

Эшик қайтадан ёпилди. Котиба қиз: «Хўш, розимсиз!» дегандек, бир бурчақда лабларини чўчқайтирганча турар, хона ўртасида серрайганча қолган бошлиқнинг хушнуд кайфиятидан энди асар ҳам қолмаганди...

Мухаммад ОЧИЛ

Қарши



Ҳадемай қишлоғимизга ҳам газ келиб қолар.
Суратқаш Р. Нурибоев.

Икки мушукни бир қопга солиб бўлмайди.

Денгиз нодоннинг тўпиғидан келади.

Аҳмоққа ақл ўргатаман деб овора бўлма!

Доно ишлайди, нодон иссиққина печ устида ётиб кун ўтказди.

ҚОЗОН ҚОРАКУЯСИ

Яхши кўп ва лекин гоҳи-гоҳида
Учраб тишга тегар ғийбат уяси.
Виждон куйиб кетар унинг оҳида —
У қора қозоннинг қоракуяси!

Иноқ эр-хотинни кўриб қолса у,
Ширин турмушларин чайқатиши бор.
Кўзгудай тип-тиниқ оқиб турса сув —
Чўпин суқиб кетиб лойқатиши бор.

Очиқ кун бўлса ҳам ёғдиради қор,
Ҳаммадан беркитар кўёш юзини.
Кўпчилик у зотдан қилса ҳамки ор,
Оламда танҳоман дейди ўзини.

Ширин давраларга тушиб қолса у,
Бир томчи захарни аяганмас ҳеч.
У учун бегона умиду орзу,
У учун бегона кулгу ва севинч.

Дўстни дўсти билан уриштиришга
Бундай зот қадимдан устаси фаранг.
Шундай алломаю ноёб шахслардан
Ота-боболар ҳам қутулган аранг.


Ҳатто аҳил ўйнаб турган болалар
У келса, бир-бирин тўрткилай бошлар.
Унга ҳамроҳ эрур араз, нолалар,
Дуч келган ҳар дилни бир бора ғашлар.

Унинг касби яккаш ғийбат ва ғийбат,
Ҳунари қадимдан чўп ташлаш кўзга.
На инсон, темир ҳам қилолмас тоқат,
Бир чимдим у ҳақда сўзладим сизга.

Туғишган акаю опа-сингилга
У зот ҳатто сувни кўрмайди раво.
Нияти, нинасин санчса ҳар дилга,
Шундай улуғлардан асрагил Худо!

Еши минг-минг йилдан ўтиб кетса ҳам,
Ҳар куни бир қадам унинг ораси.
Эҳтиёт бўл ундан муқаддас Одам,
Юқиб қолмасин ҳеч унинг қораси!

ТЎЛҚИН



Азиз муштарий! Қуйидаги очкич ўзига хос бўлиб, улуғ шоир Алишер Навоий ҳикматларидаги сўзларда яширинган. Аввал рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очкични ҳал этинг.

Очкич:

1. Тилга ихтиёрсиз — элга 25, 21, 7, 2, 4, 5, 1, 26, 2, 18.
2. Ҳар кимгаки 12, 16, 22 таом емак фандур, Билгилки, касалликка тани маскандур.
3. Бир дегани икки демак ҳўб эмас, Сўз чу такрор топди 14, 2, 11, 12, 3, 15 эмас.
4. Тадриж ила туфл ўлур 24, 2, 1, 3, 14, 6, 3, 9, 14. Сокинлик ила қамиш ўлур қанд.
5. Ул кишиким, тузлик эрур, шон анга, Душман эрур гардиши 14, 3, 13, 1, 5, 9 анга.
6. Айтур сўзни айт — айтмас сўздин 19, 3, 23, 7.
7. 6, 10, 17, 9, 3, 7 аро ҳар кимки, таҳаммул йўқ анга, Тарвижга мутлақо тахайюл йўқ анга.
8. Ҳўб — йиртиқ тўн била ҳам ҳўб, Гул — ямоқлик чопони била 6, 13, 17, 4, 8, 4.
9. Душман ғуруридин ғам ема, Маддох хушомадин 20, 2, 9 дема.

Энди жавоб сўзлар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб тилсимни ечинг. Бунда буюк шоир, олим, давлат арбоби ва саркарда Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоийни мадҳ этган сўзлари аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

1-сонда чиққан тилсимнинг жавоби

ЭНИГА: 5. Уймакор. 6. Рақобат. 8. Мулкчилик. 11. Қалай. 12. Ижара. 13. Хутба. 16. Тил. 18. Бухоро. 19. Оқуруғ. 20. Ром. 24. Қарши. 25. Атама. 26. Ҳисор. 29. Отаниёзов [Комилжон]. 30. Қозилик. 31. Муродов [Уста Ширин].
БЎЙИГА: 1. Ойсанам. 2. Қонун. 3. Ҳаким. 4. Сардоба. 7. Ичкари. 9. Саргузашт. 10. «Кунтуғмиш». 14. Атойи. 15. Ашула. 16. Тор. 17. Лом. 21. Огаҳий. 22. Сангзор. 23. Хонақоҳ. 27. Утмиш. 28. Қобул.

Муқованинг биринчи бетиде: ОТАШҚАЛЬ ШОИР УСМОН НОСИР.
Рассом Малик Набиев асар.

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.


Босмаҳонага туширилди 30.12.92 й. Босишга рухсат этилди 12.02.93 й.

Қоғоз бичими 70×60/4. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 6,16. Нашр ҳисоб тобоги 8. Шартли рангли намуналар 18,8. 26516 нусхада чоп этилди. Вуюртма 1535. Баҳоси сотувда 15 сўм.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси. 700083. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари энг замонавий ўқув қуролларидан фойдаланмоқдалар. Уқиш-ўқитиш ишлари самарали йўлга қўйилган.

Бемор:— Болам, раҳмат сизга! Анча енгил тортиб қолдим, иштаҳа ҳам ёмон эмас.
Табиб:— Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз, отахон.



Ойноманинг шу сонидаги барча рангли суратларни Р. НУРИНБОЕВ тасвирга олган.



Бўстонлик туманидаги Чорвоқ кўргонда истиқомат қилувчи кам даромадли оилаларнинг ўн битта фарзандига суннат тўйи қилиб берилди. Хайрли ишнинг ташаббускори бўлган Хўжакент матлубот жамияти тўйнинг барча харажатларини ўз зиммасига олди.

